

## МУНДАРИЖА

### ЁДИ ХАМИША ЁДДА

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.** Юксак маънавият ва буюк шижоат соҳиби. ....2

### НАСР

**Хайриддин СУЛТОНОВ.** Фуломгардиш. Ҳикоя. .... 6  
**Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ.** Гирдибод. Қисса. .... 13  
**Абдуҷалол РАҲИМОВ.** Ишқинг билан. Ҳикоя..... 37  
**Озод МҮЎМИН ХҲЖА.** Қасос. Фантастик ҳикоя. .... 52

### НАЗМ

**ҲУМОЮН.** Ёшлик шаҳри. .... 10  
**Муҳаммад ИСМОИЛ.** Шараф топди сенда инсон Ўзбекистон! ..... 29  
**Ашурали БОЙМУРОД.** Юрагимда уйғонди баҳор. .... 59

### ТАДҚИҚОТ

**Ҳаким САТТОРИЙ.** Кескин қайрилишлар. .... 32

### КУЛГУ

**Меҳмон ИСЛОМҚУЛОВ.** Бир чимдим кулгу. .... 40  
**Ҳабиб СИДДИҚ.** Амриқолик қўшниларим. Ҳажвия. .... 61

### СИЙМО

Осмонга қараб шеър ўқиган аёл! ..... 42

### БУЮКЛАР ҲАҚИДА АФСОНАЛАР

**Майк Тайсоннинг** 75 нафар ходими ..... 44

### ЭССЕ

**Чори АВАЗ.** Устоз. .... 47

### ЖАҲОН ҲИКОЯСИДАН

**Меҳмет ТОШТЕМИР.** Ёввойи мушукнинг муҳаббати. Ҳикоя. .... 56

### ТУЙҒУ

**Руҳшона АШУРОВА.** Сен сўзларга қанот бер! ..... 62

### ШИНГИЛ ҲАНГОМА

**Мақсуд Шайхзода** бир куни..... 64



# Юксак маънавият ва буюк шижоат соҳибни

Азим тоғдан узоқлашган сайин, унинг маҳобати ва улуғворлиги тобора яққолроқ намоён бўлади, дейдилар. Мана, бир йилдирки, Ватанимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номини ҳар гал эслаганимизда, юқоридаги ҳикмат нақадар ҳақ эканлиги аён бўлаверади...

Миллатнинг юксак фазилатлари ва ўзига хос хусусиятлари, айниқса, унинг улуғ намояндалари сиймосида яққол кўринади.

Ўзбек халқи сўнгги асрлар давомида кўп заҳматлар чекди, муштамлака ва муштабид тузумнинг асоратига тушди. Айниқса, XX аср ниҳоясида миллатимиз келажаги улкан таҳлика остида қолган эди. Тили, дини, қадриятлари ва тарихи топталган, етук фарзандлари мунтазам катагон этилган ўзбек халқи ўзлигини унутишга маҳкум этилганди. Ана шундай мураккаб бир даврда тарих

бизга Ислом Каримов сиймосида шерюрак йўлбошчини ато этди. Биз халқимизнинг Истиқлолга эришуви, миллатимиз номини олган мустақил давлат барпо этишдек буюк тарихий жараёнларни, ҳақли равишда, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлаймиз.

Миллат тарихининг энг оғир пайтларида буюк йўлбошчига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан кучли бўлади. Ислом Каримов 1989 йилнинг июнидан республика раҳбари этиб сайланган пайтда юртимиз фуқаролар уруши, қон тўкиш, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Айнан ўша даврда ўзбек халқи Ислом Абдуганиевич Каримов тимсолида мард, букилмас ирода эгаси ва содир бўлаётган фавқулодда мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини давлат манфаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани

ва халқи, ҳар бир юртдошининг тақдири учун алоҳида масъулиятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбарга эга бўлди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилияти, кучли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллигини тантанали равишда эълон қилиб, 25 йил мобайнида обод ва фаровон мамлакат даражасига чиқишимизда кўрсатган беқиёс жасоратлари тўғрисида ҳали дунёнинг турли тилларида жуда кўплаб асарлар ёзилиши шубҳасиз.

Шу ўринда бундан анча йиллар аввал Россиянинг “Век” газетасида чоп этилган мақолани эсга олиш ўринли. Унда жаҳон сиёсатида “бош-

қалар илғамайдиган воқеаларни кўра оладиган” етук бир инсоннинг фикрлари келтирилган. Мухбирнинг: “Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми?” деган саволига у шундай жавоб берган:

Бор. У – Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов!

СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта хатога йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Ўзбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради.

Бунга Каримовнинг қандай фазилатлари туфайли эришилди?

Ўзбеклар – руҳият жиҳатидан бутунлай бошқача одамлар. Инсон ўз шаъни учун ўзининг азиз жонини қурбон қиладиган қийин пайтларда уларга тенг келадигани йўқ. Гдьян билан Иванов қамоққа олишга келганда хонадон эгаси хотиржам кийиниб, ўзини ўзи ўлдириш учун кечирим сўраб бошқа хонага чиқиб кетганида улар ҳайратда қолишган. Хатто чеченлар ҳам ўзбекларнинг ажал кўзига мардлик ва совуққонлик билан қарай олишига ҳавас қилиши мумкин.

Ислом Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди. Мусулмон оламининг ўзга маърифатга қарама-қарши туриши келажакнинг манзарасини белгилаб беришини ўта сезgirлик билан аниқлади, уларнинг тўқнашувини истисно этадиган заминни яратди. Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир<sup>1</sup>.

Қирғизистоннинг собиқ президенти Аскар Акаев бир интервьюсида шундай деган эди: “Биз хоҳлаймизми-йўқми, Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг Византияси. Бу Чингиз Айтматовнинг гапи. Мен ҳамisha қадрлаб ҳурмат қиладиган Ислом Абдуғаниевич шундай давлатни қойил-

латиб бошқариб, халқаро миқёсдаги лидер даражасига етдими, бунга тан бериш керак”.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ислом Каримовнинг шахсий обрў-эътибори мамлакат ва минтақа доирасидан чиқиб, оламшумул миқёс касб этган эди.

“Сизнинг Президентингиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда тинчликни, барқарорликни сақлашда толмас курашчи деб тан олинган, – дейилади Қирғизистон Республикаси, Жалолобод вилояти, Олабуқа тумани фуқаролари томонидан “Адолат” газетасига ёзилган хатда. – Тожикистон ва Афғонистондаги фуқаролар уруши билан боғлиқ муаммоларни дунё минбарига олиб чиққанларидан хабаримиз бор. “Ўш воқеа”ларида эса худди ўз мамлакати фуқароларини ҳимоя қилгандек, куйиб-ёниб бизларни ҳимоя қилганлари ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ”. Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи (2006 йил) телевидение орқали намойиш этилгани хануз ёдимда. Исломобод кўчалари байрамона безатилган. Кўп жойларда улкан ҳарфлар билан ўзбек тилида: “Покистонга хуш келибсиз, жаноб Президент!” деб ёзиб қўйилган. Минглаб одамлар қўлларини силкитиб олқишламоқда. Улкан мамлакат аҳли шу минтақадан

етишиб чиққан улуғ Инсонга, халқаро миқёсдаги сиёсий арбобга ўз эътиромини изҳор қилмоқда эди!..

Биринчи Президентимизнинг асарлари ўша даврдаёқ ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган, кўплаб мамлакатларда бу китобларнинг тақдимот маросимлари ўтказилиб, махсус ўрганилаётгани ҳақидаги хабарлар бизни ниҳоятда руҳлантиргани ёдимизда.

Ислом Каримов том маънода жуда кучли сиёсатчи ва бу борада жаҳон тан олган буюк давлат арбоби эди. Катта давлатларнинг раҳбарлари, дунёга таниқли сиёсат, фан ва маданият арбоблари Ислом Каримов асарлари ва серқирра фаолияти ҳақида ҳайрат ва эътиромли сўзларни айтганлар. Шу ўринда кўшни Афғонистон Президенти Ашраф Ғани изҳор этган дил сўзларини фахр ила эсга олсак арзийди: “Ислом Каримов минтақамиздаги ўта доно инсон эди”.

Буларнинг бариси – Ислом Каримов нафақат халқимиз, балки бутун инсоният миқёсидаги улуғ сиймолардан бири эканлигини кўрсатади.

Бундан олти юз йил бурун миллатни миллат, давлатни давлат қилиш масъулияти Соҳибқирон Амир Темур зиммасига тушган эди. Улуғ Соҳибқирон, босқинчилар ғорат қилган Ватанни озод қилиб, буюк салтанат қурди, миллатнинг



<sup>1</sup> Андрей Михайлов. Энг даҳшатли воқеа ҳали содир бўлгани йўқ... “Век” газетаси, 1995 йил, 21-27 июль. (“Халқ сўзи” газетасининг 1995 йил, 2 август сонидан кўчириб босилган)

дардларига дармон бўлди. Чорак аср муқаддам тарих яна такрорланди. Миллатни жипслаштириш, давлатни давлат қилишдек ўта машаққатли, аммо шарафли тарихий масъулият Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов зиммасига тушди.

Ислом Каримов, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида сўзлаган маърузасида: “Буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади”, – деган эди.

Биринчи Президентимиз Истиклолнинг илк кунларидаёқ: “Мустақиллик – энг аввало ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир”, – дея таъкидлаганди. Ислом Каримов улф инсонпарвар шахс эди. Ҳатто шўролар замонида, Қашқадарёда вилоят раҳбари бўлиб турганида, “пахта иши” бўйича ноҳақ қамалганларнинг ёнини олди, уларнинг оилаларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатди. Халқимизнинг ғурур ва ифтихори, маънавий камолоти билан доимий шуғулланди. Халқнинг қаддини ҳам, қадрини ҳам кўтарди. Биринчи Президентимиз, Ўзбекистонда собиқ тузум даврида ҳал қилинмаган мураккаб вазифаларни ҳал қилишига тўғри келди. Бу муаммолар босқичма-босқич, ниҳоятда оқилона ҳал қилингани дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Ислом Каримов, “Мустақиллик ўзбек халқининг тарихий ютуғидир”, – дея фахр билан таъкидлар эди. Бундай залварли тарихий ютуққа ҳеч қайси миллат ўз-ўзидан етишмайди, Яратганнинг назари тушган йўлбошчисиз мақсадга эришиш мушкул. Жалолиддин Румий шундай ёзган: “Кимки раҳнамосиз сафарга чиқса, икки кунлик масофани икки юз йилда босиб ўтади”.

Биринчи Президентимизнинг миллат ва давлат олдидаги буюк хизматлари, у киши раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар ва тарихий ўзгаришларни санаб тугатиш мушкул:

– Ислом Каримов – Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт

йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир;

– демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг ташкилотчисидир;

– у марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;

– халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади.

– Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислохотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;

– Собиқ КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар

Ўзбекистонда адолатсизлик ва тазйиқларни авж олдирган йилларда ўзбек халқининг номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидоийлик кўрсатди;

– халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

– халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишга улкан ҳисса қўшди;

– одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишига раҳнамолик қилди;

– юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшди;

– моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими – Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчилик қилди;

– маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш,



фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

– юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик корхоналарни бунёд этишда, кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз, авваламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қийёфасининг тубдан ўзгаришига бевосита раҳбарлик қилди.

– Мухтасар қилиб айтганда, Ислоҳ Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб борди.

Жаннатмонанд юртимизда чорак аср давомида рўй берган бу ўзгаришлар ҳар биримизнинг ҳаётимизга дахлдордир. Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларнинг ўсиш суръатларида, тараққиёт ва тўкинчиликда, тинчликни таъминлашда, миллий тотувлик ва бағрикенгликда, ҳарбий куч-қудрат ва илм-фанда, маданият ва спортда жаҳон рейтинглари бўйича юқори ўринларда бораётган эканмиз, бу жараёнларнинг ва ютуқларнинг бош раҳнамоси, ташкилотчиси, ташаббускори Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов бўлганини ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай экан, у кишининг ўчмас бўлиб қалбларимиздан жой олган муборак номи энди тарихимиз саҳифаларида абадул-абад муҳрланиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Ислоҳ Каримовнинг тарих ва миллат олдидаги буюк хизматларидан яна бири – Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларини халқимизга қайтариб, ул зотни миллатимиз тимсоли сифатида бутун дунёга чексиз фахр билан намоеън этганидир. Шу иши билангина Ислоҳ Каримовнинг номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилишга арзигулик эди.



Биринчи Президентимиз раҳнамолигида миллий давлатчилигимизни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар илдизи улуғ Соҳибқирон тамойилларига, сиёсатига туташ. Зеро, Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”.

Шу сабаб ҳам Ислоҳ Каримовни буюк Амир Темурнинг руҳи бир умр қўллаб келган бўлса ажаб эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, чорак аср давомида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов миллий давлатимизнинг тамал тошини қўйиб, келгуси тараққиёт дастурини яратиб берди.

Ўз раҳнамосига эга халқ – бахтли, Аллоҳ алқаган халқ. Пешонасига ана шундай буюк кишилар битилган, ўзлари сайлаган азизларини ардоқлаган миллатнинг келажаги буюк. Не бахтки, биз Соҳибқирон Амир Темурнинг маънавий вориси бўлган Ислоҳ Каримов билан замондош бўлдик. Тарихни эслайлик: шавкатли Соҳибқирон бобомиз атрофида жипслашган миллатимиз нақадар буюк давлат қурган эди! Бугун биз Ислоҳ Каримовнинг муносиб издоши бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олам аро шундай улуғ мавқега қадам қўймоқдамиз. “Инсонларнинг

дарду ташвишларини ўйлаб яшаш, одамийликнинг энг олий мезонидир”. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ҳозирги кунда Ўзбекистон бўйлаб кенг тарқалиб бормоқда. Президентнинг амалий фаолияти, унинг ташаббус ва ҳаракатларида шу ҳақиқат яққол намоеън бўлмоқда. Бу қутлуғ сўзлар, “Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир”, деган улуғ Соҳибқирон васиятига монанд эканлиги бизни айниқса руҳлантиради.

Соҳибқирон Амир Темур юртни обод қилиб, кўплаб шаҳар ва кентлар бунёд этди. Аммо бирорта жойни ўз номи билан атамади. Бу фикрни Биринчи Президентимиз ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ислоҳ Каримов улуғ Соҳибқирон ибратига амал қилиб, ўзига қўл билан тиклаб бўлмайдиган ҳайкал қўйди. Бу инсонларнинг қалбидан жой олганидир. Ислоҳ Каримовдан бизга Ўзбекистон деган катта бир давлат қолди!

Йиллар ўтаверади, Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари бот-бот эсга олинаверади. Бу улуғ зотнинг муборак номи дунё тургунча туради, ўзбек номи билан ёнма-ён яшайди.

Мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Президенти, халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби сифатида мангу яшайди.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**



**Хайриддин СУЛТОНОВ**

– Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам қутуламанми сиздан?!

Дадаматов ахийри шундай деди. Санокул бобо мажбур қилди. Дадаматов жаҳл устида шундай деди-ю, энди пушаймон бўлиб ўтирибди. Пушаймон бўлгани сари эса баттар аччиғи чиқмоқда.

Аслида, нега шунчалик тутаққанга ўзи ҳам ҳайрон.

Санокул бобо уни урмаган бўлса, сўкмаган бўлса, тухмат-маломат қилмаса, ундан бир тама тиламаса... Айби – қанда қилмай ҳар куни салом бергани-ю, дуои жонини қилиб турганими?

Наинки шунинг учун киши бировдан ранжиса? Айниқса, Дадаматовдек зуваласи лойдан эмас, мумдан ясалган мулойим бир одам, шунинг учун бировни ранжитса? У наҳот шу умидда юртига кўчиб келган бўлса?

Ақл бовар қилмайди. Менинг, масалан, бунга сираям ишонгим келмайди. Чунки Бегмат Дадаматовни беш қўлдай яхши биламан. Билганим учун ҳам шу гапларни ёзиб ўтирибман. Келинг, унинг кимлиги ҳақида сизга ҳам анча гапириб берай.

Хўш, Дадаматов Бегмат Эрматович, урушдан аввал, ўттиз олтинчи йили бизнинг қишлоғимизда туғилган. Ҳамма қатори ўқиб, ҳамма қато-

ри машаққату дард-аламлар тортиб, кон техникуми, кейин шу соҳанинг институтини тугатиб, қишлоғимизга қайтиб келмади – Шарғунга, кўмир конига ишга кетди. Кишлоққа кам келарди, аҳён-аҳёнда – Май байрами ёки Янги йил арафаларида тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган, кўзлари катта-катта, чиройли хотини билан паст-баланд кўчаларимизда пайдо бўлиб қоларди. Бегмат Дадаматов маржон шодасидек тигиз қишлоғимиздан узилиб кетган биринчи дона эди, шу боисмикан, кўпчиликнинг назарида алланечук ғалати, жуда оқпадар бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, дарбадар бир кимса бўлиб кўринарди.

Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан беҳабар, шунинг учун ҳам парвойи фалак юрар эди. Кейин-кейин, у кекса отаси-ю қари онасини кўргани келаркан, хотини билан бирга бежирим кийимлар кийган ўғил-қизларини ҳам эргаштириб келадиган бўлди. Болаларининг тилиям бизнинг лаҳжаларга ўхшамас, бинобарин, бегона эди.

У биринчи марта қишлоққа сутранг “Волга”да кириб келганида, ҳар турли миш-мишлар тарқади. Бировлар: “Кўтарилиб кетибди, машина олиб юраркан”, деди, бировлар эса: “Эрмат сариқнинг ўғли кўмир эмас, пул конида ишларкан”, деди. Ким-

лардир суюнди, кимлардир куйди.

Бир куни Дадаматов, қайсидир байрамда, чол-кампирни зиёрат қилгани келиб, отасини касал ҳолда кўрди, онаси бошида сув томизиб ўтирарди. Ўртада қандай гап-сўз ўтгани бизга номаълум, аммо бир ҳафтадан сўнг Дадаматов қишлоққа кўчиб келди. Энди “Волга”си йўқ эди. Яна миш-миш тарқади: “У ишдан ҳайдалиб кетибди”, “Бало экан, ҳовли-жойнинг умидида... ҳаҳ, моли дунё ўлсин ширин бўлмай...”

Тешик қулоқ, Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан энди хабар топмай қолмади, лекин барибир парвойи фалак юраверди. Ҳатто беписанд кулиб қўйганини ҳам биров кўрмади. Хуллас, қишлоқ унга кўниқди – ортиқ номини сақич қилмай қўйди.

Дадаматов озроқ муддат чол-кампирунинг каталакдек уйида яшади, кейин, кузга бориб, Даламаҳалладан анчагина бадастир ҳовли-жой сотиб олиб, кўчиб ўтди. Район марказига – электр идорасига ишга кирди. Тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган ўғил-қизлари қишлоқ болалари билан бир мактабда ўқий бошлади. Хотини ҳамшира экан, касалхонага жойлашди.

Дард бошқа – ажал бошқа, шифтга боқиб умри ўтган Эрмат бобо кўкламга чиқиб кўрмагандек

# Ғуломгардиш

Ҳикоя

бўлиб кетди, кутилмаганда отга, беданага меҳр пайдо қилди, тагида булутдек айғир, устида почапўстин, қўйнида бедана, қаерда улоқ, қаерда пойга бўлса, барида ҳозир нозир. Орада унинг оғзига сув томизиб ўтирган кампири бирданига омонатини топширди. Чол ҳозир саксон учда, қайсарлик билан ҳамон ўзининг ҳовлисида, ўн олтига кирган невараси Шермат билан тирикчилик қилади, аҳён-аҳёнда нега менга кампир топиб бермайсан, деб Бегмат Дадаматовга галва қилиб қўяди. У эса бунга жавобан кулади, холос.

Бегмат Дадаматов ҳақидаги гапга шу ўринда нуқта қўйсақ ҳам бўларди, лекин Санокул бобо... Дарвоқе, Санокул бобо! Агар Санокул бобо бўлмаганида, ҳикоямизнинг ҳам ҳеч бир ҳикоялик ери қолмасди.

Санокул бобо, Бегмат Дадаматовнинг ҳаётида ҳам худди шу ҳикоядагидек, мутлақо тўсатдан пайдо бўлди.

Санокул бобони мен ҳам танирдим. Кутубхонадан китоб олгани борганимда кўрардим. Кўча бошидаги харсанг тошда, ҳассасини иягига тираб, кўзларини чала юмиб, носнинг кайфини сурганча офтобшувокда мудраб ўтирарди. Салом берсангиз хафа бўларди, кайф қочса керак-да.

Дадаматовнинг олган ҳовлиси кутубхонанинг орқасида, шундоққина сой бўйида эди ва аччиғичақдай тор бир кўчадан юриб, Санокул бобонинг кўҳна ёғоч дарвозаси олтидан ўтиб, асфальт йўлга чиқиларди.

Ҳамма машмаша Дадаматов кўчиб келганининг иккинчи ҳафтасидан бошланди.

Сешанба куни эрталаб шошиб ишга бораётса, нимдош кўк ятак кийган, чувак юзли, пишиқ бир чол тавозе билан салом берди:

– Э, ассалому алайкум, тўрам!

Дадаматов гангиб тўхтади, гарчи атрофда ўзи ва рўпарасидаги чолдан бўлак кимса бўлмаса-да, ёнверига аланглади, сўнг ҳайронлик билан, музтар ва хокисор қўл қовуштириб турган қария томон юрди, сўрашгани қўл чўзди:

– Ассалому алайкум, ота.



Шунда чол ёшига ярашмаган абжирлик ила чаққон югуриб келди, унинг кафтини қўшқўллаб кафтига олди, кўзига суртгудек бир алфозда товуши товлашиб деди:

– Бардам-бақувват юрибсизми, тўрам тани-жонингиз соғми?

Дадаматов баттар довдиради, сўнг юзи ёришиб жилмайди: “Қариллик-да!”

– Мени биров билан адаштира-яписиз-а ота, – деди хушхўл кулимсираб.

Чол ундан баттар таажжубланди:

– Э, нега адаштирай, тўрам?

Шукр, ҳали эс-хушдан айиргани йўқ. Яратган эгам ўзи адашгулик қилмаса адашмайман, тўрам. Ҳа, ҳовлилар муборак бўлсин энди? Кўп суюндим, тўрам, кўп суюндим. Илоҳи омин, яхши тўйларга буюрсин, туп қўйиб палак ёзинг!

– Раҳмат, – деди Дадаматов, – раҳмат, айтганингиз келсин.

– Муни қаранг, тўрам, фалакнинг гардиши деб шуни айтаркан-да, бўлмаса ким ўйлабди сизнинг бизга қўшни бўлиб қоли-

шингизни? Шукр, минг шукр, яратганнинг инояти буям бўлса!

Дадаматовнинг вақти бениҳоя зиқ эди.

– Ҳай, ота, – деди узр сўраб, – майли, омонлик бўлсин.

– Э, тўрам, қани бир пиёла чойимиз бор-а? Эрталабки насиба-я, тўрам?

– Бошқа сафар, – деб Дадаматов гапни қисқа қилди.

“Отанинг ошналаридан, – дея ишонч билан ўйлади йўлда бораётиб, – лекин нега бунча “тўра”лайди – ҳайронман...”

Кечкурун ишдан қайтиб таажжуби баттар ортди: кимдир бир тоғора сомса ташлаб кетибди.

– Ким берди? – деб кундузи уйда қолган саккиз яшар қизчасидан сўраган эди, у:

– Бир чол, оти... оти Санокул бобо, – деди. Ҳайронлик билан сомса ейилиб кетди. Эртасига яна одатдагидек ишга бораётган эди, худди кечаги муюлишда ўша чолга дуч келди. Дадаматовга, у кечадан бери жойидан жилмагандек туюлди.

У ҳарчанд олдин салом беришга ўзини чоғласа-да, барибир улгуролмади – чол эпчиллик қилиб қолди:

– Э, ассалому алайкум, тўрам!

Қалай, бардам-бакуватгина? Уй ичилар, бола-чақа омонми?

“Тўрасига бало борми?!” – Дадаматовнинг бирдан энсаси қотди, бироқ чолнинг юз-кўзида ҳеч қандай ҳазил-мазах ифодасини кўрмади.

– Раҳмат, – деду у куруққина қилиб ва шу заҳоти: “Э, сомсани шу юборган бўлмасин тағин?” – деган фикр хаёлидан ўтди.

– Қани, тўрам, ўтсинлар, ўтсинлар! – чол икки букилиб, қўл қовуштирганча унга йўл бўшатиб турарди.

– Менга қаранг, ота, – деди Дадаматов, – нега мени “тўра” дейсиз, мен тушунмадим. Умуман, сал ғалати бўляпти, мени отим Бегмат, отимни айтиб қақираверинг.

Чолнинг нурсиз, чайир кўзлари ваҳимага тўлди:

– Йўғ-е! Йўғ-е! – деб шивирлагандек бир овоз чиқарди у. – Худо сақласин, нега отингизни айтар эканман, айб бўлади, тўрам. Қани, ўтсинлар, ўтаверсинлар, бахузур.

Дадаматов бўғилиб кетди:

– “Тўра” деманг, илтимос.

Чол кўзларини пирпиратди:

– Нима дейин?

– Отимни айтинг, қўшни денг, ҳа, ана, ўғлим денг.

– Йўқ, – деди чол, қатъиян бош чайқаб. – Сиз тўрамнинг авлодлари бўлсангиз-у, мен қандай қилиб...

– Қанақа тўранинг? – деб сўради Дадаматов қичқиргудек бўлиб.

– Дадамат қозининг-да, – деди чол ва унинг бу қадар нодонлигига ачингандек, бош тебратиб қўйди.

– Раҳматли бувангиз менинг тўрам эдилар, мен у кишининг эшикларида қарол эдим, ёйилмада молларини боқардим, жувоз ҳам ҳайдаганман, мола ҳам босганман. Мени жойи жаннатда бўлгур қози бувам одам қилганлар. “Э, Саноқул, – дер эдилар раҳматли, – дунёда одам кўп, лекин одамийси кам”. Ўзлари қандоқ одам эдилар-а. Ҳар оқшом фуломгардишга ўз қўллари билан гўжами, атала-умочми, худонинг

буюрган насибасини кўтариб келар эдилар. Бир марта денг, Тахтасойда ерлари бўларди, баҳори буғдой экан эдик, тизза бўйи бўлиб қолганида, мени чақриб айтдиларки...

Дадаматов кўчанинг қоқ ўртасида меровсираб, рўпарасидаги эски ковушдек кўримсиз чолдан кўз узмай анграйиб турарди.

“Ёпирай! Нималар дейди-я, бу?! Тош асридан қолганми ўзиям, нима бало?!”

– ... Хайитнинг эртаси тўрам билан Норжовтолга, Мирали қозонинг овулига бордик. Борсак, тумонат одам, бир тўй бўлган экан, Миралининг укаси улоқда отдан йиқилиб ўлибди, қий-чув, қиёмат...

– Ота, – деди Дадаматов бетоқат, – қачонги гап буларингиз?

Кўзлари қисилиб, завқу шавққа чўмган Саноқул бобо ўйланиб қолди.

– Қачонги дейсизми? Э, кўп бўлгани йўқ ахир, Николай подшо ағдарилган йилимикин, валлоҳу аълам, ундан кейинги йилими... Ишқилиб, мулла Абдурахим қуллар яшайдиган жой.

Фуломгардиш – ўзининг кенжа ўғли Қорабозорда отхона босиб ўлган йили эди. Раҳматли Абдукаримнинг мучали ҳўк эди, мана шундай мучал ағдарадиган бўлсак... кечагина бўлган гаплар-да, бари, тўрам.

Дадаматов, гўё уни биров боплаб лақиллатгандек, жаҳли чиқди, аранг ўзини босиб, Саноқул бобо билан хайрлашди.

Индинига яна ўша ҳол такрорланди. Дадаматов бу сафар аччиқланмади-ю, вазминлик билан шундай деди:

– Энди, бизни иззат қилганингиз учун раҳмат ота, лекин бундан кейин мени “тўра” деманг, илтимос. Чунки...

– Ие, нега? – деди Саноқул бобо.

– Чунки, – дея давом этди Дадаматов унинг саволини эшитмагандек, – мен сиз айтаётган қози бобони кўрган ҳам эмасман, у киши биз дунёга келмасданоқ кўкариб чиққан эканлар. Кейин, илгари нима гаплар бўлса бўлгандир, аммо ҳозир унақа “қаролу” “тўра-пўра” деган гаплар қолмаган ота. Шунинг учун бунақа

деб, мени хижолатга қўймасангиз. Ахир битта-яримта эшитган кулоққа ҳам хунук. Йўлни ҳам бахузур кесиб ўтаверинг, ёшингиз улуғ!

– Йўқ-йўқ, – деди Саноқул бобо, – бундай деманг тўрам, айб бўлади, сизнинг мартабангиз улуғ.

Дадаматов қовоғини солди:

– Ота, ҳозиргина келишдик-ку?

– Кўйинг-е, – деди Саноқул бобо бўш келмай. – қози бобонинг арвоҳи-чи, тўрам?!

– Э, жуда “тўра”лагингиз келса, отамга боринг! Зерикиб, нима қиларини билмай ётибди.

Саноқул бобо синиқ кулимсираб, бошини қуйи солди.

– Майли, тўрам.

– Ахир мен партиийний бўлсам, катта бир идорада ишласам, сиз эса бундоқ қилиб турсангиз. Гап теккизиб кўясиз ота, менга бунақада.

– Худо сақласин, тўрам, – деди Саноқул бобо чўчинқираб. – Сизга қасд қилганлар паст бўлсин.

– Э, боринг-е! – Дадаматов қаҳрланиб қўл силтади ва шарт бурилиб жўнади. Икки юз қадамлар юриб боргач, бирданига кулиб юборди.

Кечкурун отасидан хабар олгани борди. Отаси айвонда, туллак беданасининг патига сув пуркаб, ўтирарди. Бир оз гурунглашгач, у аста сўради:

– Саноқул бобо отангизнинг қароли бўлганми?

– Қайси Саноқул? Сано тентакми? – Отаси беданани кўтариб, чироқ шуўласига солди. – Отамнинг қароли кўп эди. Саноям ишлаган. Тентак у, – дея отаси ичкари уйга қараб қичқирди: – Ҳой Шермат, бормисан, тоқчадаги халтада тарик бор, олиб чиқ!

Дадаматов ўрнидан қўзғалди.

Эртасига яна Саноқул бобога дуч келишини ўйлаб, юраги безиллади – рост кўчани қўйиб, паст кўчадан юрди, сой ёқалаб айланиб ўтиб, ишга кеч қолди.

Якшанба куни маҳаллада тўй бўлди. Дадаматов ҳам чиқди. Тўй эгалари кўярда-қўймай уни ичкари уйлардан бирига судрашди, Дадаматов салом бериб кирганида бир уй одам чой ичиб чақчақлашиб ўтирарди, ҳамма



унга ўгирилиб қаради. У пойабзалини ечиб, пойгақдаги бўш жойга чукмоқчи эди, туйкус юқоридан:

– Қани, тўрам, бу ёққа, бу ёққа ўтсинлар, – деган чийилдоқ овоз эшитилди.

Дадаматов, юраги шув этиб, унинг тўрига қаради. Саноқул бобо, икки букчайганча, бурчакка қисилиб унга хокисор термулиб турарди.

– Ўтираверинг, – деди у ғижиниб.

– Йўқ, йўқ, тўрам, мен... қандоқ ҳаддим сиғади ахир, қўйинг энди, одамни хижолат қилманг, тўрам, одобсизлик бўлади-да, э!

Дадаматов ҳамма томошаталаб бўлиб турганини сизди ва базўр шайтонга ҳай бериб, Саноқул бободан юқори ўтиб ўтирди, у эса пилдираганча келиб унинг жойига чўқди.

Кўпчилик бир-бирига ажабланиб қаради.

Дадаматовга тўй татимади.

Бир куни олти яшар ўғли шундай деб қолди: – “Дада, тўра дегани нима дегани?” “Ҳа, нега сўра-япсан?” “Йўқ, айтинг, яхши гапми, ёмон гапми?” Дадаматовнинг боши қотди. “Саноқул бобонг айтдимми? Ҳазиллашган, парво қилма!” “Менам Саноқул бобони тўра десам бўладими?” “Йўқ!” “Нега?” “Бас энди, эзма бўлма”, деб дарғазаб жеркиб берди у.

Аслида-ку, энди Саноқул бобога кўникиб, тақдирга тан бериб қўя қолса бўларди, лекин қайсарлик бобида у ҳам Саноқул бободан заррача қолишмасди, яъни уларни ўхшатмасдан учратмаган эди.

Дадаматов ҳаммасидан ҳам кўра, бу ғалати муносабатнинг эл-чорга ошкор бўлишидан кўрқарди. Кўрқиб юргани содир бўлди. Қуруқсой қишлоғидаги подстанция ночор эди, ҳадеб куйиб қолаверарди. Қуруқсой аҳли ҳам исми-жисмига мос халқ экан, тайини суриштирмай, тинимсиз ёзгани ёзган эди. Қўли қичиган экан, майли ёзаверсин, лекин кошки аризадан трансформатор ясаб бўлса! Ахири бўлмади – район газетаси уриб чиқди. Эргашев деган мухбир билибми-билмай: “Район электрлаштириш идораси (бошлиғи ўрт.

Дадаматов Б.) токайгача меҳнат-кашларнинг ҳақли талабларига тўраларча муносабатда бўлади?!” деб дарғазаб савол қўйди.

Мақола жума куни чиққан эди. Дадаматов таъби хира бўлиб кечкурун уйига қайтаркан, ўтган-кетганининг бари қўлини бигиз қилиб уни кўрсатаётгандек туюларди. Эчки ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашади, деган гап рост. Рост бўлмаса, худди шу пайт Саноқул бобо Дадаматовга кўз оғригидек рўпара келиб қоладими?

– Ассалому алайкум, тўрам...

Дадаматов бирдан портлади:

– Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам, қутуламанми сиздан?!

Саноқул бобо ҳангу манг бўлиб қолди.

Дадаматов шу жаҳл устида бориб ҳовли-жойини текинга бўлсаям сотишга тайёр эди, бахтига, уйда меҳмон бор экан – хотинининг уруғлари келишибди, шулар билан чалғиб ҳовуридан тушди.

У шу бўйи Саноқул бобо билан салом-аликни йиғиштирди. Кўча-кўйда дуч келиб қолгудек бўлса, тескари қараб ўтадиган бўлди. Чол эса, юзида ҳануз ўша хокисор табасум, қўл қовуштириб не гуноҳи борлигини билмай гарангсиз турарди.

Қиш кунларининг бирида Саноқул бобо оламдан ўтди.

Дадаматов эл қатори таъзияда қатнашди. Қабристонга борганда ҳам, қайтаётиб ҳам ўзини бениҳоя гуноҳкор сездди.

Эртасига Саноқул бобони эсидан чиқарди. Одатдагидек, шошиб ишга жўнади.

Бирор ҳафта чамаси ўтиб, Саноқул бобонинг дарвозаси ёнида чолнинг ўттиз ёшлар ёшарган қиёфасини – куя еган телпак кийган ўғлини кўрди. У қўлига куҳ-куҳлаб, лабидаги папиросини четга улоқтирди-да, Дадаматовнинг истиқболига юрди:

– Ассалому алайкум... – йигит бир оз тараддудланиб, такрорлади.

– Ассалому алайкум... тўрам...

Дадаматов сесканиб тушди.

“Э, тавбангдан кетай! Булар ўзи авлоди билан жинни эканми, нима бало?!”

Унинг ранги олинганини сезиб, йигит шоша-пиша гапирди:

– Энди ака, нима қилай, бобонинг васияти...

– Канақа васият? – деди Дадаматов гангиб. Йигит аламзадалиқ билан афтини буриштирди.

– Отам касал бўлгандан бери яккаш бир гапни такрорлардиларки, шу Бегмат акангни ҳамманг ҳурмат қиласан, у киши тўрамнинг авлоди, сизлар ҳам шундай деб чақиринглар... Энди, ака, ота рози – худо рози, ахир...

– Э, қўйсангиз-чи! – деди Дадаматов ва шарт бурилиб жўнаркан: “Бу чол ўлса ҳамки қутулмас эканман-да”, деб ўйлади аччиқланиб. Кўчанинг бошига етгач, алланарса эсига тушгандек, жадал юриб изига қайтди, Саноқул бобонинг дарвозасини қоқди. Кейин эшик дарвозадан қўлида паншаха ушлаган бояги йигит чиқиб келди:

– Э, келинг, келинг, – деди у ортига чекиниб.

– Менга қаранг, – Дадаматов остона хатлаб ичкари ўтди: – Энди бир келишиб олсак: майли, отангизнинг васияти ўз йўлига, лекин иккинчи мени бунақа деб шарманда қилманг. Маъқулми? Бобо раҳматлининг шунча азоб берганлари ҳам етар.

– Йўғ-е, нима деяпсиз, ака, сизга азоб бериб...

– Агар бунгаям кўнмасангиз, – дея Дадаматов боя ўйлаб қўйган гапига кўчди – мен чиндан ҳам сизга тўра бўладиган бўлсам, менинг амримни бажарадиган бўлсангиз, бундан буён мени Бегмат ака деб чақирингизни буюраман. Тушундингиз-а? – У таҳдид билан кўзларини йигитга тикди.

– Э, мен бир нарса деяпманми, ака, ўзим ҳам...

– Бўпти, омонлик! – Дадаматов енгил тортиб, йўлига равона бўлди.

У кечкурун яна шу кўчадан уйига қайтди. Кечгача эса ҳали анча бор.



**ХУМОЮН**

## Ёшлик шаҳри

**I**  
Бу шаҳардан кетмайди баҳор,  
Орзу гуллар дарахтларида,  
Кўчасидан умидлар оқар,  
Мангу хайрат унинг бағрида.

Очилгайдир барча китоблар,  
Дарвозадай сирли оламга.  
Устоз сочгай нурли хитоблар,  
Хаёлларга, дилга, ҳар дамга.

Дорилфунун йўлидан порлоқ  
Муҳаббатнинг офтоби порлар.  
Бошлангунча биринчи сабоқ –  
Шаддод қизнинг нигоҳи чорлар...

**II**  
Тунлар сокин, олам тин олар,  
Шовқинлардан толиқиб бағри,  
Хотиралар,  
Ўйларга толар,  
Дорилфунун хиёбонлари.

Тонглар –  
дарсга шошармиз, доим,  
Эътиборсиз ташлармиз назар.  
Аммо четдан кузатишар жим,  
Йўл бўйида турфа дарахтлар.

Соясида ўлтирсак, бизни  
Ром этганда чиройли хаёл.  
Очиқ қолган китобимизни  
Варақлайди донишманд шамол.

Дарахтлар кўз ташлар китобга,  
Уларга хуш эрур бу чоғлар:  
Биздан олдин ўқир шу топда  
Шивирлашиб янги япроқлар.

**III**  
Ҳали ўқилмаган кўҳна китоблар,  
Не сирлар мужассам саҳифалар аро.  
Боболардан қолган унсиз хитоблар –  
Мозий йўлларида йўқолган дунё.

Ҳали ўқилмаган кўҳна китоблар,  
Келажак маёғи – тарих сабоғи.  
Уларда мужассам ният, савоблар,  
Шу илдиз-ла обод Ватан тупроғи...

**IV**  
Булбул айтсин кўнгил розини,  
Ватан дея сас берсин Замин,  
Шаббодалар олиб созини  
Вақт ҳақида кўшиқлар айтсин.

Кенгликлардан сўйласин Осмон,  
Меҳр сўзин айтгил, эй Қуёш.  
Мен шунчалар содда, бегумон,  
Ишонч тўла юрагим бебош.

Ёш қалбимга тилайдирман дарс,  
Буқаламун сабоқ берма, бас...

**V**  
Беозор ёшликсан,  
Бебош, беташвиш,  
Ҳали самовийдир хаёлу сўзинг,  
Навбаҳор фаслингда сенгадир олқиш,  
Орзулар бобида бетимсол ўзинг.

Бир ниҳол сингари  
баркамол ўсдинг,  
Ҳали йиғлатмаган сени муҳаббат,  
Ҳали панд бермаган душманинг, дўстинг,  
Билмассан нимадир хиёнат, нафрат.

Ҳали эртақларга  
ишонмайсан сен,  
Ёлғон деб ўйлайсан афсоналарни,  
Мисоли уммонга сочилган дурдай –  
Дунё кезиб юрган девоналарни.

**VI**

Ўстирганди чўғдай қизил гул  
Хонасининг даричасида.  
Дунёдаги энг гўзал сулув,  
Талабалар шаҳарчасида.

Гул мисоли меҳр – яшнаган,  
Рангин-рангин ғунчалар очар.  
Даричага боқиб дил равшан,  
Офтобжамол нуруни сочар.

Таҳсилини тугатдими қиз,  
Кетдимикин олис қишлоққа.  
Хувиллаган хонада ёлғиз  
Бир гул қолди боқиб йироққа.

Кунлар ўтиб борар, на чора,  
Сир сақлагай, ўртангай кўнглим.  
Э-воҳ, сўлиб борар тобора,  
Бағритош қиз унутган гулим...

**VII**

Биз сирларни севиб яшаймиз,  
Ардоқлаймиз бари-барини,  
Дил тубига кўмиб ташлаймиз,  
Садафларин, гавҳарларини.

Яшаяпмиз, бу сирли олам,  
Сирларсиз қоларсан эгилиб.  
Балки, дўстим, бунда бизлар ҳам  
Кимларгадир сирмиз, севилиб...

**VIII**

Дилфузанинг қоши ёйдай,  
Қизлархоннинг сочи сойдай.

Наиманинг сўзи асал,  
Илмиранинг юзи ял-ял.

Наргизанинг юриши соз,  
Гулнор гўзал, қилганда ноз.

Сарвиқомат Вазираой,  
Саминанинг отаси бой!

Курсдошларим бари гўзал,  
Битсаммикан бир-бир ғазал.

Қани энди бу хислатлар  
Бир Парида бўлса, агар...

Хаёлим банд этиб қизлар,  
Тез тугарди доим дарслар.

**IX**

Қишки синов, ёздаги синов,  
Тафаккурни чархлаб боради.  
Имтиҳондан ўтгаймиз дарров,  
Хавотирлар ортда қолади.

Аммо таъқиб этар бир ҳадик  
Ёшликнинг шўҳ, жўшқин онларин.  
Билиб-билмай топширар эдик  
Ҳаётнинг ҳам имтиҳонларин.

**X**

Мумтоз адабиёт:  
Боқийлик сирин  
Очганди бизларга  
Доно муаллим –  
Ўн аср муқаддам  
Юсуф Хос Ҳожиб  
Ёшлар турмушидан  
Қолганми ранжиб,  
Давру-давронига  
Қайғуриб ёнмиш,  
Ёзмишдир, замона  
Охирлаб қолмиш!  
Сўнгра ўтди қанча  
“Охирзамонлар”,  
Юз бор такрор бўлди  
Ўша каломлар.  
Мудом янгилиниш  
Осмон тоқида.  
Ёшлар янги нафас –  
Замон бобида.  
Даврлар, даврлар –  
Тарихга ондир,  
Ҳар кимга ўз даври –

Охирзамондир!  
Фақат бир ҳикмат бор –  
Яхши ном қолдир,  
Юсуф Хос Ҳожибдек  
Қалбингни ёндир,  
Ўзиб кетажаксан  
Давру-даврондан.  
Ўтиб кетажаксан  
Охирзамондан!

**XI**

Фалсафа – она фан,  
хавотирли ўй,  
Фарзандлар бўй етгач,  
бўшаб қолган уй....  
Фалсафа турмушдан  
топиб камларни,  
Яна туғар экан  
янги фанларни...  
Гоҳ ундан хавотир,  
гоҳ бундан безор.  
Фанлар-чи, онаси –  
Фалсафаси бор!



## XII

Ҳар лаҳза кашфиёт қилмоққа қодир,  
Болалик ёдимга тушар гоҳида.  
Ҳаёт фанларини ўргатди бир-бир,  
Сўнгра йигитликнинг жўшқин чоғида.

Энди мен дунёни кузатиб бардам,  
Довондан ўтмоққа топарман имкон.  
Энди сир қолмади ошкор бўлмаган,  
Энди манзилларга борар йўл аён.

Умр доволарин забт этдим-у,  
Кашф қилиб яшадим ҳаётни, балки.  
Ер ила самони англаб өтдим-у  
Сирлигича қолди инсоннинг қалби.

## XIII

Бугун менинг туғилган куним,  
Қумсоатга термуламан жим,  
Дилда недир – қувончми, алам,  
Келармикин бепарво санам?

Қувонайми, ўтмоқда умр?  
Вақт, вақт, тин билмас ахир.  
Ким омондир тақдир амридан?  
Бир йил айро умрим бағридан.

Оқшом дўстлар бўлди жамулжам,  
Бир гўзал йўқ, бошланди байрам,  
Йўларимни қувиб нарига,  
Шерик бўлдим шодликларига.

## XIV

Омад келгай қачондир,  
Келмоғи бегумондир,  
Ёнингдан ўтиб қолса,  
Билмаганинг ёмондир.

Сабр доим ўзингда,  
Дилингда-ю жисмингда.  
Англамасанг ёмондир,  
Қолиб кетса изингда.

Бахтинг кўз қароғингда,  
Ёнган дил чироғингда,  
Ҳис этмасанг ёмондир,  
Замонингда, чоғингда.

Бахт қушдайин кўринмас,  
Сабр тошдай урилмас,  
Саломинг йўқ Хизрга –  
Ўтиб кетса, билинмас.

Бари учрар йўлма-йўл,  
Гавжум ахир ўнгу-сўл,  
Талабалик ўтганда,  
Қайтмоқликка қайда йўл.

## XV

Тошкент сари учса ўйларим,  
Ўтгай Ёшлик шаҳарчасидан.  
Ёдга тушар яна дўстларим –  
Бири Ургут, бири Касбидан...

Урмимизнинг ёшлик бекати,  
Йўлларимиз боғлағувчисан,  
Беғуборсан, пок муҳаббати  
Кўнгилларни чорлағувчисан.

Юртимнинг ҳар гўшасидан биз,  
Қўмсаганда хаёлан, баъзан,  
Биргалашиб бағринг кезгаймиз,  
Биз беҳабар бир-биримиздан.

Бекатларда қолган изларим,  
Устозлар ҳам ўчмас хаёлдан,  
Ёдга тушар яна дўстларим –  
Хазорасп, Чустдан, Ғузордан...

\* \* \*

Ёшлик шаҳри чорлаб бағрига,  
Ҳамон олов қалар қалбимга.  
Бошқачароқ яшардим балки,  
Қайтолсайдим ўшал давримга.



# Ирдибод

Қисса



**Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ**

-1-

**1981 йил. Деҳли. Ҳиндистон.**

Профессор Ракеш Чопра кўлидаги қорайиб, ҳилвираб кетган бош чаноғига ҳайрону мустар боққанча, боши-кети йўқ хаёллар гирдобига кўмилиб кетди. Наҳотки, унинг шунча йиллик изланишлари, илм йўлидаги машаққатлари бесари сомон кетган бўлса...

Бош чаноғини эҳтиёткорлик билан айлантириб, ёноқ суягидаги ўрик данаги сиғар катталикдаги тешикка узоқ термулиб қолди. Кейин эса стол устидаги занглаб кетган бир парча темирга разм солди. Кўзларига ишонмай заррабин ортидан синчиклаб қаради. Оддий темир, йўқ-йўқ, ўточар қуролнинг ўқи. У бечора бошчаноқ эгасининг қовоғи остидан кириб, миясининг титигини чиқарганча энса суягига санчилиб қолган экан. Ўсмирнинг бошмалдоғидек келадиган бир парча занг босган темир йигирма беш – ўттиз ёшлардаги навқирон йигитни бир зумда мурдага айлантган бўлса керак. Зеро, бундай жароҳат, олган нафасини чиқаришга улгурмай, унинг руҳини осмону фалакка учуриб кетгандир... Профессор бу ўқ қанақа қуролдан ажралиб чиққанини жудаям билгиси келди. У темир парчасини авайлаб пин-

цет билан ушлаганча кичкина ёғоч қутига жойлаштириб, археологик қазилмаларда топилган металларни тадқиқ қилувчи лаборатория томон йўл олди. Лабораториялар ертўлада жойлашган эди.

Профессор Ракеш Чопра ёши олтмишга яқинлашиб, танасининг оғирлиги оёқларига малол кела бошлаган, бунинг устига кейинги пайтларда шаҳарнинг бўғиқ ҳавосидан нафас олишга қийналадиган бўлиб қолганди. Шунинг учунми у икки кундан бери бузилган лифтни тузатишни эпполмаётган банораслик лифтёрга норози нигоҳ ташлаганча зинапоя томонга оғир қадамлар билан юриб кетди. Иккинчи қаватдан ертўлагача бўлган қирқ саккиз зинапояни босиб ўтгунича оппоқ кўйлаги жиққа терга ботиб ҳансираб қолди. Қайсидир ахмоқ фаррош эрталаб зинапояни тозалаётиб деразанинг бир тавақасини очик қолдирган, шу очик деразадан эса тандирдек қизиб турган, билкиллаган асфальт кўчаларида қайнаб, тутун ва турфа газларга тўйинган бадбўй ҳаво бутун зинапоя майдонини эгаллаб олган эди. Профессор ертўланинг бироз зах ҳидини айтмасам намхуш ва салқин дахлизига кирганида елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортиди. Ўнг

қўлидаги қутини маҳкам ушлаганча чап кўли билан шимининг чўнтагидан дастрўмолини олиб терлаган бўйнини, пешонасини артди. Бироз нафасини ростлаганидан кейин эса дадил юриб таниш лаборатория эшигининг мис тутқичини тортиди.

... – Профессор, мабодо бирор нарсани фаромуш қилмаяпсизми? – юпқа кўзойнаги ортидан кўзларини пирпиратди, ҳали ўзининг ярим ёшидан эндигина ўтган Лаъл Кумар – ўт очар қуроллар тарихи бўйича бир неча йилдан бери ёзаётган илмий ишини тугата олмай хуноб бўлиб юрган лаборант, ўттиз ёшлардаги новчадан келган ориқ йигит.

Профессор унга норози нигоҳ ташлади. Сочлари оқариб, буғдойранг юзини янада қорамтирроқ қилиб кўрсатадиган, салобатли профессорнинг чехраси тириша бошлаганидан Кумар ўнғайсизланди. Ахир, Ҳиндистондаги ягона Археология академиясининг жаҳон археологлари орасида ҳам ўз мавқеига эга профессорига шунақа тутуриқсиз савол бериб, кейин унинг чимирилган қошлари остидagi норози нигоҳига дош беришнинг ўзи бўладими?!

– К-кечирасиз, Чопра соҳиб, мен айтмоқчийдимки...

– Нимани айтмоқчи эдингиз Кумар-жи, – чехраси ёришди Про-

фессорнинг, – бемалол айтаверинг. Мулоҳазаларингизни жон қулоғим билан эшитаман.

Лаъл Кумарнинг ҳам хавотири босилиб, аллақандай суюқлик ёрдамида зангдан халос бўлган темир парчасига яна диққат билан қараб, унинг орқа-олдини заррабин билан қайта-қайта кўздан ўтказгач, бошини кўтариб, унинг ҳаракатларини сабр билан кузатиб турган Профессорга қаради. У бир тўхтама келиб, ўз фикрига тўла ишонч билан гапира бошлади.

– Чопра соҳиб, жаноб профессор, – у фикрини қандай ифодалашни билмай, бир зум иккиланиб қолди. Кейин миясига келган фикр йилтироқ ойнак остидаги йирик-йирик қўй кўзларида аксланиб, тез-тез, сўзларини ямлаб гапира бошлади. – Сизга битта савол берсам, майлими? – Профессор розилик маъносида бош ирғатиш билан давом этди. – Агар сир бўлмаса бу ўқни қаердан топганингизни айтиб берсангиз?

Профессор бунини ўзи, лаборант сўрамасиданоқ айтиб бериши лозимлигини эслаб жилмайиб қўйди.

– Бу мутлақо сир эмас, Кумар-жи. Мен, хабарингиз бўлса керак, Бобуршоҳнинг Ҳиндистонга юриш қилган даврини тадқиқ қилмоқдаман. Яқинда машҳур Панипат жанги бўлиб ўтган адирда қазииш ишларини ўтказган эдим. Бунини ўша жойдин топдим. Менимча Иброҳим Лўдий қўшинининг навқари бўлса керак, бу ўқ унинг бош чаноғини тешиб, энса суягига санчилиб қолган экан. Лаъл Кумарнинг кўзлари катталашиб, кичкина кўзойнагини бурнининг устига суриб юборгандек бўлди.

– Й-йўғ-е. Б-бўлиши мумкин эмас!

– Тушунмадим, Кумар-жи?

– Б-биласизми, профессор жаноблари, бу ўқ, нима десам экан, сизга, – Кумар ҳаяжонланганидан дудуқланар, керакли сўзни топа олмай қийналарди, – б-бу-б-бу ўқ, тўрт аср олдин тайёрланмаган! Балки сиз фаромуш қилаётгандирсиз.

...Кумар-жи, сиз менинг скелетлар қолдиқларининг ёшини



аниқлаш бўйича Қироллик Академиясида тан олинган санокли экспертларидан бири эканлигимга шак келтирмоқчимисиз?! – Қошлари чимирилди профессорнинг, кейин пешонасини тириштирганча такрорлади. – Тушунмаяпман сизни, Кумар-жи?

– Муҳтарам профессор соҳиб, сизнинг скелетлар бўйича беназир экспертлингизга заррача шубҳаланмайман. Аммо бу ўқнинг ўн олтинчи асрга мутлақо алоқаси йўқ!

Лаборантнинг анчайин дадил гапи унчалик ўтиришмаган бўлса-да, бироқ профессор унинг ўз фикрини айтишга монелик қилмади. “Қани давом этавер-чи”, дегандек, стулга қулайроқ ўтириб, тинглашга тайёр эканлигига ишора қилганча, қўлини чаккасига тиради. Кумар профессорнинг иззатталаблиги ўрнини қизиқиш эгаллаганини сезиб ўзини босиб олди ва фикрини баён қила бошлади.

– Профессор соҳиб, ўн олтинчи асрда саркарда Бобур қўшинида бор-йўғи бир неча ўн дона тўфанг бўлган. Улар ҳам Усмонлилар орқали Оврўпадан келтирилган ибтидоий мушкетлар эди, холос. Бунини ўзингиз ҳам тасдиқлайсиз, шундайми?

Профессор, индамай, бош ирғаб қўйди.

– Улар тумшугидан ўқланган ва уларнинг ўқи майда кўрғошин соққалар бўлган. Ўша ўқлар эллик қадам наридан отилганда ҳам бундай жароҳат етказиши амримаҳол.

– У чаққон ўрнидан турди ва хона кунжидаги каттакон темир

жавоннинг олдида борди. Ундан бир кичик қутичани олиб, профессорнинг олдида қўйди. Қопқоғини очди. Қутичада турли ўлчамда ва шаклда қорайиб кетган кўрғошин парчалари ётарди. Бири гилос данагидан сал каттароқ, думалоқроқ бўлса, яна бири эса жийда данагидек чўзинчоқ эди. Кумар уларнинг ёнига профессор келтирган ўқни қўйди. У эса бу иккаласидан тўрт-беш барабар катта, бунинг устига конуссимон шаклда эди.

– Профессор соҳиб, булар ўша, ўн бешинчи асрда, Оврўпада ясалган мушкетнинг ўқлари. Уларнинг ўртасидаги фарқни кўриб турибсиз. Бу ўққа эътибор беринг. Унинг сирти пўлатдан, ичига эса вазнини ошириш учун кўрғошин қуйилган. Мана, буниси эса жудаям қизиқарли далил. Пўлатнинг таркибида вольфрам бор! Эътибор беринг, вольфрам! – Кумар қизишиб кетганидан оғзидан тупук сачратиб, овозини баралла қўйганча гапирарди. – Бу металл ҳақида ўн олтинчи асрда мутлақо билишмаган. У ўн тўққизинчи асрда топилган металл.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Профессор ҳам унинг жўяли далилларига қизиқиб қолганди. Бироқ Кумарнинг асосий гапни айтмай кириш қисмини чўзиб юборганидан бетоқланди.

– Нима демоқчиман? Шуни айтмоқчиманки, профессор соҳиб, менинг хулосамни эшитиб, сиз мени телбахонага жўнатиб юбормасангиз, деб кўрқаман.

Профессор мийиғидан жилмайиб қўйди.

– Ҳа-ҳа, Чопра соҳиб, менинг хулосамда мантиқ ипи узилган. Ёхуд бу хулоса мутлақо мантиққа асосланмаган. Айтaveraйми?

Профессор унинг гапини эшитишдан елкаси тиришди.

– Айтинг!

– Бўлмаса эшитинг. Бу ўқ русларнинг 7,22 калибрли Калашников автоматидан отилган. Ишлаб чиқарилганига беш йил ҳам бўлмагандир, балки.

Профессор унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Ҳақиқатан ҳам телба эмасмикан, – ҳаёлидан ўтди унинг.

Худди фикрини ўқиб тургандек лаборант унга қараб жилмайди.

– Профессор соҳиб, айтмадимми, мени телбага чиқариб қўйманг тагин. Мен буни сизга исботлаб беришим мумкин. – У профессорнинг бу исботга эҳтиёжи бор-йўқлигини аниқламай туриб, қўлига заррабинни олиб жойига келганда тек қотди. – Профессор соҳиб, манавинга эътибор беринг, сизнингча бу белгилар нима?

Профессор барваста гавдасини эгиб лаборант кўрсатган қисмига эътибор билан разм солди.

– Менимча рақамларга ўхшайди.

– Тўғри рақам ҳам бор. Бошланишидагиси ҳарф. Менимча лотинча "А" кейингиси эса "К" мана бу бирнинг тескарисига ўхшаб тургани эса "М" бўлиши керак, ҳарфнинг бир қисми ўчиб кетган. Кейинги икки белги эса рақам бўлиши керак. Биринчиси "7" га ўхшайди. Тўппа-тўғри. Иккинчиси эса ё "3" ёки "8". Шундай қилиб унга "АКМ-78" – деб ёзилган. Ҳарфлар менинг фикримни тасдиқлаб турибди. Бу Калашников автоматининг ўқи. Буни тасдиқлайсизми, соҳиб?

– Шунақага ўхшайди, – Профессорнинг овози бироз шубҳали чиқди. – Бироқ Кумар-жи, скелет ўн олтинчи асрга тааллуқли эканлигига юз фоиз ишонман! Бошчаноқ тегишли бўлган одамни шу ўқ ўлдирганлиги ҳам факт!

– Бу ҳам тўғри эканлигига гувоҳликка ўтишим мумкин, профессор соҳиб. Бу ўқ узилганига, яъни

гильзадан ажралиб чиққанича тўрт юз йилдан кўпроқ вақт ўтганлигини илмий асосда исботлаш мумкин...

– Бас қилинг майнавозчиликни, Кумар! – қичқариб юборди Ракеш Чопра. – Беш йил олдин ишлаб чиқарилган ўқ тўрт асрдан кўпроқ вақт олдин отилган демоқчимиз?! Ростдан ҳам ақлдан озганмисиз!

Профессор жаҳл билан ўрнидан турди ва этагини бир силкиб лабораториядан чиқиб кетди.

Намхуш коридордан юриб борар экан, ногоҳ лифтнинг гўнғиллаганини эшитиб, шу томонга юрди. Тугмани босганидан кейин эшикни шарақлаб очилган товуши кулоғига етиб келгунча бир неча соат ўтгандек туюлди. Ичкарига кириб "2" рақами порлаб турган тугмани босганидан кейин ҳаёлига бир неча кундан бери лифт ишламаётганлиги келиб, елкасини қисиб қўйди.

"Тузатишибди-да, ниҳоят".

Иккинчи қаватда лифт эшиги шарақлаб очилгач профессорнинг нигоҳлари илк бор галати кийинган ўрта бўйли кимсага тушди. У бесаранжом, нуқул ер тепинар, елкасини учуриб бармоқларини ўйнатар, аммо бутун танасининг акси ўлароқ кўзлари бир нуқтага тикилган, сўқир нигоҳидек бўм-бўш ва ўлик эди. Шунда бехос профессор унинг юзига оний лаҳзада разм солди-ю сесканиб кетди. Унинг чап юзи ўнгига қараганда бироз чўзиқ, салқиганроқ, ўнги эса думалоқдан келган, таранг, чап кўзи остидаги халтачалари осилган, қирғиз ковоқ, ўнги эса думалоқ ва чақчайган. Назарида, чап қўли ўнгига қараганда узунроқ туюлди.

Галати кимса лифддан чиқиб келаётган профессорга кўзи тушиши билан, қийшанлаганча қўлларини жуфтлаштириб, "саломлашиш" белгисини берганча, ялтоқланиб икки одим юрганида, профессор унинг ўнг оёғи чапига нисбатан калтароқ эканлигини сезиб қолди. Бу турки совуқ одам илк лаҳзадаёқ профессорнинг кўнглида иккита бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган туйғуни уйғотиб юборди. Биринчиси нафратомуз ирганиш бўлса, иккин-

чиси жиловлаб бўлмас қизиқиш эди. Профессор ҳаёлига келган фикрдан гўёки Архимед қалбаки тож сирини топганидаги янглиғ кашфиёт қилгандек тўлқинланиб кетди. "О, муқаддас Брахма, бу ахир икки одамнинг бир жисмдаги инъикоси-ку... Чап томони баланд бўйли озгин одам бўлса ўнги калтабақай, қулча юз кимса.."

-2-

### 1527 йил. Қобул. Афғонистон.

Қобул ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг хос навкарлари ўрдуси. Лашкар ҳинд азимати олдидан жанг ҳадисини олмоқ учун машқ билан банд. Қобул шарқидаги адирда чанг-тўзон қўпуб, лашкар иккига ажралган. Бири асосий ғаним Иброҳим Лўдий қўшини бўлиб, иккинчиси ўз лашкари мақоматида "сўғиш" қилиб, қора терга ботганча тишлари арра бўлиб кетган машқ шамширини сермаб, ёғоч найзани силкиб, "жанг" – ни қизитмоқдалар. Бош саркарда Бобуршоҳнинг ўзлари-да баланд қирга саропарда тикиб хос аёнлари билан оқ арғумоқда "жанг"ни диққат билан кузатиб турганликлари олис-олислардан ҳам кўзга ташланади. Саропардали қирнинг панасидаги чоғроқ тепалиқда эса саркарданинг ишонган тоғи, сараланган, тажрибали баҳодирлардан тузилган "хосса тобин"и, яъни захирадаги хос навкарлар сардори Авазбек қўрбоши қора араби тулпорда бош саркарданинг ишорасига маҳтал бўлганча "жанггоҳ"дан кўзини узмай ҳар лаҳзада "ғаним" қўшинига ташланарга шай турибди. Тепалик ортида минг нафар отлиқлар сардор ишорасини кутишар, тоқатсизланаётган бедовлар эса сўлиқни чайнаб, ер тепиниб турардилар. Ниҳоят, "ғаним"нинг сўл қаноти "ўз"ларининг ўнг қанотини ёриб ўтиб тўлғама қилганча қўшиннинг ортига ўта бошлади. Саропардада қора байроқ кўтарилиб, уч марта силкинди. Бу "хосса тобин"нинг жангга қўшилишига ишора эди. Авазбек ўнг қўлини кўтарди ва қиличини яланғочлади.

Сараланган чавандозлар бир зумда худди кўқдан тушгандек пайдо бўлиб, “тўлғама” қўллаб, ортга ўтишга уринаётган “ғаним” отликларининг йўлини кесиб чиқишди ва уларни ортга суриб ташлашди. Бундан руҳланган қўшин “ҳиндийлар”ни икки чақирим ортга чекинишга мажбур қилишди. Шу пайт саропарда томонда улкан довулнинг гумбурлаган овози эшитилиб, машқ якунланганини билдиргач, Авазбек отликларини ортга, ўз ўрдуларига қайтарди.

Бобур ҳазратлари машқдан, навкарларининг жонбозликларидан кўнгли тўлган чоғи, ҳар бир навкарга уч тангадан моҳона ва барча лашкар ўрдуларига ошлиқ тарқатишга фармон берибдурлар. Кун пешиндан оғиб, “саваш” пайтида тафтини аямай сочган офтоб ҳам ўз манзили сари сафарни бошлаб юборган, чанга ботиб, терлаб-пишган йигитлар ҳам Қобул атрофидаги боғларни яшнататурғон, кенглиги мўъжаз дарёни уялтиратурғон Мирзо ариқнинг зилол сувиға ҳопитиб чиқиб, чарчоғини тарқатгач, ўз ўрдулари томон келаётқон ғазначининг ва бовурчиларнинг аробасини кўриб нигоҳлари яшнаб, турфа олам кўзларига фирдавсмонанд ранг ила кўрина бошлади. Бир муддат ўтуб, ер ўчоқларда эритилаётган қуйруқ мойининг жаз-бузига киссалардаги тангаларининг майин жингир-жингири омухта бўлуб, кўнгилларга танбур навосидан-да тотлироқ куй янглиғ ўрношди.

Авазбек тепалик устидаги ўз чодирни соясида турган эгарга ўтириб, олис-олислардаги, худди хира булутдек, хошиялари элас-элас кўзга ташланиб турган Ҳиндикуш тоғларига қараб узоқ ўтириб қолди. Ҳиндикуш. Ундан нориси эса бепоеън Ҳинд диёри. У юртни оллоҳнинг бир мўъжизаси, деб айтишган. Йил ўн икки ой ёз. Туфроғи заъфарон куз нелигини, қаҳратон қиш нелигини билмағон. Қовунлари дарахтда пишадурғон, ёнғоғи отнинг калласидек келадурғон диёр...

Бу эшитғонларининг қанчаси рост, қанчаси ўтруқ, бундин ғофил-

дур, аммо бул юрт таърифининг ярми рост бўлса ҳам, Бобуршоҳ ҳазратларининг энг тиррақи навкарининг ҳам остонаси тиллодин бўлуб кетгуси...

Шу пайт Қобул йўлида икки суворий қораси кўринди. Авазбекнинг ўткир кўзлари уларнинг бу ерлик эмаслигини англади. Улар навкарлардин эмаслиги аниқ. Аммо ерлик аҳолига ҳам ўхшамайди. Сардор хос навкарини чорлаб келгувчиларни ўз ёнига бошлаб келишини буюрди...

– Биз Бобуршоҳ қабатиға навкарликка ўтиш учун келдик, тақсир, – деди ўрта бўй, аммо кенг елкали, мушақдор, ҳамроҳига нисбатан ёш ва бакувват кўринадурғон, қора мағиз йигит.

– Оре, – деб бошини ликиллатиб тасдиқлади, иккинчи ғалати кўринишдаги, ёшини аниқ айтиш маҳол бўлган, бир оёғи иккинчидан калтароқ бўлганиданми, оғирлигини гоҳ униси гоҳ бунисига ташлаб, бетиним елкасини учуриб, қўлларини ўйнатиб тургувчи, ўнг бети думалоқ, чапи чўзинчоқ, ўнг кўзи кўк, чақчайган, чапи эса қисқлигидан ғилайроқ кўринадурғон кимса.

Унинг худди мушук пихиллагандек панг овози ҳам сардорга ўтиришмади. Аммо кўнгида ғаройиб кимсанинг қай гўрдан пайдо бўлганлигини билишга бўлган кучли истак уйғониб, уларни товачиларга учрашишга маслаҳат бериб, жўнатиб юборишдан қайтарди.

– Ўлтурингиз, – деди сардор уларга жой кўрсатиб, – мақсадингиз навкарлик экан, нечун товачиларга рўбарў бўлмадингиз?

Кимарса индамади. Йигит сўзлашга оғиз жуфтлади.

“Бул кимарса ё шул йигитнинг елкасига миниб олғон бир текинхўр, ё бул йигит унинг ақли билан юруб, иш қиладурғон, билаги миясидан кўра кучлироқ кас. Ҳар икки ҳолатда ҳам у айёрликда иблисқа дарс берадурғон, туллақдур”.

– Товачилар бизни аввал ўргамчикларға, кейин пиёда навкарлар сафига қўшарлар...

– Иҳи, қўшиннинг низоми шул турур. Бугун қайси бир овулдин ушлаб олиб эртан понсодлиққа қўйилмайдир, ҳеч қаерда!

– Бизға понсодлиқ керакмайдир, – пихиллади кимарса. Шунда Авазбекнинг нигоҳи унинг кўзлари билан тўқнашди. Кимсанинг ўнг кўзи қора, чапи эса тўқ малларанг, яъни қўй кўз эди. Кўзларида милт этган нур йўқ, гўё ойсиз тундек зим-зиё ва тубсиз эди.

– Ё, алҳазар, бундайчикин касни илк бора кўришим, уни тенгри не мақсадда бунёд этдийкин? – хаёлидан ўтди сардорнинг.

– Хўш унда не истарсиз? – сўради овозини чиқариб сардор.

– Бизни қабатингизга олсангиз.

– Бизни ўрду ҳазратимнинг хосса тобини эканлиғидин хабарингиз борму?! – овози бир баҳя баланд, қаҳр зардобидан бўтаналашиб чиқди.

– Оре, – яна пихиллади кимарса, – хабаримиз бортур, тақсир. Сардор иккаласига яна бир қур назар солди. Йигитнинг қизғиш юзи, харидек йўғон бўйни, чақалоқнинг бошидек келадиган мушти биринчидин қўйилгандек ялтираб турарди.

– Озроқ машқ кўриб, жанг ҳадисини олса, ажойиб жангчи чиқади, бироқ ҳамроҳи... – ичидан кулиб қўйди сардор.

Лекин ботинини зоҳир қилмай, ҳамон қовоқларини солганча сўроқлади.

– Бир шартим бордур. Бизнинг баҳодирлар билан олишасиз. Фолиб чиқсангиз хосса тобинда қолурсиз. Мағлуб бўлсангиз, бунда қорангизни ҳам кўрсатмағайсиз Маъқулми?

– Маъқул, – деди йигит иши ўнгидан келгани учунми, кўзлари ёлқинланиб.

– Оре, – деб қўйди ҳамроҳи ҳам пихиллаб.

– Бўлмаса таомдан сўнг яланглиқда сўғиш қиладурсиз, – деди сардор ва ўридан турди. Улар ҳам туришганидан сўнг хос навкарига буюрди. – Бовурчиларға айт, буларға икки корсон таом берсун.

Навкар иккала ҳамроҳни эргаштириб пастга, ер ўчоқлар тизилиб турғон ёнбағирга бошлаб кетди.



Навкарлар таомни еб, устидан кумғон чойни эрмак қилганча ёнбошлаб, истироҳат қилаётганларида сардорнинг хос навқари барчани ялангликка чорлади.

– Иккита баҳодирликка даъвогар келганмиш. Сардор уларни биз билан олиштириб, синаб кўрмоқчи эмиш.

Бу гап зумда оғиздан-оғизга кўчиб, минг паҳлавоннинг бари савашга шай ҳолатга келдилар. Икки мўъжаз тепа бир-бирига уйқашган жойда жомға менгзайдурғон чуқурлик ҳосил бўлғон, унинг тубида айланаси икки юз қулочлик сайҳонлик бўлуб, бул сайҳонлик саваш қиладурғонларға, тиккалаб кетган ёнбағирлик эса савашни томоша қиладурғонларға хўб қулай эди. Баҳодирлар ўз мавқеларига қараб, юқори-паст бўлиб, ёнбағирларга чордона қуруб ўлтириб олдилар. Сардор икки даъвогарни сайҳонга чиқариб қўлларига икки қулочдан келатурғон калтакни тутқазди.

Олдинда турғон йигитда ҳеч бир ноқислик кўрмасалар-да, унинг ортидаги анжимат кимсанинг бадбуруш юзига, бунинг устига бири узун, бири калта оёқлари устида зўрға турғондек, мункиб-мункиб юришига қараб олдин бир-икки кимса, уларнинг ортидан бутун ёнбағирга чўккалаган навкарларнинг бари бир овоздан хохлаб юбордилар.

Ўзининг устидан кулишаётганини англағон бадбуруш кимсанинг пешонасидаги қат-қат ажинларнинг сони яна бир карра ошиб ўнг кўзи баттарроқ чақчайиб, чапи эса биль-акс қисила бориб, бор-йўғи бир ёйсимон эгри чизиққа айланди.

– Қай биринғиз биринчи бўлиб чиқасиз? – сўради сардор ўзини зўрға кулгудан тийиб.

– Биз иккаламиз-да бир пайтнинг ўзида савашурмиш. Бизға тўрт ҳарифни чиқаринғиз, – деди кимарса паст овозда. Ажаб, бул дафъа унинг товушида панг пихиллаш нуқси йўқ эди.

– Англамадим. Не истарсиз? – Қулоғига ишонмай қайта сўради сардор.

– Биз иккимиз елкама-елка туриб олишувға ўрганганмиш. Бизға қарши тўрт навқаринғизни давраға солсанғиз-да розимиз, – тушунтириди йигит баланд овозда.

Масхара товушлари тингиб ўрнига ғазабнок висир-висир эгаллади. Шу пайт бир барваста келбатли навкар ўрнидан сапчиб турди.

– Сардор, манға изн беринғ, бул икки маҳмадонани ерға қозиқдек қоқиб қўяй!

– Шошма Харсанг, сен улар билан савашсанг суяқларини кумдек майдалайсан. Аларни сўғин ким йиғиштириб олур?! – бақирди кимдир рўбарўдаги ёнбағирдан. Алар билан олдин мен олишурман. Ижозатми, Сардор?

Сардор мийиғидан кулганча Харсангни жойига ўтказуб, қотмадан келган, найнов ва дасти узунлигидан панжалари нақ тиззалари ёнида осилиб юрганиданми, Ҳамдуна (маймун) лақабини олган навқарни ёнига чорлади.

– Ҳамдуна тўғри айтадур. Сендан сўнг алардин ном-нишон қолмай-дир. Бизларни-да томошадин бена-сиб қолдирурсан. Ҳамдуна, сенинг галинғ!

Сардорнинг изидан сўғин Ҳамдуна икки ҳатлаганда мўъжаз сайҳонликнинг қоқ марказида пайдо бўлди. Хос навкар ҳам унга гавронни тутқазди. Ҳамдуна таёқни илиб олиб, бош устидан ва қўлтиқлари орасидан виз-виз айлантириб кўкка отди ва бир умбалоқ ошиб уни илиб олди.

– Бале, Ҳамдуна! Тенгри сени фаромушлиғда башар қиёфасинда яратмиш. Аслида маймун бўлиб очунға келишинг адолатдин бўлур эрди.

Даврани тарк этаёзган хушчақчақлик яна қайтиб йиғилғонларининг лабларига табассум инди.

Сардор “бошланғиз” деган янглиғ қўл силкиди. Ҳамдуна яна ақл бовар қилмас чаққонлик билан гавронни орқа-олди, боши-ёнбоши узра айлантириб телба гирдибод каби рақиблари устига бостириб бора бошлади.

– Тақсир, – деди йигит сардорга ўгирилиб, – иккинчи навқари-

нгизнида чорланғиз. Бул адолатдан эмас. Биз иккитамиз, ул эса ёлғиз.

– Иккинчиси сенға не даркор.

Олдин шундан жонингни омон сақлоғил!

– Шундоқму?

– Шундоқ, тақсир, – сардор “тақсир”ни йигитга тақлидан талаффуз этди. Барча кулиб юборди.

Йигитнинг кўксига ёввойи, ўлжасига ташланаётган йўлбарсникидек совуқ аланга чақнади. Гаврон чўпни маҳкам ушлаганча Ҳамдунанинг рўпарасидан чиқди. Унинг айлантираётган гавронига гавронини қарши қўйди. “Қарс” Гаврон айланишдан тўхтади. Шу пайт бадбуруш кимсанинг таёғи Ҳамдунанинг тиззаси ортига енгилгина келиб тегди ва Ҳамдуна оёғи осмондан келиб йиқилди. Бадбуруш мушукдек чаққонлик билан унинг устига чиқиб гавронини унинг бўйнига тиради – қоидага биноан Ҳамдуна энди “мурда”.

– Бас, – деди Сардор.

Кимса гавронни бўйнидан олди. Ҳамдуна номига монанд чаққонлик билан ўрнидан сакраб турди ва алам аралаш ғазаб билан, узун дастини чўзганча ҳарифининг бўйнидан бўғиб олди. Бу адолатдан хорижда эканлигини сардор ҳам, томошаталаб навкарлар ҳам билиб туришарди. Лекин Сардор пайсалга солгани учун ҳам “миқ” этмай бу ҳолни интиҳоси не билан тугашини сабрсизлик билан кута бошлади. Бу ҳол узоққа чўзилмади.

Бадбуруш кимса нафаси қайтиб хириллади ва гавдаси чайқалиб орта эна бошлади. Ўз-ўзидан Ҳамдуна ҳам у билан бирга энгашди. Шуни кутиб турган кимса узун чап оёғи билан рақибининг чотиға зарб берди ва каловланиб қолган Ҳамдунани устидан ошириб ташлади. Кўкрагига миниб олиб жағига мушт туширди. Ҳамдуна чўзилиб қолди.

Авазбек сардор номи чиққан паҳлавоннинг шалвираб қолганини кўриб писандига илмаган бул йигитлар анойилардан эмаслигини сезиб энди майдонга икки паҳлавонни чиқарди. Давраға талпинаётган Харсангни яна елкасидан босди. “Шошма”.

Икки навкар гаврон чўплари-ни ўйнатиб уларга икки томондан яқинлашдилар. Бир-бирига елка тираб турган рақиблар уларнинг яқинлашишига имкон берганча жим ўтирардилар. Паҳлавонлар эса уларни кўз очишга қўймай, яшин тезлигида маҳв этиш учун, ваҳимали ҳайқирганча таёқни ўйнатиб елдек чопиб кела бошладилар. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берди. Икки томондан бостириб келаётган паҳлавонлар қимирламай турган рақибларига етишларига икки қадамлар чамаси қолганида бадбуруш ўнгга, йигит чапга ўзларини отдилар. Икки паҳлавон уришқоқ кўчқорлардай бир-бирига калла қўйиб шилқиллаганча ортга қуладилар. Уларнинг кўкрагига гаврон чўп тирашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Улар зарбнинг зўридан аллақачон хушдан кетгандилар.

Гарчи ўз ўртоқларини шармандайи шармисор қилган бўлсалар-да, лекин келгиндиларнинг баҳамжиҳат, чиройли ҳаракат қилишлари томошатабларга маъқул бўлганди. Улар бор овозлари билан ғолибларни олқишлашар, лекин ўзлари жангга талабгор эканликларини ҳам кистириб ўтишни унутмасдилар.

Сардор энди Харсангни ушлаб ўтиришдан маъни йўқлигини англади. Унинг ёнига яна уч паҳлавонни ажратиб, бақамти қўйди. Бундан Харсангнинг дили оғриди, лекин сардорнинг раъйини қайтаргиси келмади. “Келаверишсин, майли. Бу жинқарчаларни ерга қозиқдек қоқиб қўйганимда булар суғуриб олишга ярашлар”.

Харсанг уч йигитни уч томонга қўйиб, ўзи ўртадан рақибларига ҳамла қилиб бораверарди. Унга йигит рўбарў бўлди. Бадбуруш чаққонлик билан гавронни ўйнатганча уч паҳлавоннинг зарбаларини бир ўзи даф қилиб, шу орада уларга бир икки қарши зарба беришга ҳам улгурди. Унинг зарбалари белгиланган жойга бехато текканидан бўлса керак, бир навкарнинг бурнидан қон шариллаб оқа бошлаган бўлса, иккинчисининг эса ўнг кўзи дўмбира бўлиб шишиб кетган эди.

Йигит устига бало-қазодек бостириб келаётган Харсангнинг кенг елкалари ортидан қизариб ботаётган офтоб шуъласи кўзларини қамаштириб эсанкираб қолди. Шу лаҳзада зувиллаб келаётган гавроннинг товуши қулоғига чалиниб, қўли билан гарданига мўлжалланган зарбдан ихоталанди. Гаврон билагига қарсиллаб урилиб, симиллаган оғриқни ҳис қилди. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди. У гаврон чўпга таянганча оёқларини жуфтлаб Харсангнинг бошига зарба берди. Оёқлари ерга қайтиб тегар-тегмас гаврон билан зарбдан гангиб турган рақибининг бўйнига тушириб қолди. Харсанг қалқиб кетди, аммо йиқилмади. Ўзини ўнглаб олиб, бало-қазодек бостириб кела бошлади. Уни шунчаки зарбалар била қулатиб бўлмаслигини ҳис қилган йигит рақибининг гаврон сермаётган қўлига зарб билан тепди. Гаврон учиб кетди. Қуролсизланган паҳлавонга кетма-кет икки зарба ўнг ва чап елкасига тушди. Харсангнинг кўзи қонга тўлди. Чексиз ғазабдан кўзлари сўқир, қулоқлари ботил бўлди. Шамширини қинидан суғурди. Бу машқларда ишлатадиган тиғи арра бўлиб кетган вазни оғир ўргамчик шамшир эмас, балки Қобулнинг энг зўр пичоқчи устаси ясаган икки тиғли кескир қурол эди. Харсанг худди бу жинқарчани нимталаб ташлашга қасд қилгандек, қулаётган тоғ янглиғ устига бостириб келарди. Унинг баҳайбат елкаси баркашдек қизариб, ғуруб қилишга чоғланаётган куёшни кўрғошиндек қоп-қора абр сингари тўсиб олди. Сермаётган шамшири чақиндек ялтирар, ажалдек бадваҳима ва илон тангачаларининг тўлиной нурида аксланиши янглиғ совуқ эди. Йигит бу олишувнинг интиҳоси қонли тус олиши муқаррарлигини ҳис қилиб шамшир тиғига чап бера-чап бера белбоғини бўшатаверди.

Бу пайтда Бадбуруш кимса эса икки ҳарифини аллақачон жангга яроқсиз ҳолга келтирган, уларнинг бири кўзини ушлаганча, чўкка тушиб олган бўлса, иккинчиси нозик

жойидан зарба еб, букчайиб қолганди. Учинчиси эса ҳеч бўйин бергиси келмас, зарбаларга чаққонлик билан чап берар экан, қарши зарба йўллаб қолишни-да уддаларди.

Йигит салқи белбоғининг сўнгги тугунини ечишга уринаётганида Харсанг бир зарб билан рақибининг бошини сапчадек узиб олишни мақсад қилиб шамширни баланд кўтарди. Йигит яшиндек келаётган шамшир тиғига чап бериб унинг йўлига гавронни тўғаноқ қилди. Кескир тиғ гавронни саримойни кесгандек иккига бўлиб ўтиб кетди. Харсанг шамширни иккинчи зарбага йўналтиргунча йигит қўлида қолган икки қаричлик чўлтоқ гавронни мерганлик билан отиб рақибининг бурнига теккиза олди. Атиги бир лаҳзагина Харсанг гангиди. Шу йигит учун етарли бўлди. У белбоғини очиб ташлади. Томошатаблар “оҳ” тортиб юборишди. Йигитнинг қўлида ҳам шамшир пайдо бўлганди.

Энди ҳар иккаласи ҳам қичибозлик қила бошладилар. “Жаранг-журун” товушлар томошабинларнинг ғалағовурини босиб тушди. Харсанг пайт пойлаб, янада кучлироқ зарб билан тиғ сермади. Йигит унинг йўналишига шамширини тутди. Бу энди гаврон чўп эмас, ахсикатлик усталар ясаган ажабтовур хислатли пўлат шамшир эди. Харсангнинг қиличи қоқ ўртасидин чўрт узилиб дастаси қўлида қолди. Тиғи шувиллаб айланганча ботаётган куёшнинг алвон нурларида олранг йилтираб учиб кетди. Пайтдан фойдаланган йигит уни чалиб йиқитди ва кўксига шамширни тиради. Бу пайтда Бадбуруш кимса ҳам учинчи рақибини ер тишлатиб улгурганди.

Сардор қўлини кўтарди. Бу “жанг” тугаганини билдирарди. Йигит шамширини белбоғига ўраб, белига боғлаб олди. Йигит бироз лапанглаб лат еган билагини уқалаганча, ҳамроҳи эса узунроқ чап оёғини судраб босиб, иложи борича оқсоқланмасликка ҳаракат қилиб, сардорга рўбарў келдилар.

– Балли, жанг қилишнинг анча ҳадисини олган экансизлар. Кимсизлар, қай юртдан бўласизлар?

– Менинг отим Қилич. Бу киши устозим бўладилар. Ибн Сотуна.

– Арабми? – сўради Сардор исми ҳам ўзига ўхшаш ғалати кимсага ажабланиб қаради.

– Тўғриси айтсам, билмайман. Қошғарда учрашиб, танишиб қолғонмиз. Бу киши менга даст жанги қоидаларини ўргатиб, машқ қилдирдилар. Шундин яқинлашиб кетдик.

– Асли қаердансан, йигит?

– Ахсикатданман.

– Ҳм... – сардор унинг қиличи Харсангнинг шамширини чўрт узиб ташлаганининг сирини топқондек бўлди.

– Падаринг темирчи бўлғонми?

– Оре, тақсир, падарим Ахсикатнинг энг зўр қиличсоз устаси бўлғон эрканлар. Шул биргина шамшир менга ул кишидан ёдгорлик бўлиб қолғон. Шул сабабли ҳам отим Қилич бўлбур.

– Маъқул. Сизлар бу тун менинг чодиримда ухлайдурсиз, кетдик.

Сардор уларга азбаройи хурмат юзасидан эмас балки, енгилган паҳлавонларнинг алам устида булардан қасд олишлари мумкинлигидан хавотирланиб, шу йўлни тутган эди. Дарҳақиқат, бундай олишувларда ғалаба нашидасини суриб ўрганган Харсангнинг авзойи бузуқ эди. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Авазбек уларни хос чодир ўрнашган тепаликка бошлаб чиқар экан, бу иккала жангчининг жанг усулларидан хайратга тушгани ҳақида мулоҳаза қиларди. Киришимли, бироз соддадил Қилич кўнглига ўтиришган, Ибн Сотуна деганлари Қиличга қараганда маҳоратли бўлса-да, пихини ёрган туллаклардан эканлиги иблисона башарасидан билиниб турарди. У йўлини топиб иккаласини ажратишни, Қилични ўз ёнига қолдириб, Сотунани ўрдусидан бадарга қилишни дилига тугди.

– Сардор, биз бир-биримиздин ажралмасликка қасамёд қилғонмиз, – пихиллади Сотуна, худди сардорнинг дилидагини ўқиб тургандек.

Сардор ялт этиб унга қаради.

Шунда унинг нигоҳи яна Сотунанинг ўнгирдек қоп-қора, тубсиз, бўм-бўш кўзлари билан тўқнашди. Ҳеч қандай маънини зоҳир қилмайдурғон бул нигоҳлар унинг кўнглида аллақандай, тушуниксиз ваҳм уйғотди. У минбаъд бул даҳшатли нигоҳларга қарамасликка онт ичди.

### -3-

#### 1981йил. Тошкент. Ўзбекистон.

Шаҳар милициясининг жиноят-қидирув бўлими инспектори, катта лейтенант Абдурасул Жўраевнинг мўъжаз ишхонасидаги шалоқ телефон кун бўйи жиринглайвериб ҳолдан тойган шекилли, энди жиринглашга ҳам мадори етмай “қитир-қитир” қилиб кўяди, холос. Катта лейтенантнинг ҳам гўшакни кўтариб, телефон бечорани бу чексиз азобдан холи қилишга кўли бормайди. Гўё бутун шаҳар бир жону бир тан бўлиб, уни кузатаётгандек, топширилган ишни бажара олмай, шарманда бўлишини бесаблик билан кутаётгандек эди. Бунинг устига бошлиқнинг дўқ-пўписаси, кейин соҳасидаги катта-ю кичик раҳбарчаларнинг бари иш ўз назорати остида эканлигини айтиб кўйиш учун кўнғироқ қилишлари, ҳар бирига эринмай нечанчи мартадир ишнинг бориши тўғрисида ҳисобот бериши, уларнинг эса қайта-қайта ижикилаб сўрашлари, тўғриси бари ачиган ошдек меъдасига урди. Телефон бечора овози хиппа бўғилганидан нолакор хирилларди. Жўраев ноилож гўшакни кўтарди. Нариги томондан ўспириннинг ҳаяжонли овози келарди.

– Алло, саломалайкум. Сиз терговчимисиз, амаки.

“Энди сен етмай турувдинг сўрамаган, жинқарча!”

– Ҳа, терговчиман. Сенга нима керак? – деди кўрслик билан Жўраев.

– Сиз керак эдингиз. Мен ўлдирилган профессорнинг кўшнисини бўламан.

– Шошма, шошма ўлдирилган профессор, дейсанми?

– Ҳа, шунақа. Сиз шу ишни тергов қилаяпсизми?

– Ҳа, мен олиб боряпман. Бирон

нарс биласанми, шу ҳақда? – шошилиб сўради Жўраев.

– Мен Жамшид Абдуллаевман. 112-мактабнинг 9-синфида ўқийман. Ўша куни профессорнинг уйига бир ғалати кимса келиб кетганди.

– Шошма, шошма, Жамшидجون. Сен ўша одамни аниқ кўрдингми?

– Ҳа.

– Яхши, Жамшид. Кечга яқин уйларингга ўтаман. Айтганча уйларнинг рақами неччи эди?

– 17. Профессорнинг рўпарасида турамин. Уларники 18. Биласиз-а?

– Яхши кечкурунгача бораман. Кутиб турасан-а.

– Бўпти.

Жўраев гўшакни кўйиб, столи устида сочилиб ётган қоғозларни тартибга солди ва четга суриб кўйиб, қалингина папкани кўлига олди. Қоғоз папканинг устига қизил сиёҳда, “Мирюнусов Мирмақсуд Мирolimович” деб ёзиб кўйилганди. Абдурасул Жўраев папканинг боғичини ечиб, тахланиб турган қоғозларга кўз югуртира бошлади. Бу қоғозлар бир инсоннинг туғилганидан тортиб, то ўлдирилгунича босиб ўтган ҳаёт йўлини ўзида акс эттирарди.

Мирмақсуд Мирюсупович Мирюнусов 1940 йилда туғилган. 1957 йилда ўрта мактабни, 1963 йилда Унверситетнинг тарих факультетини тугатган. Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрни мавзусида 1967 йилда номзодлик ишини ёқлаган. 1974 йилда эса докторлик даражасини олган. Профессор. Шарқшунослик институтида кафедра мудири, Уйланган, хотини ҳам ўз кафедрасида ишлайди. Биттагина қизлари бор. 112-мактабда ўқийди..

112-мактаб, шошма, ҳозир телефон қилган йигитча ҳам шу мактабни айтганди. Тўғри.

Жўраев профессорнинг қизи тўғрисидаги маълумотларни қайтадан ҳижжалаб ўқий бошлади.

“Нафиса Мирюнусова 1965 йилда туғилган. 112-мактабнинг 9-синфида ўқийди.

Шу икки сатр Жўраевга кўп нарсани айтиб турарди. Жамшид бу

қизчагаям, демак шу хонадонгаям бифарқ эмас...

... Мирмақсуд Мирюнусов

2 июнь куни соат 18 ларда ўлдирилган. Уч хонали квартирасида, ўз иш кабинети ва кутубхонаси ҳисобланган тўрдаги мўъжаз хонасида, ўзи яхши кўрадиган, ўрганиб қолган оромкурсисида, пешонасидан ўқ еб, ўлиб ётган ҳолда кўришган. Тўғрироғи, хотини Раҳима Акбаровна кўриб, хушдан кетиб қолади... Шу пайт нимадир сўраб чиққан кўшни хотин, кўнғироққа ҳеч ким жавоб бермаётганидан ажабланиб (чунки Раҳима Акбаровнанинг уйга кирганини ўз кўзи билан кўрган эди-да) эшикни тутқичидан тортса, эшик очик экан. Кирса, Раҳима Акбаровна коридорда йиқилиб ётибди. Кўшни хотин унинг юзига сув сепиш учун тўғридаги хонага кирса...

У шоша-пиша подъездга чиқиб шовқин кўтаради. Иш вақти бўлганлиги учунми, бутун бошли беш қаватдан бор йўғи битта эркак, у ҳам пенсионер Салом чол чиқди. Чувиллашаётган хотинлардан профессорга бир бало бўлганини англаб ичкарига киради. У билан кирган хотинга Раҳима Акбаровнанинг юзига сув сепишга шошади. Профессорнинг тиришган, башарасига, чақчайган кўзларига, гулдор палас устидаги қонли халқобга назар ташлаб, ҳаммасига тушунади. У коридорга чиқиб аввал милицияга, кейин ҳамон ўзига келмаётган бечора хотинга қараб “тез ёрдам”га кўнғироқ қилади. Раҳима Акбаровна ҳамон оғир аҳволда касалхонада ётибди. Майитни эса укаси Мирмақсуд Мирюнусовнинг Эски шаҳардаги ҳовлисидан чиқаришди.

Судмедэкспертизада мурдани ёриб кўришганида, пешонасидан кириб, миясининг қатигини чиқарганча, энса суягига санчилиб қолган ўқни чиқариб оладилар. Баллистик экспертиза натижасида ўқ “Макаров” тўппончасидан узилганлиги аниқланади. Бу тўппончадан асосан орган ходимлари ва ҳарбий офицерлар фойдаланишади.

Қотил шу ўқдан бошқа ҳеч қанақа из қолдирмаган. Унинг қўли

тегиш мумкин бўлган барча ашёларни криминалистлар диққат билан текширганларида ҳам ҳеч қанақа бармоқ излари қолмаганлигининг гувоҳи бўлдилар. Биттагина ўқ билан унинг изига тушиш, ҳаттоки Шерлок Холмснинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Агар қуролнинг ўзи бўлганида бошқа гап эди.

Шунда анчадан бери ҳарбий прокуратурада ишлайдиган таниши Мурод эсига келди. Оқ-сарикдан келган, хушфёъл бу йигит унга ёқарди. Бир пайтлар телефон рақамини ҳам қолдирганди. Жўраев стол тортмасидан семиз телефон китобини олиб варақлай бошлади. Ниҳоят, топди шекилли, рақам тера бошлади. Бир муддат ўтиб нариги ёқдан Муроднинг овози эшитилди.

– Салом, Мурод. Абдурасулман. Яхшимисан? Оғайни, бир ишда ёрдамнинг керак бўп қолди. Бу сал мужмалроқ... Бир қотилликни текшираётгандим. “Макаров”дан отишган... ўқи бор, аммо қуролнинг ўзи йўқ. Мабода қурол йўқолгани тўғрисида бирор маълумот йўқми, сизларнинг соҳангизда. Шуни сўрамоқчийдим... Оғайни бир ёрдам қил. Кечгача дейсанми... Майли. Агар тузукроқ маълумот берсанг икки шиша пивога эрийман. Нима деяпсан? Мен сўзимнинг устидан чиқаман. Сен менинг айтганимни бажарсанг бўлди. Эсингдан чиқмасин. “Макаров”. Бўпти. Кўришгунча.

Жўраев гўшакни кўйганидан кейин, бироз ўйлаиб қолди. Мурод қурмағурда бир гап бор. Бўлмаса бирдан суюнчи сўраб ўтирмасди.

Катта лейтенант соатига қараб миллар 5 томонга силжиётганини кўриб шошганча қоғозларни йиғиштириб ўрнидан турди. Кўчага чиққанида куни бўйи шаҳарни тандирдай қиздирган қуёш ғарбга оғиб, тафти пасайган бўлса-да, асфальтдан кўтарилаётган ҳовур одамни лоҳас қиладиган даражада ёқимсиз эди. Жўраев терга ботиб, ҳаллослаганча профессор ўлдирилган машъум уйга етиб келганида, иссиқ асфальт устида ялангоёқ тўп тепаётган болакайларга синчиклаб назар ташлади. Назарида улар ора-

сида Жамшид ўйнаб юргандек эди. Лекин болалар милиционер амакига ишлари бўлмай, тўп ортидан шата-лоқ отганча югуравердилар. Жўраевнинг ҳафсаласи пир бўлиб, подъезд томон юрди ва иккинчи қаватга кўтарилиб, “17” рақами урилган эшикнинг кўнғироғини босди. Ичкаридан 40-45 ёшлардаги аёл эшикни очди. Кўшнилари ўлдирилганидан бери бунақа ташрифларга ўрганиб қолган шекилли, аёл уни ичкарига таклиф ҳам қилмади. “Хўш, хизмат” дегандек унга қош чимирди.

– Саломалайкум, опа. Жамшид-жон уйдаими?

Аёл бироз тарадудланди.

– Жамшидда нима ишингиз бор эди?

– Кўшнингизнинг қотилини у кўрган экан. Шу масалада...

Аёлни қошлари яна чимирилди.

– Йўқ. У ҳеч нарсани кўрмаган. Ёлғон айтган, қирилиб кетгур!

– Опа, мен жиноят қидирув бўлимнинг инспектори Жўраевман. Гувоҳнинг ўзи билан гаплашишга ҳаққим бор. У чўнтагидан қизил муқовали гувоҳномасини олиб кўрсатди. – Агар шу ерда ўғлингиз билан суҳбатлашишга рухсат берсангиз, эртага бўлимга чақиришга мажбур бўламан. Кейин овора бўлиб етаклашиб борасизлар.

Аёл ноиложликдан қовоғини солганча эшикни очиб йўл берди.

– Киригиз, – кейин ортига ўгирилиб овозини кўтарди. – Жамшид!

Ичкаридан жингалак сочлари ўзига ярашиб турган, 16-17 ёшлардаги озғингина ўспирин чиқиб келди.

– Салом, ўртоқ катта лейтенант, – деди у ёшига ярашмаган сиполик билан. – Яхшиси, менинг дарсхонамда суҳбатлашсак. Майлими, оийи?

Аёл чимирилганча бош ирғаб қўйиб, ошхонага кириб кетди. Жамшид Жўраевни ўз хонасига бошладди.

Абдурасул Жўраев хонага кириб, энг аввало шкафда тахланиб турган китобларга эътиборини қаратди. Қалин-юпқа китоблар тартиб билан тахлаб қўйилганди.

– Ҳитринг, ўртоқ катта лейтенант, – деди унга курси суриб кўярган Жамшид.

– Мени Абдурасул ака, деявер, – деди инспектор, унинг ҳадеб, “ўртоқ катта лейтенант” деявериши очиқ суҳбатлашишига халақит беришини ҳис қилиб.

– Майли, Абдурасул ака.

– Шуларнинг барчасининг ўзинг ўқиганмисан? – китобларга диққатини қаратди инспектор.

– Ҳа, қарийб ҳаммасини ўқиб чиқавэдим. Буларнинг кўпчилиги детектив китоблар. Конан Дойл, Чейз, Сименон, Агата Кристи...

– Яхши... Демак бизнинг соҳадан хабаринг борга ўхшайди. Қўшларингизникида бўлган воқеа юзасидан билганларингни бир бошдан гапириб бер-чи.

Жамшид кўлини иягига тираб, бироз ўйланиб турди.

– Биласизми, Абдурасул ака, ўша кимса жудаям ғалати эди. Бир оёғи калта, бир кўли иккинчисидан анча узун. Тинимсиз қийшанглаб, елкаларини учуриб туради. Мен пастда йўлак олдидаги ўриндикда ўтиргандим. Уни кўриб сесканиб кетдим. У менга бир кўзини чақчайтириб, бирини қисиб қаради ва тепага кўтарила бошлади...

– У олдин ҳам келармиди?

– Айтяпман-ку, бунақа бадбашара кимсани ҳеч қачон кўрмагандим. Шунинг учун ҳам сесканиб кетдим-да.

– Давом этавер-чи...

– Кейин у одам тепага кўтарила бошлади. Қадам товуши ҳам ғалати эди: “гурс-тақ”, “гурс-тақ”. Назаримда, икки оёғи икки хил товуш чиқарарди. Бироздан сўнг Нафисаларнинг эшигини тақиллатди. Орадан 10 дақиқалар ўтиб бир нарса пақиллаб кетди.

– Ўша одамнинг қайтиб чиққанини кўрдингми?

– Йўқ. У қайтиб чиққани йўқ. Чиқса кўрардим. Чунки тушаётганида қанақа қадам товуши чиқишига кизиқиб қолгандим.

– Яхши, – деди Жўраев ўйланиб туриб. – Кейин уни қайтиб кўрмадинг, шундайми?

– Ҳа.

– Балки, у профессорни отгач тепага чиқиб, чордоқ орқали бошқа подъезддан чиқиб кетгандир, нима дейсан?

– Абдурасул ака, пақиллаган товушдан кейин, Нафисаларнинг эшиги очилиб ёпилганини эшитмадим, – деди Жамшид, кейин фикри қатъийлашди шекилли, Жўраевга тик қаради. – Сиз менга ишонмаётган бўлсангиз, юринг кўрсатаман... Улар етаклашиб йўлакка чиқишди.

– Сизда уларнинг уйининг калити бор-а?

– Нега бу уйининг калити менда бўлиши керак? – ўсмоқчилади инспектор.

– Чунки бу ишни сиз олиб бораяпсиз. Кутилмаган бир фикр туғилиб қолса, хоҳлаган пайтда келиб, уйни тинтув қилиш учун-да.

Молодец, – хаёлидан ўтди Жўраевнинг, – калланг ишлайди сен боланинг. Боқса одам булар чўтинг бор...

Абдурасул Жўраев чўнтагидан калит олиб Мирюновларнинг эшигини очди. Оғир эман эшик қаттиқ ғичирлаб очилди. Эшик тутқичини кўйиб юборганида ичкаридан пружина ўрнатилган, шекилли, қарсиллаб ёпилиб, ўз-ўзидан кулфланиб қолди.

– Мана кўряпсизми, Абдурасул ака, бу товушни кўчадан ҳам эшитса бўлади. Энди пастга тушайлик, мен қаерда турганимни кўрсатаман.

Улар пастга тушишди. Бир-бирига рўпара қилиб қурилган тўрт қаватли уйларнинг умумий ҳовлисида ўрнатилган қатор ўриндиқларни бирига бориб ўтиришди. Бу ердан уйнинг ҳар тўртала подъезди ҳам кўриниб турарди.

– Агар у хоҳлаган подъездидан чиққанида ҳам кўрган бўлардим. Демак...

– Демак, у ҳеч қаерга чиқиб кетмаган демоқчимисан?

– Шундай, Абдурасул ака. У ҳеч қаерга чиқиб кетмаган. У Нафисаларнинг уйида яшириниб турган...

– Агар шундай бўлса, мурдани ўликхонага, Раҳима Акбаровнани

касалхонага олиб кетишгач, криминалистар бармоқ изи-ю, суратга олиш ишларини тугатгач, ҳамма жой тинчиб қолгач, шом қоронғисида секин чиқиб, жуфтакни ростлаворган, демоқчимисан?

– Шунақага ўхшайди...

– Эшикнинг ғичирлаши-чи? Агар эшик очилиб ёпилса бутун подъезд эшитган бўларди. Кейин шунча пайт қаерда яшириниб турган бўлиши мумкин. Хонадонга йигирмадан зиёд одам кириб чиқиб турди. Бирининг бўлмаса бирининг кўзи тушарди...

– Қайта тинтув ўтказишингиз керакмисан, нима дейсиз?

– Балосан-ку, Жамшидвой! Бунча нарсани кимдан ўргандинг?

– Боя сиз кўрган китоблардан. Айниқса, Шерлок Холмсан.

Абдурасул Жўраев эртага албатта криминалистар билан тинтув ўтказишга қарор қилиб, ўрнидан қўзғалди.

– Бўпти, Холмснинг шогирди. Эртага тушдан кейин шу ерда бўлиб турсанг. Тинтувда қатнашардинг.

– Яхши, Абдурасул ака. Дарсларим соат бирда тугайди. Хайр.

Абдурасул Жўраев автобус бекати томонга ўйчан одимларкан, йигитчанинг тийрак ақлига, изқуварлик истеъдодига қойил қолиб борарди. Бундан яхшигина изқувар чиқади, деган гап хаёлидан ўтди.

...Улар бошлашиб қаҳвахонага киришганда, шом кўниб ҳаво анчагина салқинлаб қолган эди. Икки бокал пиво буюришди. Қун бўйи шаҳарнинг иссиқ ва дим ҳавосида роса терлаб ишлаганлари учунми, муздек пиво роҳатижон бўлиб туўлди.

– Биласанми, Абдурасул яқинда бир “Иш” кўлимга тушиб қолганди. Афғондаги бир қисмимизда анчадан бери қуролфурушлик билан шуғулланиб келган икки офицер – ҳарбий омбор бошлиғи бўлган майор ва унинг ходими прапорщик жанжаллашиб қолишади майор ходимини отиб ярадор қилади. Шу воқеани суриштириш жараёнида қуролфурушлик жинояти очилиб кетади. Улар афғонларга катта пулга қурол

сотишар, камомадни эса усталик билан “Акт” тузиб ёпиб юборишаркан. Агар иккаласи жанжаллашиб қолмаганларида ҳеч ким бундан хабар топа олмасди. Бу савдода асосий ишни прапоршчик бажарган. У мижоз топган, савдолашган, курулни чиқариб бериб пулни олиб келган. Бироқ майор пулнинг каттароқ қисмини олиб, озроғини прапоршчикка берган. Сўнгги савдога битта “Макаров” тўппончаси ва 100 дона патрони, битта “Калашников” автомати, иккита ўқдони яна 500 дона патронни сотади. Қайтиб келиб майорга пулни бермайди. Йўқотиб қўйдим, дейди. Табиийки, майор бунга ишонмайди. Ўртада жанжал кўтарилади ва майор ходимини отиб қўяди. Бунинг қизиқ томони шундаки, прапоршчик терговда мижозни шундай тасвирлайди: унинг бир оёғи ва бир қўли калта, юзининг бир томони чўзиқ, бир томони думалоқ, юрганда лапанглаб, калта оёғи томонга оғиб юради. Энг қизиғи уни прапоршчик эмас, майорнинг ўзи топган. Чунки бу ғалати одам рус тилида бемалол гаплаша оларкан. Лекин майор бундай одамни кўрганим йўқ, деб туриб олган. Прапоршчикни томи кетиб қолганликда айблаган. Шунақа гаплар, дўстим.

Абдурасул Жўраев ҳатто пиво хўплаш ҳам эсидан чиқиб, ўйланиб қолди. Жамшид тасвирлаган қотил билан прапоршчик тасвирлаган мижоз бир киши эканлиги билиниб қолганди. Бироқ мижоз қандай қилиб Афғонда курул сотиб олиб, Тошкентда қотиллик қилдйкин. Бу муаммони еча олармикин. Ечими бормикан, ўзи...

– Ҳа, ўртоқ ўйланиб қолдинг, – деди Мурод пиводан бир хўплаб қўйганча Жўраевга тикилиб.

– Ҳалиги сенинг прапоршчининг тасвирлаган мижоз билан бугун бир гувоҳ тасвирлаган қотил бир киши бўлиб чиқаяпти-да.

Мурод унга ҳайрат билан тикилиб қолди...

**-4-**

**1981 йил. Деҳли. Ҳиндистон.**

– Намасте, Чопра соҳиб, – дея қийшанглаганча таъзим қилди у. – Сизни анчадан бери излаб юргандим. Ва ниҳоят, топа олганимдан бошим кўқда!

Профессор унинг пихиллаган панг овозидан, ирkit башарасидан кўнгли озиб кетганди. Шундай бўлса-да, қон-қонига сингиб кетган олижаноблиги ва тарбияси бу туйғуни зоҳирига чиқаришга йўл қўймасди.

– Келинг, қандай ташвиш юзасидан овора бўлиб каминани излаб юрибсиз?

– Дунёдаги энг зўр қадимшунослигингизни эшитганимдан бери, сиз билан учрашишни кўнглимга туккан эдим. Бир гал келганимда Лондонга сафар қилган экансиз, – пихиллаб кулиб қўйди кимса.

– Сиз тарихчимисиз?

– Э, йўқ. Заковатимиз бу илм олдида ожиздир, соҳиб. Аждодларимиздан мерос қолиб келаётган бир қадимий китоб бордир. Унда нелар ёзилганини билмоқ истагида сизни изладим.

Профессорнинг қалбини, бу кимсага нисбатан уйғонган жирканиш ҳисси ўрнини қизиқиш эгаллади.

– Қани юринг, хонада гаплашамиз. Бу ер иссиқ.

Профессор кимсани кондиционер бетиним ишлаб салқинлатиб турган хонасига бошлаб кирди. Кимса қўйнидан қадимийлиги шундоқ ҳам билиниб турган қалингина китобни чиқариб, ялтоқланишга ўхшаган чучмал таъзим билан профессорга узатди.

Профессор олдидаги ирkit кимсани буткул унутиб, китобни кўздан кечира бошлади. Китобни очиб саҳифаларига кўз югуртирар экан, борган сари ҳайрати ошиб борарди. Китоб бошида арабий настаълиқ хатда битилгандек туюлса-да, аммо унда зеру забар йўқ. Баъзи ҳарфлари ҳам арабийга ўхшамайди. Ғалати имло! Наҳотки “Хатти Бобурий” шу бўлса?! Ахир, Бобур замонидан кейин бу имло бутунлай йўқ қилиб юборилган-ку...

Шу пайт кимса стулни ғичирла-

тиб суриб, бурнини тортиб қўйди. Профессор бошини илкис кўтариб, кимсага йилтироқ кўзойнаги остидан синовчан тикилди.

– Сиз билан ҳали танишмадик-а, соҳиб?

Кимса елкасини бир учуриб олиб, узун чап қўли билан қулоғини қашиди.

– Соҳиб, сизни бутун жаҳон танийди. Биз фақир киши панада, қабилида кун кўрувчи одам... Отим Сотуни. Дарбадар умр кечираман.

Профессор унинг гапларига унчалик ишонмади.

– Дарбадарликда умр кечирсангиз, унда бу китоб қандай қўлингизга тушиб қолди?

– Соҳиб, билсангиз мен бир жойда олти ойдан ортиқ яшай олмайман. Кўч-кўроним отамдан қолган бир сандиққа жой бўлади. Бу шаҳар бадимга урса, сандиқни орқалайман-у иккинчисига йўл оламан. Бир йилча олдин Аҳмадободдан чиқиб кетиш тадоригини кўраётганимда сандиқ тубидан шу китобни топиб олдим. Отамга тегишли тугунча ичида экан. Уни ўқий олмадим. Мен араб ёзувини ҳам санскрит хатини ҳам ўқий оламан. Бироқ бунга тишим ўтмади. Кейин бир иккита илмдор кишиларга кўрсатдим. Улар ўқий олишмагач, сизни тавсия қилишди. Мен сизни излаб келавердим. Бор гап шу, соҳиб.

– Буни менга қолдириб кета оласизми? – деди профессор бироз ўйланиб тургач. – Мутахассислар билан маслаҳатлашиб бир ечимини топармиз...

– Соҳиб, сизга ишонаман, – деди у минғиллаганча, калта ўнг қўли билан иягини қашиди. Кейин китобни менга қайтарасизми?

– Бу китоб сизники. Бироқ агар рози бўлсангиз академия буни яхшигина нархга сотиб олиши ҳам мумкин.

Профессор бу таклифни билдириб, ундаги ўзгаришни кузата бошлади. Ахир, бир ночор дайди бўлса, унга китобдан кўра пул кўпроқ зарур эмасми... Ўзини Сотуни деб атаган кимса елкасини учуриб оёғини типирлатиб полга

уриб олганидан сўнг ўлик кўзларини профессорга қадади.

– Йўқ, соҳиб. Уни сотмайман. Қайтарилшига кафолат берсангиз, ўзингиз айтган муддатгача қолдириб кетишим мумкин.

– Ихтиёрингиз, – деди профессор унинг қатъий гапидан ҳайратини яшира олмай. Менимча уч ойга қолдирсангиз, етарли бўларди, чамамда. Тилхат берайми?

– Ие, нималар деяпсиз, Чопра соҳиб! Мен сиздек одамдан тилхат олиб, ўлибманми! Сизга ишонман! Уч ойдан кейин келаман, хайр соҳиб.

У ўрнидан туриб, калта оёғи томонга бироз мункиганча чиқиб кетди.

Профессор эса столи устида турган бу жумбоқ китобни варақлаб чуқур ўйга ботиб қолди. Шунда хаёлига бир неча йил олдин академиянинг қадимги қўлёзмалар бўлимида кўришиб қолган, ўзини Бобур юртидан деб таништирган ёш олим келиб қолди. У бир ойча бу ерда ишлаган, танишганларидан кейин қарийб ҳар куни учрашиб, суҳбатлашиб турган эдилар. У Бобур ва Бобурийлар тарихи бўйича илмий иш қилаётган экан. Ўшанда “Хатти Бобурий” тўғрисида ҳам гаплашгандилар.

Профессор ўрнидан туриб, академия чоп эттирган, Бобур ва бобурийлар тарихи ҳақида ёзилган илмий ишлар ва бу иш билан шуғулланган олимлар тўғрисидаги каталогни шкафдан олди. Уни варақлаб керакли саҳифани топди ва кўз югуртира бошлади.

“д-р Мирюнусов Мирмақсуд. Тошкент. Ўзбекистон. Тошкент Шарқшунослик институти кафедра мудири. Илмий мақолалари: “Бобурнома”да тарихий ҳақиқатнинг акс эттирилиши”, “Бобурнинг Ҳиндистон маданиятига кўрсатган таъсири”, “Хатти Бобурий” ...”.

Профессор қолганини ўқиб ўтирмади. “Хатти Бобурий”... Шу жумланинг ўзиёқ уни ҳаяжонга солганди. Қўлидаги китоб “Хатти Бобурий” имлосида битилганини кўнгли сезиб турибди...

У илмий котибини чақириб, Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академиясига хат жўнатиб, ўзининг номидан доктор Мирмақсуд Мирюнусовни Ҳиндистонга илмий сафарга жўнатишларини илтимос қилишни топширди. Хатда Бобурийлар тарихига оид ноёб қўлёзма топилганини билдиришни ҳам тайинлади.

#### **-5- 1527 йил. Панипат. Ҳиндистон.**

Бобур ҳазратлари Иброҳим Лўдий билан бўладиган асосий жанг учун Панипат яқинидаги ясси тепаликни танлади. Бундай ҳолатда Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшини ва филлари пастликда, Бобур ҳазратларининг қирқ минг кишилиқ қўшини эса юқорида қоларди. Бу ҳол Бобур ҳазратларининг чавандозларига бироз ноқулайлик туғдирар, чунки тепаликка чошиб чиқишдан кўра, ундан тушиш қийинроқ. Асосий устунлиги, учқур отлари ва Моварроуннахрнинг абжир чавандозларидан иборат бўлган ҳар икки қанотдан бир вақтда зарба бериб, тўлғама усулида, яшин тезлигида ёвни қуршаб оладиган отлик қўшин бу ясситепаликда иш бермай қолиши мумкин.

Амирлашкарлар шуни ўйлаб, жанг майдони нотўғри танланди, деган шубҳага боришарди. Бироқ ҳеч ким бош саркардага буни айтишга журъат қила олмас, Бобуршоҳнинг ўзлари ҳам бу ҳақда бировга оғиз очмасди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, белгиланган жанг майдонига усмонлилар томонидан қўйилган оғир мис замбараклар келтирилганидан кейин нега бош саркарда ясси тепаликни танлагани аён бўлди. Мустаҳкам аробаларга ўрнатилган замбараклар тепаликка судраб чиқилиб, бир сафга тизиб, бир-бирларига хода ва чарм қайишлар билан бирлаштирилди. Бош саркарданинг ишораси билан барча эллик замбарак бир вақтнинг ўзида ўқ узиб, пастга бир қатор бўлиб ҳаракатланиши, бир вақтнинг ўзида тўпчилар уни қайта ўқлаб, душманга яқинлаша бориб яна ўқ узишлари лозим эди.

Биринчи машқ кўнгилдагидек бўлмади. Аробалар бир вақтнинг ўзида ҳаракатлана олмай, бирининг чарм қайиши узилиб, бирининг бирлаштирувчи ходаси синиб кетиб, бир-бирлари билан айқашиб кетишди. Бош саркарда яна тўпларни тепаликка олиб чиқиб машқни қайтаришини буюрди. Тўпчибошига кимлар қаерда хато қилганини тўпшунтирди.

Бобур ҳазратларининг бу усулни танлашига Лўдийнинг юзта жанговар фили қўшиннинг бошида жангга кириши сабаб бўлди. Жанг олдида маст қиладиган ичимликлар ичирилган филлар қутуриб, рақиб қўшинини пийпалаб ташлашини кўп бор эшитган Бобуршоҳ, шу филларга ўзининг яширин қуроли бўлган замбараклар ва тўфанглари қарши қўймоқчи эди. Агар филлар устига олов сочиб, гумбурлаган товушлар чиқариб бостириб келаётган тўплардан кўрқиб ортига ўгирилса, ўз қўшинини янчиб ўтиб кетади. Бош саркарда шунга умид қилиб машққа зўр бермоқда эди. Ниҳоят учинчи куни эллик араванинг бирортаси ҳам ортда қолмай, қайишлар узилмай, ходалар синмай бир текисда пастга туша олди.

Жанг куни Бобуршоҳ пастдаги Иброҳим Лўдийнинг қўшинига қарши эллик замбаракни қўшиннинг марказига жойлаштирди. Тўпчиларнинг икки қанотига юзтадан тўфангдозларни қўйди. Булар Лўдийнинг филларини сафдан чиқариши ва отлик қўшиннинг пасттекисликка тушиб олиб бемалол тўлғама қўлаши учун имконият яратиб бериши керак эди. Авазбек сардор бошчилигидаги “хосса тобин” эса бош саркарданинг захираси сифатида бош қароргоҳ ёнида қоладиган бўлди. Ибн Сотуна билан Қилич ҳам шу навкарлар ичида эди.

Қуёш найза бўйи кўтарилганида Лўдий қўшинида довул ва сур овози эшитилди. Улкан қўшин ҳаракатга тушди. Қўшин олдида жанговар филлар наъра тортиб бало-қазодек бостириб кела бошлади.

Бобур ҳазратлари ясси тепаликнинг чўққисида, ўзининг сеvimли

саман тулпориди, зирҳли жангжомеда турарди. Лўдийнинг жанговар филлари тепаликка ўрлай бошлади. Филлар ортидан юз минг кишилик қўшин жанговар ҳайқириб ваҳима билан келишарди. Оралиқ икки юз қадам қолган бош саркарда тўпчибошига ишора қилди. Филдираклар орасига суқиб қўйилган ходалар суғурилиб, эллик арава бирдан қўзғалди. Шу аснода замбараклар ялписига ўқ узди. Бир нечта фил гумбурлаб йиқилди. Баъзилари ортага ўгирилиб, ўз аскарларини пийпалаб, босиб-янчиб қоча бошлади. Замбаракларнинг яна ўқлаб олишга вақт керак эди. Шунда Бобуршоҳ тўфангдозларга ўт очиш буйруғини етказишни топширди.

– Тўфангдозлар филни эмас, устидаги филбонларни нишонга олишсин!

Авазбек сардор буйруқни етказишни Қилич билан Сотунага топширди. Омон қолган филлар қўшинга жуда яқинлашиб қолган эди. Сотуна от чоптириб борар экан хуржундан “Калашников”ни олиб, унга ўқдонни ўрнатди. Затворни шарақлатиб тортди.

– Ҳазрати олийлари ўт очишга амр қилдилар! Филни эмас, филбонни нишонга олинглар! – бор овози билан бақирди Қилич тўфангдозлар сафига етиб келганларида.

Пақ-пуқ, гумбур-гумбур кулоқни қоматга келтира бошлади. Сотуна эса шошилмай автоматни яқинлашиб келаётган филларга ўқталиб тепкини босди. Та-та-та-та! Бир зумда иккита фил қулади. Учинчи-тўртинчилари эса филбонсиз қолиб ортига ўгирилди. Ортдан чопиб келаётган пиёда аскарлар бир пас тўхтаб қолдилар. Қўрқиб ортига бурилган қутурган филнинг оёғи остида қолмаслик учун ўзларини четга олмоқчи бўлишар, бироқ текилинчада жойларидан қимирлай олмай, филнинг улкан оёқлари остида топталиб кетардилар. Тўфангдозлар тўфанглари ўқлаб олиш учун бироз сукут сақладилар. Шунда душман яна ўз сафларини тиклашга уринаётганда яна автомат

тариллаб қолди. Виз-виз учиб келаётган ўқлар бир нечта навкарни ва сафни тиклашга уринаётган сардорни ерга қулатди. Бу орада тўплар яна гумбурлади. Лўдийнинг улкан қўшини тартибсиз оломонга айланиб дуч келган томонга ўзини ура бошлади. Энди бу оломонни Иброҳим Лўдийдек ноқис саркарда тугул, ҳатто буюк Амир Темур, ё Искандар Зулқарнайн ҳам бошқара олмасди.

Бобуршоҳ икки қанотдаги отлик қўшинни ҳаракатга келтирди. Улар тепаликда тушиб, чекинаётган Лўдий қўшинини тўлғама усулида айланиб ўтиб, Панипат қалъасига кириш йўлини тўсиши керак эди. Бош саркарда Авазбекни ёнига чақириб, қочаётган Иброҳим Лўдийни таъқиб қилишни ва унинг қалъага кириб олишига йўл қўймастикни буюрди.

Авазбек сараланган навкарлардан иборат “хосса тобин”ни жанг майдонига бошлаб кирди ва қоқ марказдан Лўдий қароргоҳи томон яқинлашиб бора бошлади. Шу пайт қароргоҳдан бир тўп отлик ажралиб чиқди ва катта тезликда қалъа томонга елиб кетади. Отлик қўшин тўлғама қилиб қалъа йўлини тўсиб улгургани йўқ. Шошилишмаси Лўдий қалъага кириб, дарвозаларни тамбалашга улгуради. Агар шундай бўлса, қалъани қамал қилишга тўғри келади. Бугунги ғалаба татимайди.

– Шунқорларим! – Ҳайқирди Авазбек қонга ботган қиличини юқори кўтариб. – Иброҳим Лўдий қочмоқда! Кимки унинг тириги ё ўлигини олиб келса Ҳазрати олийларининг марҳаматига ноил бўлмай! Сараланган навкарлар Лўдийнинг ортидан от сурдилар. Олдинда Қиличнинг зулукдек қоп-қора оти елиб борар, унинг ортида эса Ҳамдуна, Харсанг ва Авазбек сардор боришар, улар билан изма-из бораётган Сотуна автоматнинг ўқдонини алмаштираётди бироз секинлаганди. Ниҳоят, қувғинчилар қочаётганлар тўпига юз қадамча яқинлашдилар. Сотуна отига қамчи босиб, Авазбек сардорнинг тўпига қўшилди. Қилич ҳамон олдинда борарди.

– Қилич! Қилич! Четга ўт! – бақирди Сотуна автоматни қочаётган отликлар тўпига тўғирлар экан.

Қилич унинг нима қилмоқчи эканлигини тушуниб отини ўнгроққа бурди. Шунда автомат яна тариллаб, Лўдийнинг хос навкарлари тутдек тўкила бошлади. Қилич эса тилларанг совут кийган отликқа яқинлашиб қолганди.

Шиванинг олов отувчи қуролни қўлга киритган бу касофатлардан қочиб қутулиб бўлмаслигига ақли етган Иброҳим Лўдий, ажалини бўйнига олиб, шаҳид бўлмоқ учун жанг қилишга аҳд қилди. Отининг жилловини тортиб, қиличини яланғочлаганча ортидан изма-из келаётган Қиличга рўбарў бўлди. Қилич шамширини бир сермаб, Лўдийнинг қиличини қоқ ўртасидан бўлиб юборди. Иккинчи бор сермаганда Иброҳим Лўдийнинг серсоқол боши отининг туёғи остига думалаб кетди. Шу онда аллақандай бир қуюн пайдо бўлиб, хас-хашакни чирпирак қилиб айлантирганча, осмону фалакка ўрлаб кетди. Қиличнинг эти жимирлаб ортига ўгирилди. Ортидан келаётган Сотуна ер ютгандек, йўқолиб қолганди.

Бу орада Авазбек сардор бошчилигида отликлар ҳам етиб келиб Лўдийнинг қолган хос навкарларини қиличдан ўтказа бошлашди.

Қалъага борадиган йўл ҳар иккала қанот отлик жангчилари билан тўсилганидан кейин, саркардасиз қолган қўшин мағлубият муқаррар эканлигини тушуниб, таслим бўлди. Жанг тугади.

Авазбек сардор ғалати қуроли билан душманни тутдек тўккан Сотунани излаб тополмади. Жанг майдонидаги жасадларни битталаб қараб чиқдилар. Бироқ Сотунанинг ўлиги ҳам тириги ҳам топилмади.

Авазбек Лўдийнинг қонли бошини найза учига ўрнатиб, Қилични эргаштирганча Бобур ҳазратларининг хузурига жўнади.

**-6-**

**1981 йил. Тошкент. Ўзбекистон**  
Мирюновнинг квартирасини иккинчи бор тинтув қилган Абдура-



сул Жўраев у ердан ишга алоқаси бўлган тузукроқ далил топа олмади. Қотил ҳожатхонадан бошқа жойда яшириниб тура олмади. Бироқ қовуғида муаммоси бўлган кекса фотограф жиноят жойини суратга олаётиб, бир неча марта бу ерга кириб чиққани Жўраевнинг эсида.

Жумбоқнинг ечимини бу хонадондан излаш бефойдалигини сезган инспектор ҳафсаласи пир бўлиб ташқарига чиқди.

– Балки, институтга борарсиз, Абдурасул ака, – деди унга эргашиб келаётган Жамшид.

Ҳа-я, институтга албатта бориш керак, хаёлидан ўтди Жўраевнинг. Кейин буни эсига туширган йигитчага миннатдор нигоҳ ташлади.

– Мактабни бу йил тугатасанми?

– Ҳа, 10-синфда ўқияпман.

– Мактабни тугатганингдан сўнг менга бир учраш. Изкувар бўлмоқчисан-ку, Тўғрими?

– Тўғри, Абдурасул ака, – деди Жамшид ёйилиб илжайганча.

Улар қўл ташлашиб хайрлашдилар. Абдурасул Жўраев автобусга ўтириб Шарқшунослик институтига йўл олди.

– Мирмақсуд бобуршуносликда беназир олим эди, – хўрсиниб гап бошлади Мирюнусов раҳбарлик қилган кафедранинг кекса профессори Обид Қодирович. – Ҳатто, Англия, Ҳиндистон, Туркия олимлари ҳам муаммоли масалаларда унинг фикрларига таянишганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Яқинда Ҳиндистон академияси янги топилган бир қўлёзма масаласида уни Деҳлига таклиф қилишганди. Бир ой Ҳиндистонда сафарда бўлиб қайтди. Унинг айтишича, қўлёзма “Хатти Бобурий” имлосида ёзилган экан. Дарвоқе, сиз “Хатти Бобурий”ни биласизми? – профессор саволига жавоб кутмай тушунтира кетди. – Заҳириддин Муҳаммад Бобур шох, буюк саркарда, шоир, тарихчи бўлишдан ташқари, зўр мусиқашунос ҳам бўлган. Яна араб имлосини соддалаштириб, баъзи ҳарфларни ўзгартириб, янги имло ихтиро қилган. Буни “Хатти Бобурий” деб атаган. Бироқ жоҳил уламолар

муқаддас Қуръон битилган ёзувни ўзгартириш Худога шак келтириш, деб, бу ёзувга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатганлар. Бобур ўлимидан кейин бу имлода ёзилган барча китобларни куйдириб ташлашган. Яқинда Ҳиндистон академияси “Хатти Бобурий”да битилган бир қўлёзmani топади. Бу имлони биладиган жаҳонда ягона мутахассис ўзимизнинг Мирмақсуд эди. Шунинг учун ҳам уни Деҳлига таклиф қилишган. У ерда бир ой ишлаб Мирмақсуд қўлёзmani инглиз тилига ўгириб беради. Қўлёзманинг микрофильмини олиб келади. Уни ўз ёзувимизга ўгириб китоб ҳолида чоп эттирмоқчи, унинг устида илмий тадқиқот олиб бормоқчи эди. Афсус...

– Обид Қодирович, Мирюнусов Ҳиндистондан келганидан кейин бирор бир ўзгариш сезилмадими? Айтайлик, юриш-туриши, гап-сўзи, дегандай...

Профессор инспекторга, бу билан нима демоқчисиз, дегандек савол назари билан қаради.

– Мирмақсуд бирор каттароқ ишни тугатганидан кейин, ҳазилкаш, шўх йигитга айланиб қоларди. Латифа айтиб кулдириб юрарди. Илмий иш билан шуғулланаётган паллада жиддийлашиб қолар, бутун борлигини ишга бағишлаганидан бўлса керак, ичимдагини топ қабилида ойлаб ёнидаги одам бор-йўқлигини ҳам сезмай, индамай юрарди. Ҳиндистонга бориб келганидан кейин ҳам шунақа ҳолатда эди.



Янги топилган қўлёзма устида жиддий иш бошлаган эди, – Обид Қодирович бир зум сукут сақлаб турди, бароқ қошини юқори кўтариб, ажин босган пешонасини тириштирганча Жўраевга термилди. – Айтганча, бу воқеанинг сизга нафи тегиб қолиши мумкин. Бир куни кафедрага кирсам, Мирмақсуднинг ёнида бир киши ўтирибди. Бунақа турқи совуқ одамни шу ёшимгача кўрмаганман...

– Гапингизни бўлганим учун узр, домла, – деди Абдурасул Жўраев узрхоҳлик билан жилмайиб. – Унинг бир оёғи, бир қўли калта, юзининг бир томони думалоқ, иккинчиси эса чўзинчоқ, тинимсиз қийшанганиб, қашиниб ўтиради. Овози пихиллаб чиқади, шунақами?

– Худди шундай. Демак сиз уни кўрган экансиз-да?

– Йўқ, кўрмаганман. Бир нечта гувоҳларнинг кўргазмасига асосланиб айтяпман. Давом этаверинг, домла.

– Мен кирганимдан кейин у безовталаниб қолди. Тезда хайрлашиб, чиқиб кетди. Мирмақсуднинг эса башарасидан қони қочиб, қалт-қалт титрарди. “Тинчликми?” сўрадим ундан. У эса ярим пиёла совуқ чойни ичиб сал ўзига келди. “Бу одам анави қўлёзмада тасвирланган кимсанинг худди ўзи! Қўлёзманинг худди шу жойини ўқиб турганимда осмондан тушгандек пайдо бўлди. Профессор Ракеш Чопра ҳам қўлёзмани олиб келиб берган кимсани худди шундай тасвирлаган эди. Сиз ҳам уни кўрдингиз-а?” сўради у мендан. “Ҳа, кўрдим,” дедим. “Агар сиз ҳам кўрмаганингизда кўзимга жин-пин кўриндимикан, деган ўйга борган бўлардим”, деди у ҳамон қалтироғини боса олмай. Орадан бир ҳафта ўтмай уни отиб кетишибди, деган совуқ хабарни эшитдим. Бор гап шу...

– Домла, Мирюнусов қўлёзмани, микрофильмни қаерда сақларди?

– Ҳеч қаерда сақламасди. Доим ёнида, портфелида олиб юрарди.

Тинтув пайтида ҳеч қанақа қўлёзма ҳам микрофильм ҳам топилмаганди. Демак қотил шуларни олиб кетган.

– Домла, бу менинг телефон рақамим, – деди Абдурасул Жўраев бир парча қоғозга исм-шарифи ва телефон рақамини ёзиб узатаркан. – Яна биронта, бизни қизиқтирадиган гап эсингизга тушиб қолса, кўнғироқ қиларсиз...

– Сиз қотилни топишингизга ишонасизми? – деди ишончсизлик билан инспекторга тикиларкан кекса профессор.

– Тўғри, бу мураккаб иш. Бироқ қотилнинг топилишига ишонмасам, овора бўлиб бу соҳада ишлаб юрмасдим.

Абдурасул Жўраев профессор билан хайрлашиб хонасига қайтганида, куёш уфққа яқинлашиб қолган, оқшом салқини туша бошлаган эди. У қоғозлар уюлиб кетган столини тартибга солиб, курсига чўқди. Бугун учинчи одамдан таърифини эшитган кимсани ўзича тасаввур қилиб кўрди. Ким бўлиши мумкин бу устомон? У бир пайтнинг ўзида Афғонистонда, Ҳиндистонда, Тошкентдаям пайдо бўла олади...

Кейин хаёлига яна Мурод келди. Шалоқ телефоннинг гўшагини кўтариб унинг рақамини терди. У жойида йўқ шекилли, телефонни ҳеч ким кўтармади.

Жўраев паришон ҳолатда ўрнидан туриб, хонасини қулфлади ва уйига кетди. У ўзини жуда чарчаган, ҳолдан тойган ҳис қиларди.

Эрталаб ишга чиққанида кайфияти кечагига қараганда яхшироқ эди. Бироқ бошлиғи шу кайфиятини ҳам дабдала қилди.

– Қотилни қачон қўлга оласиз? – дабдурустдан масалани кўндаланг қўйди у.

– Шу, баъзи бир далилларни қўлга киритдик. Гувоҳлар...

– Биламан, нима қилиб юрганингизни. Оғзидан она сути кетмаган гўдак билан, мияси суюлган эзма чолдан нимаям олардингиз?! Ишга жиддий киришмасангиз, бўшатиб қўйинг ўрнингизни, қўлидан иш келадиганлар ишласин! Бўпти, сизга яна уч кун муҳлат бераман.

Жўраев бошлиқнинг хонасидан миясига қон тепиб чиқди. Ўз жойига

келиб ўтирганида телефон жиринглади. У истар-истамас гўшақни кўтарди.

– Алло, Жўраевми?

– Ҳа, эшитаман.

– Мен профессор Обид Қодировичман. Телефон рақамингизни қолдиргандингиз-ку.

Абдурасул Жўраев бирдан тетиклашиб, қаддини кўтарди.

– Эсимда, тинчликми домла?

– Биласиз, бизнинг институтга шарқ мамлакатларидан китоблар, газета-журналлар келиб туради. Бугун кўлимга Ҳиндистондан келган бир газета тушиб қолди. Унда Мирмақсуд билан бирга ишлаган профессор Ракеш Чопра ўлдирилгани ҳақида мақола бор экан...

– Домла, сиз кафедрада бўлиб туринг, илтимос. Мен ҳозир етиб бораман.

Абдурасул Жўраев институтга етиб келганида Обид Қодирович ассистент йигитга нималарнидир диктовка қилиб ёздирётган экан.

– Бир дақиқа сабр қилиб турсиз-да, Абдурасулжон, – деди у инспекторга ўтиришга жой кўрсатаркан.

Бироздан кейин профессор ишини тугатди. Ассистент ҳам ёзув машинкасидан қоғозни чиқариб, профессорга узатди. У икки қоғоз матни синчиклаб ўқиб, баъзи жойларига қалам ҳам теккизиб бўлгач, тилла гардишли кўзойнагини олиб, Жўраевга тикилди. Кейин столи устида турган инглиз тилидаги газетани олиб, керакли жойини топди ва инспекторга кўрсатди. Унда қора рамкага олинган нуроний профессор Ракеш Чопранинг сурати ва мақола босилган жойга нуқиди.

– Мана бу ерда Чопранинг қандай ўлдирилгани ёзилган. Кейин қотилни кўрган гувоҳнинг кўрсатмаси ҳам берилган. Сизга осон бўлсин учун, мақолани таржима қилиб, машинкалатиб қўйдим.

У ҳозиргина ассистент йигит берган қоғозларни инспекторга узатди.

– Агар мумкин бўлса, газетани ҳам...

– О, бемалол, бемалол, – деди профессор газетани узатаркан. –

Ҳали мақолани ўқиб, ўзингиз ҳам хулоса чиқарарсиз, менинг фикримча, бу иккала олимнинг ўлдирилишида бошқа бир гап борга ўхшайди.

– Нега бунақа фикрга келдингиз, домла?

– Мана қаранг, Мирмақсуд ҳам, Ракеш Чопра ҳам бир вақтнинг ўзида, бир хил ҳолатда, бунинг устига бир киши томонидан ўлдирилган. Бу ерда, – профессор қоғозга ишора қилади, – Чопранинг хизматкорининг кўрсатмаси ҳам бор. У қотилнинг кўринишини тасвирлаб берган. Кимни тасвирлаганини эса сезиб турган бўлсангиз керак...

Абдурасул Жўраев газета ва қоғозларни олиб папкасига солди ва Обид Қодировичга миннатдорчилик билдириб, хайрлашди.

Хонасига келиб профессор берган қоғозларни синчиклаб ўқий бошлади.

**-7-**

### **1981 йил. Деҳли. Ҳиндистон.**

Деҳлидаги иссиқ иқлим, бунинг устига машиналар тирбандлиги, улардан ҳавога чиқаётган тутун ёши қайтиб қолган профессор Ракеш Чопранинг соғлигига ёмон таъсир қила бошлади. У боши оғришидан, нафаси қайтиб қолишидан азият чекарди. Натижада Мирмақсуд Мирюнусов таржима қилиб берган кўлэзма устида олиб бораётган тадқиқоти ўлда-жўлда қолиб кетаётганидан асабийлашарди. Охир-оқибат, ишини шаҳарда давом эттира олмаслигига кўзи етиб, барча ҳужжатларни олганча Жамна дарёси бўйидаги дала ҳовлисига чиқиб кетди. Дала ҳовлида Жамнанинг салқин ҳавоси уфуриб турар, ҳовлига туташиб кетган ўрмонзорда қушларнинг сайраши, маймунларнинг шўх қийқириқлари эшитилиб турарди. Дала ҳовлида кекса хизматкори бангалорлик Бҳишан Синҳдан бошқа ҳеч ким йўқ. У ҳам фақат овқат, ё чой олиб киришини демаса, хўжайинини ҳадеб безовта қилавермайди. Хуллас, мазза қилиб ишлайдиган жой.

Чопра соҳиб кўлэзмани берилиб ўқиркан, баъзи жойларини бошқа

матнларга солиштирар, қалин дафтарига қайд қиларди. Сотуни олиб келган кўлэзма китоб Бобуршоҳнинг Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қозонган Панипат жанги ҳақида эди. Унда Бобуршоҳ лашкарининг “хосса тобин”и, яъни хос гвардияси сафида бўлган ибн Сотуна деган жангчининг кўриниши тасвирланган бобга келганида Чопра соҳибнинг ичи чумоли ўрмалагандек жимирлаб кетди.

“Шу пайт, Қобул йўлида икки суворий қораси кўринди. Авазбекнинг ўткир кўзлари уларнинг бу ерлик эмаслигини англади. Улар навкарлардин эмаслиги аниқ. Аммо ерлик аҳолига ҳам ўхшамайдир. Сардор хос навқарини чорлаб келгувчиларни ўз ёнига бошлаб келишини буюрди...”

– Биз Бобуршоҳ қабатыга навкарликка ўтиш учун келдик, тақсир, – деди ўрта бўй, аммо кенг елкали, мушакдор, ҳамроҳига нисбатан ёш ва бақувват кўринадурғон, қорамағиз йигит.

– Оре – деб бошини ликиллатиб тасдиқлади, иккинчи ғалати кўринишдаги, ёшини аниқ айтиш маҳол бўлган, бир оёғи иккинчисидан калтароқ бўлганиданми, оғирлигини гоҳ униси гоҳ бунисига ташлаб, бетиним елкасини учуриб, қўлларини ўйнатиб тургувчи, ўнг бети думалоқ, чапи чўзинчоқ, ўнг кўзи кўк, чақчайган, чапи эса қисиклигидан ғилайроқ кўринадурғон кимса.

Унинг худди мушук пихиллагандек панг овози ҳам сардорга ўтиришмади. Аммо кўнглида, ғаройиб кимсанинг қай гўрдан пайдо бўлганлигини билишга бўлган кучли истак уйғониб, уларни товачиларга учрашишга маслаҳат бериб, жўнатиб юборишдан қайтарди...”

– Бу худди ўша, кўлэзмани олиб келган кимсанинг тасвири-ку! – хаёлидан ўтди профессорнинг. – Наҳотки, бу навкар ўшанинг ўзи бўлса...

Профессор, кўлэзманинг давомини ўқиркан, хайрати ўн чандон ошиб кетди. Ўзининг яқинда Панипат тепалиги ёнида ўтказган қазиш ишларида топилган калла суяги, унга санчилиб қолган ўқ, Лаъл

Кумарнинг айтган гаплари эсига келди. Ўшанда лаборант йигитдан бекорга хафа бўлганлигига, муаммонинг ечими ушбу китобда эканлигига амин бўлди.

– Наҳотки, шундай буюк зот, ўз кўшинида шайтон ҳам бирга юрганини ҳис қилмаган бўлса... Фаришталарга муаллимлик қилган бу касофат вақт тизгинини тортиш илмини сув қилиб ичиб юборган-ку...

Профессор чувалашиб кетган фикрини тартибга солиб улгурмасидан, Жамнанинг салқин эпкинни кириб туриши учун очиб қўйилган деразанинг бир тавақаси тарақлаб ёпилганидан профессор чўчиб тушди. Ташқарида аллақандай гирдибод хас-хашакни осмонга учуриб ўйнардди.

– Қизиқ, бу фаслда, айниқса бу ерларда бунақа куюн бўлмасди-ку, – хаёлидан ўтди профессорнинг ва ўрнидан туриб дераза ёнига келди.

Қараса, гирдибоддан дарак ҳам йўқ. Сония ичида ҳамма жой тинчиб қолган, ўрмондан қушлар ва маймунларнинг шовқини ҳам эшитилмасди.

Шу пайт даҳлизда Бҳишан Синҳнинг оҳиста ташлаган қадам товушлари эшитилди.

– Соҳиб, сизнинг ҳузурингизга бир кимса кирмоқчи. Айтишича, уч ой олдин учрашишга келишиб олган экан.

Профессорнинг хаёлига бирдан ўзини Сотуни деб атаган одам келди.

– Исми Сотуни эканми?

– Шундоқ, соҳиб.

Профессор столи устида турган, “Хатти Бобурий” имлосида битилган кўлэзма китобни кўлига олди. Кўнглига кўп ғулғула солган бу китоб билан ажрашиш фурсати етганидан ғалати бир туйғуни ҳис қилиб унинг чарм муқовасини сийпалаб қўйди.

– Майли, кирсин, – деди профессор, ҳамон эшик бўсағасида кўл қовуштириб турган бангалорлик хизматкорига.

... Лаъл Кумар ертўладаги ўз лабораториясидан чиқаркан, йўлда бир томонга оғиб, лапанглаб келаётган, ғалати кўринишдаги ирқит кимсага ажабланиб қаради.

Бу кимса тўғри унинг олдида оёқ илди. Қўлини жуфтлаштириб, салом аломатини қилгач, қийшангланганча, елкаларини учуриб, панг овозда сўрашган бўлди.

– Профессор Чопра соҳибни қаердан топсам бўлади, жаноб? – сўради у.

Бу ирkit кимсанинг жаҳон тан олган олимда қандайдир юмуши бўлишини ақлига сиғдира олмаган Кумар бир зум жим қолди.

– Профессор соҳиб ҳозир йўқ, – деди Кумар бироздан сўнг. – Дала ҳовлисида ишляпти.

– Шунақами, – пихиллади кимса. Кейин қаддини бироз кўтарди. – Профессор топиб келган бошчаноқдаги ўқ эсингдами? – бу сафар овози пихилламай, аниқ ва равон эшитилди. – Ўшани мен отганман.

Кимса ханг-манг бўлиб қолган Лаъл Кумарни йўлақда қолдирганча, бир зумда кўздан йўқолди. Кумар ҳовлида ўз-ўзидан пайдо бўлган ва бир пасдан кейин йўқолган қуюнга эътибор қаратиш ҳам эсига келмай, шалвираб тураверди.

Эртаси куни эса ишга келаётиб, сотувчи боладан тонгги газетани харид қилиб, биринчи саҳифасига кўзи тушгач, гандираклар кетиб, симёғочга суяниб қолди. Биринчи саҳифада профессор Ракеш Чопранинг катта сурати босилган ва ўқловдек ҳарфлар билан ёзилган тагсўзни зўра ўқиди.

“Лондон Қироллик академиясининг аъзоси, археология профессори Ракеш Чопра ўз уйида номаълум кимса томонидан отиб ўлдирилди”.

Кейинги саҳифада эса суиқасд содир этилган вақт ва профессорнинг хизматкори Бҳишан Синхнинг кўргазмаси ёзилган эди. Синхнинг қотилни тасвирлаган жойини ўқиётиб Кумарнинг ичи музлаб кетди. Бу ўша кеча йўлақда учратган ирkit кимса эди.

**-8-**

**1981 йил. Тошкент.**

**Ўзбекистон.**

Абдурасул Жўраев профессор Обид Қодирович таржима қилган матнга инглиз тилидаги газетани

илова қилиб ишга тикиб қўйди. Кейин Муродга телефон қилиб, қуролфурушлар “Иш”идан ўша прапоршчикнинг кўргазмасидан нусха олишга кўмаклашишни сўради. Тушдан кейин Мурод етказиб берган қоғозларни ҳам олгач, бемалол ўтириб хулосани шошилмай ёзиб, Мирмақсуд Мирюновнинг “Иш”ига тиркагач, семизгина папкани қўлтиқлаганча, бошлиқнинг хонасига йўл олди. Шу пайт ташқарида нимадир тарақлагандек бўлди. Деразадан осмонга бўй чўзган теракларни шамол силкитаётгани кўриниб турарди.

– Қизиқ, – хаёлидан ўтди Жўраевнинг, – бу пайтда шамол бўлмасди-ку...

Абдурасул Жўраев бошлиқ қабулхонаси эшигини энди тортгани ҳам, ичкаридан чиқиб келаётган котиба қизга урилиб кетишига сал қолди.

– Ие, сизмисиз, Абдурасул ака, ҳозиргина бошлиқ сизни йўқлади, – деди котиба қиз бидирлаб. – Шунга сизни чақиришга чиқаётгандим.

Инспектор бошлиқнинг хонасига киргач, олдин унинг ёнида ўтирган кимсага эътибор бермади. Қўлидаги папкани бошлиқнинг столига қўйиб, у кўрсатган жойга ўтирганидан кейингина кимсага назар ташлади-ю, қотди-қолди. Бу ўша, таърифини неча бор эшитган, бадбуруш кимса эди!

– Хўш Жўраев, – деди бошлиқ унга қаттиқ тикиларкан. – Қотилни топдингизми?

Жўраев ялт этиб бадбуруш кимсага қаради.

– Ҳа, ўртоқ бошлиқ, у рўпарангизда турибди!

Бошлиқ каловланиб, бир кимсага, бир Жўраевга қаради.

– Ҳозироқ уни қамоққа олишга буйруқ беринг. Унга қарши далиллар етарли!

Кимсанинг чўзинчоқ чап юзи дириллаб уча бошлади. Ўнг томони эса қисилиб кетди.

– Бу қанақаси, камандир, – пихиллади кимса, ўрнидан тураркан.

Абдурасул Жўраев бир сакраб унинг ёнига ўтди ва унинг узун чап қўлини орқасига қайирди. Бу орада бошлиқ асли оператив ходимликдан чиқмаганми, унинг ўнг қўлидан ушлади ва чаққонлик билан кишани ўтказди. Абдурасул Жўраев унинг елкасидан босиб, стулга ўтқазди.

– Бу ерда, – деди Жўраев ҳозиргина столга қўйган папкасига ишора қилиб, – бунинг барча кирдикорлари битилган. Барча далиллар, гувоҳлар етарли. Энди бемалол терговни бошлашимиз мумкин.

Бошлиқ тугмачани босиб, навбатчи милиционерларни чақирди. Улар етиб келгунларича папкани очиб, биринчи варағини қизиқсиниб ўқий бошлади.

Шу пайт дераза тавақаси тарақлаб очилиб, қуюн ўзини ичкарига урди. Бошлиқнинг олдидаги қоғозлар бирдан сочилиб кетди. Абдурасул Жўраев ҳали нима юз берганини англамай туриб, қўли шилимшиқ нарсага тегиб кетгандек эти жимирлади. Шу пайт кимса ҳавода эрий бошлади. Оний лаҳзада унинг қўлларида пўлат кишани қолдириб кимса дайди гирдибодга қўшилиб хонани тарк этди. Гирдибод орасида унинг бадбуруш юзи кўринди ва хунук қаҳқажаси эшитилди, дераза тарақлаб ёпилиб, хона бир зумда тинчиб қолди.

Жўраев кишани ҳамон ушлаб турар, бошлиқнинг столи устидаги Мирюновнинг “Иш”и ер ютгандек ғойиб бўлганди.

Бу ажабтовур иш Абдурасул Жўраевнинг ҳам, унинг бошлиғининг ҳам бошига оғир савдоларни солди. Ҳар иккаларининг кўргазмаларини эшитган раҳбарлар уларни жиннихонага жўнатиб юборишларига сал қолди. Бошлиқ нафақага чиқиб кутулган бўлса, Абдурасул Жўраев пойтахтдан олисдаги бир чўл тумани жиноят-қидув бўлими бошлиғи вазифасига, сургунга жўнатилди.

Тамом.

# Шараф топди сенда инсон Ўзбекистон!



Муҳаммад ИСМОИЛ

## Ўзбекистон

Меҳрим ийиб келди сенга бир сўз айтгим,  
Юрагимда қад кўтарди нурли байтим,  
Кўқдан маржон-маржон юлдуз териб қайтдим,  
Сенинг ўзинг Ой-у осмон, Ўзбекистон!  
Шараф топди сенда инсон, Ўзбекистон!

Қуёш баҳра олар ўтли маскандирсан,  
Оламга нур таратгувчи чамандирсан,  
Даҳоларни улғайтгувчи Ватандирсан.  
Сен даҳолар суйган суюк, Ўзбекистон!  
Гар сен суйсанг биз ҳам буюк, Ўзбекистон!

Эллар ичра номи баланд элга шукур,  
Халқлар ичра қадди басти тенгга шукур,  
Меҳри офтоб феълсан, бағри кенгга шукур  
Қайга борсам кўксинг қалқон, Ўзбекистон!  
Дардимизга ўзинг дармон, Ўзбекистон!

Самоларни тутсин мағрур парвозимиз.  
Етти иқлим сари кетсин овозимиз.  
Каъбам дейди сени ҳар бир юртдошимиз!  
Кўксимизда жўш урган жон – Ўзбекистон!  
Сенга бўлсин шараф ва шон, Ўзбекистон!



\* \* \*

Қуёшдан нур эмар оппоқ олмалар.  
Шохларда мўъжиза рўй бераётир.  
Кўйингда кун санаб кўнглим доғланар,  
Мен сени соғиндим, кўргим келаётир!

Узоқдан битасан ишқ тўла баёт,  
Бир ишқки чорлайди жондан кечмоққа.  
Қошингга борай деб, юзландим бот-бот  
Кўйлагимни кийсам, ёниб кетмоқда.

На Ойга учмоққа тилла паттам бор,  
На бирор юлдуз бор менинг номимда,  
Афсунгар эмасман, аммо бахтдир ёр –  
– Сендан хат келгандир, кутган чоғимда.

Очилмоқда ҳаёт дарвозалари,  
Ер юзида аввал бўлмагандайман.  
Ёдимга тушди ишқ тароналари,  
Эс-хушимни қайта ўнглагандайман.

Не учун шодланмай, дунё гулзорим  
Тоғлар бору-йўғи тиззамдан келса.  
Барча сайроқи қуш сўраса ҳолим,  
Дунёда энг гўзал қиз мени севса!

Қувғин қилингандай Одам Отамиз,  
Ер юзига ўзга сайёралардан  
Ер шарин тўхтатиб, бугун-эртами,  
Ҳузурингга албат етиб бораман!



## Ота дуоси

Кўларимнинг гавҳарисан,  
Юрагимнинг жавҳарисан,  
Авайлаган асраганим,  
Умримнинг шоҳ байтларисан  
Она қизим, она қизим.

Ўз уйингда гул ўстириш хизмат экан,  
Ўзга уйга кўрк бўлгучи зийнат экан,  
Титрамоқда юрагимнинг томирлари,  
Кўчиш бахти қиз болага қисмат экан.

Дурим десам зебодурсан дурдан аъло,  
Нуриим десам зиёдурсан нурдан аъло  
Худойимнинг китобига ошнодурсан,  
Хуриим десам одобинг бор, хурдан аъло.

Бугун тўйинг наво тўлсин тўйхонангга,  
Малика бўл борган олтин кошонангга,  
Тангрим ўзи қутлуғ никоҳ аҳди билан,  
Бир умрлик муҳр босмиш пешонангга.

Жон узилди, шодон юрсанг шифо топгум,  
Ўзга уйда уйнаб кулсанг даво топгум,  
Соғ-саломат қўша-қариб бахтли бўлсанг,  
Нафас олмоқ учун танга ҳаво топгум.

Эй ёронлар, икки ёшни дуо қилинг!  
Бир-бирига кўзу қошни дуо қилинг!  
Тақдир экан учрашибди Ой-у Қуёш,  
Қовушган бу икки бошни дуо қилинг.

## Абдулла Ориповга

Устоз хаста эди. Шифокор нина,  
Санчган қўлларини аста силардим.  
Худодан ёлвориб оҳистагина,  
Соғлик сўрар эдим, шифо тилардим.  
Устоз қўлларини тортиб, бепарво  
– Қўл нима бўлмаса, бўлмасин, – деди.  
Инсон юрагида яшашга аммо,  
Иштиёқ ҳечқачон сўнмасин, – деди.  
Агарда яшашга сўнса иштиёқ,  
Ул юракни қоплар қаро зимистон.  
Тошкентда порлаган жаъмики чироқ,  
Уни ёритмоққа тополмас имкон.  
Ҳали кўп яшашга қилганман қарор.  
Отам юз ёшларни қоралаган, – деди.  
Уриб ўлдирмаса, гар бирор маккор,  
Мен ҳам юз ёшларга бораман, – деди.  
Устоз қайга кетди ваъдаларингиз,  
Албатта сиз юзга кирасиз, – дердим.  
Нега ўзингизни асрамадингиз,  
Ҳали бошимизда турасиз, – дердим.

Мана энди йўқсиз.  
Ҳаёт айт деса,  
Сизни кўрмоқликни сўрар эдим мен.  
Фамхўрим эдингиз, гар шамол тегса  
Сизни отамдайин кўрар эдим мен.  
Мана энди йўқсиз.  
Ҳувиллар ҳаёт.  
Эгасиз, ташландиқ туюлар олам.  
Кимдир қисматимни этгандай барбод,  
Юрагимни бўғиб ўлдиргандай ғам.  
Бир қаро зулматда мисли шамчироқ,  
Юрагимга шуъла сочар эдингиз.  
Одам тополмасам бирор яхшироқ,  
Менга қалбингизни очар эдингиз.  
Энди йўқдир ўша битта одам ҳам.  
Шохидан узилган барг каби учдим.  
Мени топтагучи, ҳар лаҳза, ҳар дам  
Беаёв оёқлар остига тушдим.  
Аммо ҳали ҳаёт этмоқда давом.  
Сизнинг сўзингизни ёдга оламан.  
Қалбимдан зулматни ҳайдайман тамом,

Яшашга иштиёқ билан қоламан.  
Мадҳиянгиз янграб турар ҳар нафас,  
Миллионлар билар шеърларингизни.  
Ҳамма яхши билар, сиз Ерга эмас,  
Жонингизни шеърга берганингизни.  
Асло шеър эмасдир, мен ёзган баёт.  
Дардим тўкиб солдим болаларга хос.  
Сиз буюк зот,  
сиз ҳақингизда  
Буюклар шеър ёза олгайдир, холос.

## Ўттиз ёш

Ўттиз ёшда эл шоирни танимаса гар,  
Қизга ўшар, ўттизда ҳам чиқмаган эрга.  
Ўттизда ҳам фарзанди йўқ, йигитга ўшар  
Энди шоир кўёлмайди айбларни шеърга.


Шеърсевар бу элда айб йўқ кийдирмаса тож.  
Қиз майлига ишқи оташ элни дер айбдор.  
Йигит майли шу болажон халққа отсин тош,  
Аммо шоир ўзидан айб, излаши даркор.

Балки, унга берилмаган асли Худодан  
Вақти келиб балки ўзин олмаган қўлга.  
Балки, кўзин узмагандир молу-дунёдан,  
Балки, юрган шоир аҳли юрмаган йўлга.

Балки, эркин сотгандир у амалдорларга.  
– Асл шеърнинг овозидир-виждон овози.  
Ўзи билмай айлангандир, лаганбардорга,  
Хушомадда иқтидорнинг битган парвози.

Ундай касни ҳеч замонда кечирмайди шеър.  
Гар замонга айб қўйса ҳам ҳеч ишонмасман,  
Ҳар замонда шерлигига қолаолган шер,  
Аммо қўйни ҳеч бир замон шер қилолмаган.

Балки, қизлар ўттиздан сўнг чиқарлар эрга  
Ўттиздан сўнг уйланмоғи мумкинди инсон.  
Ўттизгача танилмаса шоир гар элга,  
Ўттиздан сўнг шоир чиқмас ундан ҳеч қачон!



## Гоҳ шодман, гоҳида...

Гоҳ шодман, гоҳида кўзга келар ёш,  
Гоҳ ойда бўлсам ҳам Сизни кўрарман.  
Келсам, васлингизга беролмайман дош,  
Кетсам ҳажрингизда ўтман, ўртанган.

Гоҳо бир ҳис дилда инграйди нолон,  
Мен хорни бахтиёр этди муҳаббат.  
Сиздай нурга лойиқ бўламан қачон,  
Ожизлигим ошкор этди муҳаббат.

Гоҳида иқрорман, гоҳо беқарор,  
Гоҳида чуқурда чинқирган ғамман.  
Нега Аршингизда айланар ағёр,  
Нега бошим чиқмас арздан, аламдан?!

Севгилим, севсангиз шу менга ҳаёт,  
Шудир топганим бахт маржонларини.  
Севгилим, кетсангиз йўқ менга нажот,  
Адоғи бўлмайди армонларимнинг.

Севсангиз бўлгайман ҳар жангга тайёр,  
Ҳар жадалда ғолиб, ҳар он, ҳар қачон,  
Қудратли, енгилмас, мингта жони бор  
Сиз кутган, сиз орзу қилган қахрамон.

Гоҳ шодман, гоҳида кўзга келар ёш.

\* \* \*

Мен билмайман бу қандайин ёзиқ бўлди,  
Қисмат йўлсиз сўқмоқларда қилди сарсон.  
Йўл тополмай кўзларимнинг нури сўлди,  
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Мен кимман-у дийдиёлар қилдим нечун,  
Йўқ бўлсам ҳам, ким изларди истаб нишон.  
Мен дунёга бир жилмайиб боқмоқ учун,  
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Мен ҳам бахтни кўрган эдим қайлардадир,  
Кўрмаганда яшар эдим, балки осон.  
Бол ўрнига қум тутмоқда бугун тақдир,  
Пешонамни бир силагин, эй онажон!

Балки йўлим очилади шунинг билан,  
Балки менга берилмаган ортиқ имкон.  
Кўзларимни бир кун ёпиб қўймасингдан,  
Пешонамни бир силаб қўй, эй онажон!



Ҳаким САТТОРИЙ

## Кескин қайрилишлар

*қандай йўла олиб чиқди?*

Менимча, “Юлдузнинг беш қирраси” монографиясини хатм қилишга киришган китобхон зиммасида икки вазифа бўлади: аввало, тадқиқотчи-олим сифатида филология фанлар номзоди, доцент Адҳамбек Алимбековнинг мавзуни қанчалик ёрита олгани ва асар қаҳрамони – Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг бугун кўпчилиكنинг назарида бўлган ижодий таржимаи ҳоли қирраларини англаш, тушуниб етиш. Олдиндан айтиш мумкинки, ҳар ҳолда мухлислар ҳар икки масалада таъблари (яъни нимани кутганлари ёки нимани хоҳлаганлари) даражасида қониқиш оладилар. “Юлдузнинг беш қирраси” ўзининг услуби, муаллифнинг масалага ёндашуви жиҳатидан кейинги йилларда юзага келган диққатга сазовор янги асарлардан бири. Шак-шубҳасиз, Муҳаммад Али адабиётимизнинг ҳозирги бўйбастиди тирик классиги (адибнинг босиб ўтган йўли, ижодий маҳсули шундай дейишга асос беради) ва у ҳақида муносиб сўз айтиш ҳам анча масъулиятли. Бу талабларнинг қандай ўринланганига бошиданоқ бир эътироф шуки, китоб мароқ билан (ҳатто “шавқ билан” – Абдулла Қаҳҳор ибораси – ўқилади), уни ўқиб тугатгач эса кўз кўникиб (адаптация ҳосил қилиб) қолган теварак-атроф ўзининг янги қирраларини намоён қилади (ҳақиқий

асарнинг ҳаётйилиги шунда), эски қадрдонларга ҳам янада синовчан назар, ички эҳтиром билан қараш туйғуси пайдо бўлади (бу муаллифнинг маҳоратидан дарак).

Энди китобга қайтайлик. Тоталитар тузум шароитида одамларимизга ишчи, деҳқон, косиб, олибсотар деб қараларди, муносабат ҳам шунга яраша, бироқ уларнинг инсон сифатидаги дардлари, кечинмалари, ҳатто қувончлари ҳеч кимни қизиқтирмасди. Инчунун, олимлар, ижодкорларнинг ҳам. Шунга кўра бизда мемуар адабиёти ҳаракат қилмади (ҳолбуки, жаҳон адабиёти тажрибасининг кўрсатишича, йирик ижодкорлар сайланмаларининг ўнлаб китобларини уларнинг кундаликлари, хатлари ва бошқа ёзишмалари ташкил этади), зиёлилларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларга табу кўйилди, таржимаи ҳоллари бузиб кўрсатилди (улар, албатта, камбағалдан чиққан ёки етим ўсган, фақат шўро туфайли рўшнолик кўрган бўлиб чиқарди). Омма тасавурида олиму ижодкорлар фақат тинимсиз китоб ўқийдиган, уйку билмай ёзадиган, йиғламайдиган-кулмайдиган, ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайдиган “темир одам”лар сифатида намоён бўлди. Бу мулоҳазаларга туртки бўлган ҳолат – А.Алимбеков ўз асарида М. Алининг шахсий оламига одатдаги мезонлардан теранроқ назар ташлашга уринган, ҳаммамизга

таниш бўлган адибнинг таржимаи ҳолидаги ҳали шамол тегмаган далилларни ошқора қилган. Орзуларга тўла болалик, ўсмирнинг кундалиги, ундаги беғубор, мунис сатрлар... Булар темир-терсақлар уюми остидан жилмайиб турган бойчечакдек туюлди менга ва халқимизнинг латиф, маърифатли қалбининг боқийлигини тасдиқлагандек бўлди. Бизга улуғворлик унсурлари йўргагимизданоқ юқар экан, бизда мева берадиган куртаклар отамерос бўлиб ўтар экан. Кейин таҳсил йиллари, ундаги қайноқ давралар, изтиробли дамлар, икки тўлқиннинг кураши... Таржимаи ҳолга доир маълумотлар кишида бетакрор туйғулар кўзгайди. (Мавриди келганда бир истакни изҳор этиш ўринли деб ўйлайман: 14 ёшидан қўлига қалам тутиб, кундалик ёзган ўсмирнинг бугунги мавқеи ибрати сифатида битиклар нодир бир тарзда, ёзувларнинг фотофаксемили, тегишли суратлар билан безатилиб, зарур шарҳ ва изоҳлар билан нашр этилса, ёш авлодга муносиб совға бўларди). Шундай қилиб, монографиянинг қимматли жиҳати – муаллифнинг ёзувчини Инсон сифатида кўрсатишга кўшиш қилгани ва бу вазифани уддалаганидир.

Китоб анъанавий тарзда қаҳрамоннинг оилавий муҳити, улғайиш пиллапоялари шарҳи билан бошланади. Бешгул қишлоғидаги ҳаёт



тарзи ҳақида шоир кейинчалик шу номли достонида мароқ билан ҳикоя қилади, наинки ҳикоя қилади, балки куйлайди. Достонхонлик кечалари, хат таниган боланинг дабдурустан мўсафид чолларни ларзага солиб кўз ёш тўкишига олиб келган қиротлар. Ва география дарсида Фиджи ороллари харидадан излашдаги болага хос изтироблар – ҳаммасида бўлиқ ўтлоқдек маърифат олами ва унда “қуёшга талпинаётган” ниҳолнинг тальати кўзга ташланади. Бирданига кундалик! Бу “ноёб ҳодиса” бўлажак шоирнинг хаёлига қандай келиб қолди экан? Бугун унга туртки бўлган туйғугина эмас, илк сатрлар қоғозга тушган дафтар варағининг ранги, у тайёрланган фабрика ҳам катта тарихга дахлдор. Вақт кўзгусида йиллар ўтган сари, кичик нарсалар ёруғлик манбаидан узоклашганда буюмларнинг тасвири каттариб боргани сингари, жузъий унсурлар ҳам улкан моҳият касб этиб бораверар экан. Ўқиймиз: “1956 йил 1 апрель. Якшанба. Бугун мен хурсандман. Эрталаб биз товукларни ушлаб, бозорга сотгани Шахрихонга бордик”. Қоғоз ва қалам билан ёлғиз қолгандаги кайфият, илк иқрорни қаранг. Туйғу (демак, ният) ёрқин бўлган экан. Аммо хурсандликнинг боиси бозорга бориб тансиқ таомга тўйгандан эмас, гап бошқа ёқда – ўсмир Бўзга келиб, мактабдошини учратиб қолади. “Роса қуюқ гаплашдим. Хурсандлигимнинг сабаби шу эди”. “Бўладиган бола бошидан” деганлари шу бўлса керак. Ҳарир тонг палласи кўзни йириб, борлиққа қараганда ранглар чапланиб кетган бир манзара пайдо бўлади ва кишини ҳушёр торттиради. Вақт ўта бошлайди ва мавҳум манзарада ранглар ажралишга киришади. Борлиқ борича намоён бўлади. Лекин ўша ғуборли, қоришиқ фурсат қандайдир тотли, соғинчли. “2 апрель. Бугун деярли ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менинг зериккан чоғимда бирдан-бир дўстим китоб бўлади. Шунинг учун уйда кун бўйи китоб ўқиб ўтирдим”. Мана, ҳикмат қаерда? Ота-онанинг ибрати, Отинча аянинг сабоқлари унга нурафшон олам эшикларини очди ва эсини таниб топган бу мўъжизаси уни юксакларга олиб чиқди. Мабодо ўшанда, шак-шубҳасиз,

ҳамроҳи китоб бўлмаганда таниқли шахс эмас, жамиятда бир бошоғрик пайдо бўларди. (Тадқиқотлар туғма қобилиятли болалар қулай муҳитга тушмай, ҳаётлари издан чиқса, улар бутунлай йўлдан чиқиб кетишини, хавfli жиноятчи бўлиб етишини тасдиқлаган).

Кунлар ўтиб борар, кундалик ҳам тўлишаётганди. “19 июль. Пайшанба. Обедда уйга келиб, чойни ичиб, Ойбекни қўлга олдим. “Темирчи Жўра”дан андак қолиб эди, уни тамомладим. Кейин “Бахтигул ва Соғиндиқ” (ни тугатиб), “Ҳамза” достонининг ярмига келдим...”. Таассуротлар шарҳи шу хилда давом этади. Қизиғи – уларда ўқилган китобларга муносабат ўзгача бир меҳр билан акланган. Адҳамбек Алимбековнинг қайд этишича, “Кундалик” ўн йил давомида кичик узилишлар билан давом этган. Уларнинг доимий машғулота айлантирмаганидан кейинчалик адиб афсусланган. Битиклар эса қишлоқ ҳаёти, одамлари, илк ижодий машқлар, матбуотдаги дастлабки чиқишлар, изланиш ва изтироблар – улғайиб бораётган бир инсоннинг борлиғи ҳақида сўзлайди. Ана шундай оламда яшаётган йигитга толеъ ҳам кулиб боқади: Москвага бориб ўқишга бошқаларда журъат етишмай турганда, бутун борлиғи билан нурли манзилларга интилган бўлажак ижодкор бу миннатни зиммасига олади. Уни 1960 йилда Адабиёт институтига ўқишга юборадилар. Ўзини яхши томондан кўрсатган Муҳаммад Али 1966 йилгача (бир йиллик танаффус билан) “қизил империя пойтахти”да қолиб кетади.

Биз бу шаҳарда адабиётимиз вакилларида Абдулла Қодирий, Ойбек (Ленинградда), Сайёрулат Файзуллаев – Сайёр, Озод Шарафиддинов, Пиримқул Қодиров, Пирмат Шермухаммедов, Ҳалима Худойбердиева ва кейинги авлод вакилларида 4-5 нафар киши таҳсил олганини билемиз. Рўйхатга разм солсак, ҳар бири ўз тақдирга эга ижодкорлар. Бироқ бир умумий жиҳат бор: уларнинг ҳеч бири “марказ”нинг қолипига тушмаган, юртига қайтган, ўз ҳаёт йўриғи ва турмуш тарзини ўзгартирмаган, балки шу жиҳатдан ҳам улар бутуниттифоқ аренасига чиқа олишмагандир. “Қолипга тушмаслик”нинг икки сабаби бўлиши мумкин: бизнинг миллий чўнг тарбиямизни олган кишиларга ўзга ақидалар таъсир этишга ожиз бўлган, яъни зирҳли қалқонни уларнинг найзалари тешиб ўта олмаган ва ёки буни уларнинг – ижодкорларнинг ўзлари хоҳламаган ёхуд бош тортган бўлиши эҳтимол. Шу ўринда ёдга яқин кўшниларимиздан Чингиз Айтматов ва Ўлжас Сулаймонов тушади. Улар ҳам Москва таълимини олишган эди... Яна бир, балки муҳим жиҳатни ҳам назарда тутиш лозимга ўхшайди: “марказ” жами ўлкаларнинг салоҳиятини яхши билган ва муомалани ҳам шунга яраша қилган. Жумладан, Ўзбекистоннинг қадимги тарихи уларга яхши маълум эди, буюк боболаримизнинг довуғи уларни ҳам лол қилган чиқар. Шу далиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон учун айрича бир муносабат йўналиши, алоҳида сиёсат ишлаб чиқилганми, дейман. Ана шундай ёндашувнинг касри ҳамон феъл-атворимизда бўй



кўрсатиб турибди... Қолаверса, бадий асарларга баҳо беришда (ҳатто оддий журналистик материалга ҳам) ўта эҳтиёткорлик, (сийсий) хушёрлик сезилиб туради. Бу нарса, очиги, ички кечинмаларни, фикрни тўла ва ошқор баён этишга монъелик қилмоқда, битикларнинг бир қолипга солиниши билан муаллиф дастхати йўқолиб, катта ижодкор шахслар пайдо бўлмаяпти. Фикрлар хилма-хиллиги, баҳс-мунозара йўқолиб бораяпти. Хуллас, ёш ижодкор Муҳаммад Али юксак салоҳиятли (шу дамларда бутун дунёни ҳайратга соладиган воқеа – инсоннинг космосга қадам қўйиши яқинлашаётган фурсатлар эди), шу билан бирга сирли ва оҳанраболи шахарга қадам қўяди. Бу аслида катта омад, Яратганнинг инояти эди. Ахир уммон қанча теран ва бепоён бўлса, унда жон сақлаш учун шунча қудрат лозим бўлади ва бу кучни уммоннинг довуллари, пўртаналари ато этади – катта курашларга, катта ҳаётга муҳитнинг ўзи тарбиялайди. Ҳақиқатан, Муҳаммад Алининг қаршисида бепоён уфқ очилган, энди бу ёғи ўзига боғлиқ эди. Адҳамбек Алимбеков ёзади: “Институтда жуда кўп адиб ва шоирлар сабоқ беришарди. Институтнинг ажойиб маънавий об-ҳавоси бор эди, дарсхонада, кутубхонада, ётоқхонада адабиёт, ижод, билим олиш, изланишлар ҳақида суҳбатлар, баҳслашувлар, тортишувлар кетарди. Албатта, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир учрашув, ҳар бир дарс ёш ижодкорлар салоҳиятини оширишга, ақлини чархлашга ёрдам беради”. Билим масканига дунёга машҳур ижодкорлар ташриф буюришар, улар билан ижодий учрашувлар ташкил қилинар, айримлари семинарлар ўтказарди. Аудиторияларда эса бутун империя худудидан чорланган истеъдодли ёшлар жамланганди. Хуллас, ўқиб-ўрганиш, истеъдодни тарбиялаш ва юзага чиқаришда беқиёс муҳит. Агар ҳаваскорнинг кичкина машқини тажрибали одамга кўрсатиб, унинг маслаҳатидан дунёқараши қанчалик ўзгарганини ёки кимдир тавсия қилган яхши китобни топиб олиб ўқишдан нечоғлик ҳузурланганини тасаввур қилсак, бундай ижодий муҳитни фақат орзу қилиш мумкин. Монографияда келтирилган

далиллар тасдиқлайдики, қаҳрамон олий ўқув юртида чанқоқлик билан билим олган, жуда кўп, аксарияти унча-бунча кутубхоналарда топилавермайдиган нодир китобларни мутулаа қилган (ўқилган асарлар рўйхати билан танишсак, талабага қанчалик улкан бахт насиб этганини ҳис қилиш мумкин). Албатта, ўқиш бошқа, уқиш бошқа (аммо Муҳаммад Алининг чинакамига ўқанлигини кейинги ижоди кўрсатиб турибди, адибнинг ҳар бир асари, ҳатто тўрт қатор шеъри ҳам фикрлилиги, далилларга бойлиги билан – айниқса, тарихий мавзудаги асарлари – бошқа ижодкорлардан ажралиб туради). Афсуски, муаммолар ҳам етарли эди: семинарларда ижод намуналари оригинал тилида эмас, сатрости таржима билан рус тилида муҳокама қилинарди. Таржиманинг сифати уни амалга оширган ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ, у барибир аслият билан тенг турмайди, сатрости ўгиришда эса асарнинг таровати, нафосати, экспрессив-эмоционал таъсирчанлиги бутунлай йўқолади. Бундай шароитда ижодкорнинг истеъдодига холис баҳо бериш қийин бўлади (биз юқорида эслатган баъзи қаламкашларнинг ютуғи уларнинг кейинчалик рус тилида ижод қилгани бўлса, ажаб эмас).

Нима бўлганда ҳам ўқиш-изланиш билан йиллар ўтди, талаба ҳар томонлама улғайди. “Кундалик” да шундай сатрлар бор экан: “1964 йил 14 январь. Сешанба. Соат 11 да Олжас Сулаймонов, Василий Белов, Александр Самошенколар учрашиб қолдик. Сўнг Олжас бир шиша ароқ олиб келди. Коридорда туриб, ҳаммамиз ичдик. Сўнг Васка Белов “Менинг бир вином бор”, дея хонасига олиб кетди. 180-хонада турарди. Винони ичдик. Сўнг қаҳва қайнатди. Бир-бир қаҳва ичдик. Сўнг теннис ўйнадик. Сўнг Самошенконинг хонасига кириб, чой ичмоқчи бўлдик. Чой ҳам ичдик. Шундай қилиб соат 6 бўлди”. Мана, талаба ёшлар, бўлажак юлдузлар турмуш тарзидан бир лавҳа. Суҳбатлар, эҳтирослар, тортишувлар – уларнинг ҳаммаси бўлажак Шахсинг феъл-атвори, умуман, шахсияти шаклланишида маълум, балки улардан ўтадиган таъсирлар бўлмаса, асосий роль ўйнайди. Гуруҳда 40-50

ёшли, ҳаётнинг баланд-пастини кўрган кишилар бўлиши билан бир қаторда, Муҳаммад Али энг ёши эди. Пўртанадек қайнаб турган иштиёқ, қуёш ҳарорати билан сингиган ғайрат, миллий дурдоналардан озукланган тарбия ёшдаги тафовутни йўққа чиқарар, баҳсларда у сўзини олдирмас эди. Ҳатто бир суҳбатнинг охирида ҳеч чорасизликдан томирини кесиб, сиёҳ қилиб шеър ёзган ватандошининг жасоратини ҳаяжонли ҳикоя қилиб, даврани лол қолдирган эди. Очиги, менсимай қарашлар, камситишлардан ҳам кўз юмиб бўлмасди. Ойбекнинг 60 йиллик юбилейида совриндор бир шоирнинг юртдошимизга беписанд “Муса Ташмурадавич...” деб мурожаат қилганида хафа бўлди, Л. Пеньковскийнинг Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини қисқартириб, айниқса, ошиқларнинг хатларини ташлаб таржима қилганини кўриб, дили оғриди. Бундай муносабатлар кишини мулоҳазакор, эҳтиёткор, ҳатто бир қадар кўрқоқ қилиб қўйиши ҳам мумкин эди, аммо Муҳаммад Али бой адабиётимиздан, халқимизнинг юксак маънавиятидан куч олди, таҳсилни муваффақиятли тугаллаб, қувонч билан юртига қайтди. Ўша йилларда орттирилган сабоқлар ва кўникмалар катта ҳаётда бўй-басти билан намоён бўлди...

Монографияда бу воқеалар бир томондан тафсилотларни шавқ билан ҳикоя қилиш, шу аснода кундалиқдан жоиз ўринларда кўчирмалар келтириш билан шундай моҳирона ифодааланганки, уни бир вақтнинг ўзида салмоқли тадқиқот ва тенг равишда қизиқарли бадий асар сифатида мутулаа қиласиз. Шу ўринларда Адҳамбек Алимбековнинг ҳам олим, ҳам ёзувчи сифатидаги иқтидори вобаста, жўровоз бўлиб кетганга ўхшайди.

Таҳсилни муваффақиятли тугаллаган адиб улкан иштиёқ билан юртига ошиқади. Ҳар ҳолда уни мушт билан кутиб олишмади. Шунингдек, йўлига баҳмал поёндоз ҳам тўшалмаган эди. “Муҳаммад Али Тошкентга келгандан кейин унинг ижодида юксалишлар юз берди, – деб ёзади А.Алимбеков. – Бунга, биринчидан, узоқ айрилиқлардан кейин қайтгани сабаб бўлса, иккинчиси, устозлар билан бўлган қизғин мулоқотлар

қуриши эди”. Ёзувчи дастлаб “Шарқ юлдузи” журналида фаолият кўрсатади. Кейин Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига ишга қабул қилинади. У бу ерда оддий муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир лавозимларида ўн саккиз йил меҳнат қилади. Бу йиллар Муҳаммад Али учун изланиш, шаклланиш, ниҳоят, ўз йўлини, овозини кашф этиш онлари бўлганки, булар ҳақида Адҳамбек Алимбеков аниқ мисоллар, қиёслар, далиллар орқали қизиқарли ҳикоя қилади, улғайиш босқичларини атрофлича таҳлил қилиб кўрсатади. Ёш ижодкор учун устозлар ибрати, уларнинг қўллаб-қувватлаши мадад бўлади. Айниқса, тақдир тақозоси билан қўшни бўлиб қолган ёш ижодкорларнинг дўсти, ҳассос шоир Миртемир дастлабки ютуқларини эътироф этиб, сидқидилдан қўллаб-қувватлайди. Олим ва шоир Мақсуд Шайхзода эса ундаги салоҳиятни илғаб, юксак парвозларга дадил ундайди.

Рус адабиёти, унинг воситасида жаҳон бадиияти дурдоналари билан танишган Муҳаммад Алидаги “ижодга қараш, ижод эстетикасини англаш ва уни ўзининг жонажон адабиётига муқояса қилиб, ўзбек адабиётидаги аҳволни жаҳон адабиёти, рус ва қардош адабиётлар кўзгусига солиб кўриб, албатта, кўнглида қониқиш топмаган пайтлари бўлгани аён” (А.Алимбеков). Олим давом этиб ёзади: “Унинг назарида, даставвал ўзбек шеъриятида қандайдир бир сокинлик бордай туюлди. Бу сокинлик аввалдан бошланиб келаётган бирхилликдан, гўёки аруз ёки бармоқ вазнидан туғиладиганга ўхшарди”. Ана шундай бир томондан шаклланган муҳит таъсири, иккинчи томондан унга янги нафас олиб кириш истаги билан яшаётган шоир 1968 йилда “Баҳор келганда” шеърини эълон қилади. Шеърда бир “иддао” – маълум, аммо айтиб бўлмайдиган шонли тарихнинг эпкинлари уфуриб турар эди. Москвадаги кутубхоналардан буюк боболаримиз тарихини хўп ва кўп ўқиган шоир булар ҳақида очиқ ёзиб бўлмаслигидан мутаассир бўлар, ана шу исёнини пардали ибораларга, англаш қийин бўлган метафораларга ўраб ифодалар эди. “Чўлпон шеърияти оҳанглари шундоққина

сезилиб турган” (шоирнинг ўз эътирофи) бундай шеърлардаги ботиний мазмун авомга етиб бормас, бундан ўзи хижолат бўларди. Юрагида эса жонажон тарихга муҳаббат жўш урар, у тинчлик бермасди. Шундан кейин “Спитамен” туркумидаги шеърларни, тарихий мавзудаги “Гумбаздаги нур”, “Машраб” дostonларини, кейинчалик “Боқий дунё” шеърый романини яратди. Умуман, Муҳаммад Али келажакда бу мавзуга ўз истеъдодини сафарбар қилди ва миллий адабиётда тарихнавис ёзувчи сифатида ном қозонди.

Монографияда олим адиб ижодини таҳлил қилар экан, асарларининг жанр хусусиятларига ва истеъдодининг намоён бўлиш тадрижига алоҳида эътибор беради. “Муҳаммад Алининг серқирра ижоди таҳлилига ўтишдан олдин ундаги жанрлар тавсифи ҳақида қисқача тўхталмоқ лозим”, деб бошланади шоир шеъриятига бағишланган салмоқли қисм. Ҳақиқатан, шеърият Муҳаммад Али ижодий қисматининг алифбоси бўлди, у мазкур қадимий ва боқий жанрда илк машқларини тизиб, адабий жамоатчиликнинг назарига тушди. “Адибнинг ижод диапазони кенг, – деб давом этади муаллиф. – Унда шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, фардлар, рубойлар, қитъалар, тўртликлар, сонет, болаларга аталган шеърлар, шеърый туркумлар, дostonлар, шеърый роман, ҳикоялар, тарихий романлар, пьесалар, очерклар, эсселар, публицистик ва адабий мақолалар, суҳбатлар, таржималар... бор”.

Москвадаги таҳсил Муҳаммад Алининг шеъриятда, умуман, адабиётда ўз “мен”ини тайин этишида бош омил бўлган. Монографияда шоирнинг ижодий тадрижи таҳлил қилинар экан, бу йўлнинг кескин қайрилишлари, чорраҳалари, силлиқ трассалари юзасидан жўяли фикрлар ўртага ташланади. “У вақтларда жаҳон маънавий тафаккурида бутун дунёни бир макон сифатида кўриш ёки бутун инсониятни бир оила сифатида ҳис этиш каби қарашлар бор эди ва Муҳаммад Али ижодида ҳам буни кузатиш мумкин”, дейилади монографияда. Мана шундай кайфият билан ёзилган машқларга баҳо берар экан,

муаллиф давом этиб ёзади: “Шеърлар гуманистик гоёнинг бадиий ифодасидек туюлса-да, анчагина саёз бўлганидан кўнглидагидек чиқмади. Шоирга ҳам билим ва тажриба етишмаслиги билинди. Адабиётнинг мангулик мавзулари бўлган ўлим билан ҳаёт, оқ билан қора, ёвузлик ва эзгулик, шодлик ва қайғулар ҳақида ёзилган шеърлар, афсуски, айрим ҳолларда қуруқ гоёбозликдан нарига ўтолмади, узундан узоқ тизмалар, ҳиссиз сатрлар вужудга келди, шеърлар ўтакетган “ақлли шеърият”га айланиб қолди”. Албатта, бундай ҳол босиб ўтилиши лозим бўлган босқич эди. Ана шундай жараёнда ижодкордаги табиий истеъдод ўз кучини кўрсатади, у ё тақлид дунёсида қолиб кетади, ё ўзлигини кашф этади. Тадқиқотда тўғри таъкидланганидек, шоиримизда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд эди ва ўқиш-ўрганиш, изланиш орқали унда янги уфқлар очила борди. Монографияда бу борада икки асосга таянилгани кўрсатилади. Биринчи ва асосийси миллий мумтоз адабиётимизнинг боқий анъаналари ва тенгдошларнинг изланишлари. Бўлажак шоир ўша йиллари ҳазрат Навоий ижодини ўрганишга алоҳида рағбат кўрсатган, даҳо шоирнинг муваффақиятлари сирларини инкишоф қилишга уринган. Унинг талабалик дафтарлари орасида Алишер Навоийнинг ўнга яқин шеърларининг ўзи амалга оширган насрий баёни учрайди. Бу уриниш ҳам теран хазинадан баҳра олишга интилишнинг бир унсури эди. Камолотнинг иккинчи асоси эса “шоирнинг ўз ижодига танлаган классик йўли – классиклар ижодини таржима қилиб, ўрганиш йўли бўлди, деб бемалол айта оламиз” (А.Алимбеков). Шунингдек, катта адабиётга қадам қўйишнинг илк паллаларида ҳаракатда бўлган ижодий жараён ҳам ёш шоирнинг кейинги тақдирига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Ўша йиллари ўз анъаналарига эга бўлган миллий шеъриятимизда кўп-кўп ёшлар ўз сўзини айтишга дадил киришгани, ҳатто уларнинг дастлабки тажрибалари жамоатчиликни хушёр торттириб қўйганини инобатга олсак, ўтган асрнинг 60-йилларида “бу майдон ичра турмоқ” осон бўлмаганини тушуниш мумкин. Албатта, мазкур

мавзу чуқур тадқиқотларга асос бўлади. Бу ўринда эса бир далилни қайд этиш билан масалага ойдинлик киритишни истаймиз: ҳали “қизил империя” от устида турганида марказ 80-йилларнинг охирларида замонавий ўзбек шеърятининг аҳволига баҳо бериш учун энг яхши шоирлар ижодини таҳлил қилишни хоҳлаб қолади. Шунда республика адабий жамоатчилиги уч шоир: Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Али шеърятни намуналарини тақдим этишни лойиқ кўради. Албатта, бу ўринда тасодиф бўлмаган, М.Алининг шеърый ижоди муносиб эътироф этилганди, чамаси.

“Спитамен”, “Қадимги қўшиқлар”, “Армон” туркумидаги тарихий мавзудаги шеърлар, дostonлар йўли, ниҳоят, “Боқий дунё” шеърый романининг дунёга келишини таъминлади. “Боқий дунё” халқимизнинг ўз-ўзини англаш жараёнларини ёритишга бағишланган асардир, – деб ёзади А.Алимбеков. – Муҳаммад Али роман устида 1969-70 йиллар давомида ўн йил меҳнат қилди”. Монографияда асарнинг архитектурони, бадиий ва ғоявий фазилатлари, адабиётдаги мавқеи чуқур таҳлил қилинган. “Сукунат”, “Шабда”, “Бўрон” сингари уч қисмдан иборат романда халқимизнинг кейинги асрдаги озодликка бўлган қатъий интилиши Андижонда рўй берган Дукчи эшон, Жиззах кўзғолони ва Тошкентда содир этилган сиёсий тўнтариш воқеаларининг лиро-эпик аспектдаги бадиий ифодаси орқали моҳирона акс эттирилган. Тадқиқотда қайд қилинганидек, “Адабиётимизда ўзига хос ўринни эгаллаган “Боқий дунё” шеърый романи кенг кўламли шеърый полотно сифатида шеърый роман ривожига қувват берган асар сифатида қадридир. Бу асар ҳақида келажакда алоҳида тадқиқотлар ёзилиши шубҳасиз”.

Адиб кейинги йилларда яна бир жиддий ижодий “кескин қайрилиш”ни бошдан кечирди. Шеърятда кўламдорлик, туйғуларини воқеалар орқали акс эттиришга интилиш, дostonлардан сўнг мураккаб сюжетда шеърый асар яратгани унда воқеликни эпик планда тасвирлаш истеъдоди борлигини кўрсатарди. Буни ўз вақтида сезган таниқли адабиётшунос

олим, академик Матёқуб Қўшжонов Муҳаммад Алини прозада ўз кучини синаб кўришга ундайди. “1981 йилда Матёқуб Қўшжонов, – деб ёзади А. Алимбеков, – янги чиққан “Ижод масъулияти” китобини Муҳаммад Алига топширар экан, “Бизлар ҳам фикр билдиришимиз мумкин бўлган прозага ўтишингизни истаб” қабилади дастхат ёзиб беради. Нега устоз шоир, таржимонга бундай сўзларни ёзди экан, деб ўйлаб қолади киши. Эҳтимол, шоир шеърларидаги кенг кўламликка интилишини кўриб, олим шундай тилак билдиргандир?” Кундалигида эса 1956 йил 29 ноябрь куни “Раҳмат” деган хикоя ёзган эдим. Ҳозир шуни беловойга кўчираман” тарзида қайд қилиб қўйган экан. Йўл бошидаги бу эътироф ҳам келажакда ижодкорнинг икки жанрда барабар қалам тебратишига ишора бўлгандир, дейди Адҳамбек Алимбеков.

“Боқий дунё” шеърый романи ёзиб, маълум тажриба тўплаган шоир роман ёзиш иштиёқида сарбадорлар даврига оид тарихий ҳужжатларни ўргана бошлайди. Унда XIV асрда бўлиб ўтган бу ҳаракатга жиддий қизиқиш пайдо бўлганди. Ҳатто “Машраб” дostonининг дастлабки номи “Сарбадор” бўлган. Сабзавор шаҳрида бошланган оддий одамлар ҳаракати қайсидир жиҳатлари билан ҳукмрон мафкура қарашларига мос келарди. Шу туфайли адибнинг саъй-ҳаракатларига ортиқча шубҳа билан қарашмади. Барибир асарда ёзувчининг эстетик кредоси – халқимизнинг эрк ва озодлик истагидаги ҳаракатлари биринчи ўринга қўйилди, романнинг марказида давлатни мустақил бошқариш ғояси ётади. Монографияда бош мақсадни сир тутиш мақсадида адиб қўллаган бадиий усуллар, асарларнинг ўзига хослиги, наср жанридаги ютуқлари атрофлича таҳлил қилинади. Унда Амир Темур образининг киритилиши, биринчилардан бўлиб бобокалонимизга хайрихоҳлик билдирилиши эса ўзига хос журъат эди.

Истиқлолимиз куч олиб, тўлишаётган йилларда “Улуғ салтанат”нинг биринчи китоби ўқувчилар кўлига теги. Ўн йиллик қизгин ижодий меҳнат ва изланиш-изтироблар маҳсули сифатида тўрт китобдан иборат

эпопея дунёга келди. “Эпопеянинг муваффақиятли чиқишидаги асосий сабаблардан бири – мавзунини ёритиш ёзувчи учун маънавий заруриятга айлангани, ёзмаса чидолмаслик даражасига етганида”, дея таъкидланган монографияда.

Тадқиқотда халқ ёзувчисининг таржимонлик, публицистлик фаолияти ҳам атрофлича таҳлил қилинади. У услуби ўзига хос мураккаб, тасвир объекти ва ифода усули бизнинг менталитетимизга тўғри келавермайдиган Роберт Бёрнснинг шеърларини ўзбекчалаштириб, тилимизнинг янги имкониятларини намоён этган бўлса, мураккаб руҳий изтироблар тасвирига бағишланган Байроннинг “Шиллон тутқуни” поэмаси таржимаси орқали луғат бойлигимиз ҳар қандай нозик ҳолатни ҳам ингичка ифодалашга қодирлигини амалда исботлади. Етти китобдан иборат ҳинд эпоси “Рамаяна” таржимаси эса ҳар қандай ижодкор таржимаи ҳолини безайдиган воқеа бўлгани рост. Публицист Муҳаммад Алининг 1988 йилда ёзилган “Ўз-ўзингни англаб ет” эссеси дунёни айланиб чиқди, яъни кўплаб тилларга таржима қилинди...

Адҳамбек Алимбеков китобининг “Кириш”ида адабиётимиз тарихида йирик ижодкорлар ҳақида махсус тадқиқотлар – монографиялар ёзиш аънанаси борлигини, бундай асарлар адабиётшунослигимиз тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлайди. “Бугунги кунда катта талант соҳиблари бўлган адибларимиз етмишга бориб қолсалар ҳам, негадир монографиялар жуда кам”, дея таассуф билдиради олим. Бир пайтлар атоқли адиб Асқад Мухтор ҳам “Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ёзувчи ҳақида эса... Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади, фарзандидай унда туғилади, улғаяди, камол топади, у фарзандини авайлайди, ҳимоя қилади. Унинг бу ғайритабиий сadoқати... ҳеч кимни қизиқтирмайди” деб ранжиган эканлар (бу ҳолнинг сабаблари ҳақида юқорида бир оз мулоҳаза юритдик чамамда). “Юлдузнинг беш қирраси” китоби ана шу бўшлиқни тўлдиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

# Ишқини билан

Ҳикоя



Абдуҷалол РАҲИМОВ

Дилоромнинг ботини яшин урган дарахтдек куйиб кетди. Бу азоб суймаганига эрга бермоқчи бўлишганида бошланган, ҳамон ичу таши ёнади. Ўша кундан мунгли кўзлари ёшга тўлиб юрди. Нигоҳини одамлардан олиб қочиб ўрганиди, аммо ихтиёрсиз ҳаракатлари юрагида ловуллаб турган оловни ошкор қилиб қўяётгандек бўлаверди.

Тўй ҳамширалик коллежини битириши арафасида бўлди. Қўл-оёғини боғлаудек қилиб кўшни қишлоқлик Зафар деган йигитга эрга беришди. Онасига зор-зор йиғлаб дардини айтди: “Умар акамни яхши кўраман, у коллежимизда боғбон”, деди. Тўтиниса опа тушунгандек бўлганди. Отаси қаҳр билан гапни кесди: “Қизингни ўқишга юборганман, йигит топишгамас!”. Отасининг гапи уйда қонун. Унга ҳеч ким қарши боролмади.

Тўй ўтганига бир ҳафта бўлди. Зафар – унинг эри, тўй арафасида учрашганларида яхши кўришини айтган. Дилором ҳам унга ўрганиб қолгандек эди. Кеча уйларида, отасининг кўргани борганида дарди қайта янгиланди. Уйда ўзининг хонасига кириб қайта дунёга келгандек бўлди: китоблари, қизлик кийимлари беғубор кунларини ёдига солди. Ҳаммадан яшириб юрган оташ туйғулари яна ловуллаб ёнди.

Роҳатбахш онлар аримаслигини истаб кўзларини юмди. Бир томчи қайноқ ёш ёноғига юмалади. Бошини кўтариб, кўзини очганида ширин хотиралари вақт пучмоқларига сингиб кетди... Лекин мудом рўёга қайтмоқ бор... Энди тақдирдан қочолмайди...

Дилором хона ўртасида тик турганича кўзини очди. Нигоҳи кичик жавон устидаги оқ-кўнғир айиқчага қадалди: бу айиқчани Умар акаси туғилган кунда совға қилган. У айиқчани олиб, бегоналар кўриб қоладигандек кўрқа-писа атрофига аланглаб, бағрига босди. Момиқ юнгига юзини қўйиб, Умар акаси билан охири учрашган кунларини эслади.

...Дилором коллежга йўловчи автобусда қатнарди. Бугун жуда эрта келди. Коллежнинг кенг йўлагидан юриб бораётганида чап тарафда шитирлаган овоз эшитилди. Чўчиб ўша томонга қаради. Наъматакзорда тоққайчи ушлаган бўйдор, буғдойранг, қотма йигит, коллежларининг боғбони – Умар акаси турарди.

– Дилор, буёққа қара, – деди у ёқимли жилмайиб.

– Йўқ.

– Бир зумгина.

– Биров кўрса уят бўлади.

– Бир зум дедим-ку?

Дилором атрофга аланглай-аланглай Умар акаси томон бурилди.

Кўкламда бошлиқлар боғбонга наъматакзорни йўқотишни буюришганди. Умар гулга кирган буталарга ачинди. Қўлига қўлқоп кийиб, болта, тоққайчи билан бир ҳафта ишлади. Тиканли буталарни чилпиб, кўрғон шаклига келтирди. Оқ, пушти гулларга бурканган яшил кўрғоннинг кириш, чиқиш “эшик”лари ҳам бор эди. Бу ажойиботни кўрган бошлиқлар важдатларидан тушишди. Шундан буён Умар наъматакзорини меҳр билан парваришлайди. Доира шаклидаги яшил кўрғоннинг ўртасидаги майдон ажриқ билан қопланган. Умарни кўпда шу ердан топиш мумкин эди.

Дилором қисиниб-қимтиниб Умар акасига яқинлашди. У қизни наъматакзорнинг ичкарасига бошлади.

– Бугун қандай кун, биласанми? – деди эркаловчи овозда.

– Йўқ.

– Туғилган кунинг, ўн саккизга тўлдинг.

– Вой, сиз ҳам биласизми?!

– Сен ҳақингда ҳамма нарсани биламан, сени яхши кўраман!

– Уят!

– Нимаси уят, яхши кўриш уятми? Коллежни битирипсан, барибир сенга уйланаман. Фақат...

– Нима?!

– Уйингдагилар беришармикин? Отам раис бўлган, дегандинг. Биз

онам билан ёлғиз яшаймиз, отам ҳам ўтиб кетган, – Умар бироз жимиб қолди. – Мен оддий боғбон бўлсам, бўш пайтимда устачилик қиламан. Сен буларни биласан...

– Барибир яхшисиз.

– Ростданми?!

– Ростим.

– Кел, битта ўпай!

– Вой! – Дилором ўзини орқага олди.

– Тўхта, Дилором, сенга совғам бор.

Юриб бораётган Дилором ўгирилди. Умар ўтлоқнинг бир четидан катта селлофан олиб узатди:

– Бу туғилган кунингга совға.

Дилором селлофанни очиб, қувончдан қийқириб юборди:

– Вой, айиқча-ку!

– Айиқча.

Дилором оқ-қўнғир айиқчани селлофандан чиқариб маҳкам қучоқлаб олди. Момик юнгли айиқчанинг тўши, елкаси қўнғир, қолган жойлари оппоқ эди.

– Бу – мен, – деди Умар айиқчанинг қўнғир елкасини дағал кафти билан силай туриб, – бу эса сен, – айиқчанинг оппоқ бошига қўлини қўйди.

– Нега? – Дилором кўзларини пирпиратиб унга қаради.

– Мени қара, қоравойман, ойим эркалатиб шундай дейдилар. Сен бўлса оппоққинасан.

Дилором уялиб кўзини олиб қочди.

– Мени унутмайсанми, Дилор?

– Унуттолмайман.

– Озгина сабр қил, яна бироз йиғинай, оймни уйингларга юбораман. Кутасан-а?

– Кутаман...

Аммо, у қутолмади, кутгани қўйишмади, қаршилиқ кўрсатгани кучи етмади... Ҳозир Дилором шуларни эслаб айиқчани янаям қаттиқ қучоқлади.

Хонасидан оқ-қўнғир айиқчани кўтариб чиққанида эри Зафар ҳайрон бўлди.

– Меники... дугоналарим совға қилишган, – деди хомуш бўлиб қолган Дилором. – Олиб кетамиз.

Уйларига қайтганларида ҳам

Дилоромнинг чеҳраси очилмаганди. Қайнонаси Хадича хола буни туғилган уйининг хуморига йўйиб индамади. Қайнотаси Эркин ака келинга аizza-базада эътибор берарвермасди.

Ётаётганларида Дилором ўзига алоҳида жой солди. Эри ажабланиб қараганди:

– Касалман, – деди. – Эрталаб дипломимни олиб келгани бораман.

Зафар, шундай бўлиши керакдир-да, деган хулоса чиқарди, индамади. Дилором тунда тинч ухломмади. Айиқча юрагидаги қулга қўймоқчи бўлган чўғни алангалатиб юборганди. Умар акасининг бўй-басти кўз ўнгидан кетмади. Туш кўрди: Умар акаси уни наъматақзорига чақирармиш. Дилором у томонга талпинармиш-у, оёғига тош боғлангандек сира жойидан жилмасмиш. Қўрққанидан овози ҳам чиқмай қолибди. Умар акасининг ўзи у томонга юра бошлади, аммо сира етиб келолмади...

Дилором шу алфозда тунни бир амаллаб ўтказди, ўрнидан туриб ҳовлига чиқди, юз-қўлини ювиб яна уйга кирди. Эри Зафар тинчгина ухлаб ётарди. У оқ-қўнғир айиқчани маҳкам қучоқлаб дарвозадан чиқиб кетди.

\* \* \*

Эркин ака – паст бўйли, суяги йўғон бу кишининг ёши олтмишга яқинлаган бўлсаям уззукун тинмайди. Эрта саҳарда эски “Жигули”сида кирага чиқиб кетганди. Кун ёйилганда аччиқ кўк чойини қўмсаб уйига келди. Ҳовли жимжит. Сепояга осилган сузма халтадан томаётган зардоб сувнинг “чак-чак” товуши эшитилди. Айвонда Хадича хола ҳамир қорарди.

– Келин қани? – сўради дабдурустан Эркин ака.

Хадича хола, одатда, нафақат келин, уй-ичиларининг ҳам қаерга боргани билан иши бўлмайдиган эрининг сўроғидан ажабланди.

– Қаерда бўларди, уйда, ҳали тургани йўқ, ухлаяпти, майли ухласин, ёш-да, – Хадича хола келинига ён босди. – Ҳамир қориш ҳам иш эканми, ўзимдан ортмайди. Зафар

ўғлингиз бўлса чой ҳам ичмасдан ишига кетибди.

Эркин ака хотинининг жаврашларига эътибор бермасдан, айвоннинг бир четига келиб ўтирди:

– Келинни уйдан ёлғиз чиқарма...

Бугун эрталаб ёшгина бир келинни машина уриб юборибди.

– Вой ўлай, тирикми?! – Хадича хола кўзини ола-кула қилиб лабини тишлади.

– Тирик дейишди. Касалхонага олиб кетишганмиш.

– Ҳозирги ёшлар хаёл билан юришадимми-ей...

– Кир, келинингни уйғот.

– Нега?

– Қара, кун пешинга яқинлашяпти, билла ўтириб чой ичайлик.

Хадича хола сирланган гулдор хитойи тоғорада қорган хамирини дастурхонга ўради, тоза кўрпачанинг қатига олди. Ўрнидан туриб, “Дилором-хо-он, хо-о Дилоромхо-он”, деганича келиннинг уйига кириб кетди. Бир дам ўтмай айвонга қараган икки тавақали эшик тарақлаб очилди. Остонада рўмоли елкасига тушиб, ранги қув ўчган Хадича хола кўринди:

– Вой ўлай-й, келин йўқ!

Ҳамон айвон четида оёғини осилтириб муваққат ўтирган Эркин ака гавдасига ярашмаган чаққонлик билан сапчиб ўрнидан турди:

– Нега?!

– Мен қайдан билай...

Эр-хотиннинг ораларидаги масофа узайиб кетгандек бўлди. Хадича хола ҳам, Эркин ака ҳам бир фурсат жимиб қолишди. Хадича холанинг юраги хонага қамалиб қолган қушдек питирларди. Эркин ака – тик турганича ёўлабирдай гавдаси қотиб қолган, ҳозир унинг хаёли минг бир ваҳимали кўчаларга кириб чиқаётганди. Шу пайт дарвоза очилиб, Зафар кирди. Эркин ака билан Хадича хола ялт этиб унга қарашди. Зафар бир-бирига рўпара икки уйнинг айвонида бир аҳволда турган дадаси билан аясига қаради-да, секин юриб келиб ҳовлининг ўртасида туриб олди:

– Дилоромни машина уриб кетибди, – деди ўзиникига ўхшамаган палағда овозда.

– А-а?! – Хадича хола кўрсаткич



бармоғини тишлади.

Эркин ака ўзи турган айвоннинг устунига суяниб қолди:

– Қачон чиқиб кетганди, нега?!

– Саҳарда, дипломини олиб келмоқчи эди.

– Тирикми?! – Хадича хола остонадан югургилаб тушиб, ўғлининг олдига келиб олди.

– Тирик.

– Нима қилибди?!

– Мени ишхонамдан касалхонага қақиртиришди, – Зафар дудуқланиб тушунтира бошлади. – Борсам...

– Нима-а?! – Эркин ака бақириб юборди. – Мижғовланмасдан гапир!

– Мияси чайқалибди, ўнг қўлидаги бармоқларини кесиб ташлашибди, – алам билан бақирди Зафар.

– Кирдингми? – Эркин ака бунга ўғли айбдордек ўдағайлаб, важоҳат билан унинг олдига келди.

– Йўқ! – Зафар отасига тик қаради. – Кирмадим!

– Нега?

– Менга инвалид хотин керакмас! Ўртоқларим нима дейишади, уларнинг олдига қандай бош кўтариб юраман, дада?!

– Вой шўрим-м, – Хадича хола юзини қўллари билан беркитиб чўк тушиб ўтириб олди. – Энди нима бўлади, қудаларни олдига...

\* \* \*

Касалхонанинг нимқоронғи йўлагида икки аёл гаплашиб туришарди.

– Мени кечиринг куда, – деди Хадича хола кўзига ёш олиб. – Қизингизни асролмадим.

Ундан ёшроғи – Тўтиниса опа

бошини чайқади:

– Сизда айб йўқ.

Қизимнинг пешанаси шўр экан.

– Ундай деманг, ўргилай, ҳали яхши бўлиб кетади.

– Жони омон қолганига шуқ.

– Ўғлим, Зафар...

– Ҳаммасини эшитдим, тақдир шундай экан, сизларни ҳам айбламайман... Ҳамма айб ўзимда.

Хадича хола қудасининг бу гапига тушунолмаб, тикилиб қолди. Орага совуқ сукунат чўқди.

– Мен ўғлим билан гаплашаман, – Хадича хола бу гапни пичирлаб айтди.

– Кераги йўқ, қийнаманг ўғли-нгизни.

Хадича хола жавоб қилмади, бошини эгиб, эшик томонга юриб кета бошлади. Йўлакда бўйдор, қотма бир йигитга урилиб кетишига бир баҳя қолди. Йигит ўзини четга олиб, йўл берди. Шошиб Тўтиниса опанинг олдига келди. Бошини эгиб, бироз жим турди. Тўтиниса опа Дилором ётган хонага ишора қилди:

– Кириг, ўғлим.

Йигит шошилиб эшикни очди. Ўринда ётган Дилором ялт этиб қаради:

– Умар ака!

– Мен келдим, Дилором!

Дилором аввал суюниб кетди, кейин кўзларини чирт юмди:

– Эндими? Энди... кеч, – Дилоромнинг ёноғига ёш оқиб тушди.

Йигит икки қўлини кўксига қўйганича унга яқинлашди:

– Сендан бошқа кимим бор, Дилором, биласанми жоним, кимим бор... Онам, ёлғизгина онажоним бор. Сен бўлсанг, сен қўнғироқларимга жавоб бермай қўйдинг. Тўйингни эшитганимда адои тамом бўлдим, Дилором! Уйингга келмоқчи, сени олиб кетмоқчи эдим. Онам, онажоним остонага ётиб олдилар, “сенга бир нарса бўлса,

ўзимни ўлдираман”, дедилар. Мен бошимни деворларга уриб ўқирдим, Дилором, йиғламадим, овозим осмонларга етиб борди. Сен эшитмадингми, Дилором?! Тунда изларинг қолган наъматакзорга бориб ётдим. Ажриқзорни муштлаб “дод” дедим, Дилором, оҳларимни эшитмадингми?! Энди сени ташлаб кетмайман, кетолмайман. Менга бошқа ҳаёт йўқ, Дилором, тушуняпсанми, ҳаёт йўқ... Қара, айиқчамиз ҳам шу ерда экан... Сен... унутмабсан-да!

– Қандай унутаи, Умар ака, унутиш мумкинми? – Дилором пиқиллаб йиғлай бошлади. – Айиқчамни кучоқлаб уйдан чиқдим... Коллежга бормоқчи, сизни кўрмоқчи эдим... Йўлда машина уриб юборди... Бу қандай бўлганини билмайман, хаёл билан кетаётгандим. Касалхонада ўзимга келдим. Ҳамшира айтиб берди, айиқча туфайли тирик қолибман. Бўлмаса бошим мажақланиб кетаркан... Энди бармоқларим йўқ, эшитяпсизми, Умар ака, ногиронман! Энди уларга керакмасман, у келмади, ҳеч кимга керакмасман.

– Сен менга кераксан, Дилором!

– Сизга муносибмасман, қандай, ахир..., – Дилором йиғлаб юборди. – Ногиронман мен, Умар ака!

– Мен сенга бармоқларимни бераман!

Дилором бошини чайқаб тескари қараб олди.

– Ишқинг билан адо бўлдим, Дилором, менга бир қара!

Дилором секин бошини у томонга бурди. Жилмайди.

– Сиз ўша-ўшасиз, фақат озибсиз, кўзларингиз... мунча чиройли!

– Улар сени кўриш учун яралган.

– Шунақамисиз?

– Сенсиз яшолмайман, энди меникисан!

– Шу аҳволда-я? – Дилором бу гапни оҳиста, хотиржам айтди.

– Ҳа!

Хонага Тўтиниса опа кириб келди.

– Ойи, бу киши Умар акам, – деди Дилором.

Тўтиниса опа индамади.



**Меҳмон ИСЛОМҚУЛОВ**

### *Куркага қирон келди*

Одам боласи борки, нимагадир орзуманд бўлиб яшайди. Кимдир орзусига етади, кимдир етолмай армонда кетади. Қорабулоқлик Шодикул шапшак зиғирдайлигидан амалга ўч эди. Бирон мартабага эришиш учун ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр турарди. Мактабда ўқиши ёмон эди, лекин синф раҳбарининг сигирига ўт ўриб, тариғини чумчуқдан кўриб бериб синфком бўлди. Армияга борганда, уйдагилар юборган майиз, туршакларни командирнинг уйига ташиб, ефрейтор унвонига эришди.

Ҳарбийдан генералдай гердайиб қайтган ефрейтор Шодикулга қишлоқда табелчилик ҳам тегмади. Бечоранинг бир йилдаёқ ранги кетиб, қадди букчайди. Энди у одамларнинг тўғри гапигаям терс муомала қиладиган бўлгач, “Шапшак” деган лақабни орттирди.

Аммо йигит кишига эртами-кечми омад бир кулиб боқади, деганларидай, Шодикул улфатларининг кўнглини топиб, уларга жўрабоши бўлиб олди. Одамнинг кўнгли кўтарилса, бўйи ҳам кўтарилар экан. Ана шундан кейин унинг синиққан рангига қон югуриб, қадди ростланиб, жўхори еган хўроздай гердайиб юрадиган, зиёфатнинг тўрида ўтириб, ақл

ўргатадиган, алмойи-алжойи гаплари билан йигитларнинг энсасини қотирадиган бўлди. Аввалига улфатлар жўрабошининг обияти қочган қуруқ гапларидан кулиб юришди. Шодикул бўлса, ўзининг мартабасига кўникиб, жўрабошилиқ завқини сура бошлаганида унинг ишонган синфдош-қадрдони Каримкул, кутилмаганда галва кўтариб, аталадан суюк чиқарди.

– Йигитлар, давай, Шодикул ефрейтордан бошқа бутунроқ одамни жўрабоши қилайлик! – деди у навбатдаги гапда томдан тараша тушгандай қилиб.

Шодикул дастурхондаги таомга қўл чўзганча, Каримкулга қараб ангайиб қолди. Улфатлар ҳам, аввалдан пухта ўйланган режага асосан, Каримкулнинг гапини илиб кетишди:

– Эшитган қулоққа ҳам яхсимас-да! – деди Маннот пирча, тақсимчадаги норинни чимдиб, оғзига олиб борар экан, – орамизда шунча лейтенант-у сержантлар бўла туриб, ефрейторнинг командаси билан ўтириб туряпмиз!

– Бошда шуни ўйламабмиз! – деди гапни болтада чопгандай шарт-шурт гапирадиган Мирза қассоб. – Аввал ўтган битта васвас ефрейтор дунёнинг шўрини қуритай деганди, буниси улфатнинг шўрини қуритмоқчи.


– Мени фикримча, – алломаланди Каримкул, – Қорабулоқнинг қаймоғи бўлган биздай бутун йигитларнинг жўрабошиси ҳам бутун, қўли ҳам, даструхони ҳам очиқ бўлсин, вақти-бемаҳал уйда зиёфат уюштириб турсин! Ё гапим нотўғрими?!

– Жа-а-а тўғри гапирдинг, – деди Олмош ювош оғзининг таноби қочиб. – Асобинна зиёфатни яхши айтдинг. Тош эрийди – Шодикул, эримайди! Юзта курка боқади – улфат учун биттасини сўйиб, қозонга босишни билмайди!

– Орамизда курка боқмасаям – курка сўяман деганлар йўғамас! – деди Каримкул асосий мақсадга кўчиб. – Масалан, лишна ман, ким







либ сайлардим. Хўш, бу ишни ким қойиллатади?

Келишувга кўра, ҳеч ким чурк этмади. Норин еётганлар зимдан Шодиқулнинг ҳолатини кузатишарди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, оқдуволдай гезариб ўтирган Шодиқулга жиндай жон кириб:

– Агар шу ишни ўзим қилсам, жўрабошилиқда қоламанми? – деди фингшиқ овозда.

– Буни кўпчилик ҳал қилсин, – деди Каримқул ўзини бепарво кўрсатиб. – Улфатлар нима деса, шу-да!

– Аввал куркалик димламани қойиллатсин, кейин уйлашиб кўрамиз, – деди Маннот пирча.

– Э, бўпти, битта курка сенлардан айлансин! Бир катак куркам бор, шунинг бири кетса кетибди-да! – деди Шодиқул бойваччалиги тутиб.

Аслида жўрабошини “янгилаш” ғалвасига ҳам шу – Шодиқулнинг ҳовлисидаги куркалар сабабчи бўлиб, жўрабошини курка димла-

мага тушириш мақсадида Каримқул томонидан бугунги “ғалаён” бир кун аввал режалаштирилган эди.

Эртасига яшанба бўлгани учун улфатлар нонуштадан Шодиқулникига тўпланишди. Жўрабоши, қўли очиклигини исботлаш учун, ҳовлининг бир бурчагидаги сим тўр билан ўралган куркахонага ишора қилиб:

– Ана, бир кўра курка, ўзларинг танлаб, кўзга ёққанини қозонга босинглар! – деди киборланиб.

– Танлаб ўтирмаймиз, – деди Каримқул, – катакка қарата болта отамиз, қайси бирига тегса, ўшани қозонга босамиз!

Ўша куни куркахўрлик кечгача давом этди.

...Орадан икки ҳафта ўтгач, курка димламага иштиёқманд йигитлар навбатдаги гапда яна Шодиқулни жўрабошилиқдан “маҳрум” этишмоқчи бўлишди. Шодиқул яна битта курканинг баҳридан ўтадиган бўлди. Хуллас, у дастурхон тўридаги жойини қўлдан бермаслик учун ҳафта оралатиб меҳмон кутадиган бўлди.

Ниҳоят, қиш ўтиб, кўклам юмушлари қизиб, қишлоқдагиларнинг пайтавасига қурт тушган паллада Шодиқулнинг ҳовлисида мунғайиб юрган сўнгги курка ҳам қозонга босилди.

Сўнгги курканинг димламаси ўта мазали, ўтириш ғоят завқли ўтди. Мезбоннинг шаънига кетма-кет

алёрлар айтилиб, таҳсинлар ўқилди. Кўтаринки руҳда бошланган зиёфат можаро билан якунланди. Каримқул, ҳеч қутилмаганда, Шодиқулни эгаллаб турган мансабини суиистеъмол қилишда айблади.

– Суиистеъмол қилиб нима қибман?! – деди бўғилиб Шодиқул. – Куркаларимни охиригача сўйиб, сенларга едирганим – суиистеъмолга кирадимми?!

– Киради! – деди Каримқул митриғи мит этмасдан. – Жўрабоши бўлатуриб, улфатни тўғри йўлга бошлаш ўрнига – нафс йўлига бошладинг, текин зиёфат билан ҳалқумимизни булғадинг! Сени жўрабошим дейиш – итимга ор, мушугимга номус!

Муҳокама якунида қишлоқнинг қаймоқ йигитлари, бир овоздан Каримқулнинг гапини маъқуллаб, Шодиқулни жўрабошилиқдан тушириб, уйларига тарқалишди.

Ёз, куз ўтиб, қишлоқ йигитлари гап ейдиган қишки мавсум бошланганида, Шодиқулнинг бир кўра кўзи боқаётганидан хабар топган улфатлар: “Кимда-ким кўзи кабобли зиёфат уюштира, ўша жўрабошимиз бўлади”, – дейишибди. Бу гап қулоғига етиб борган Шодиқул шапшак: “Курка сўяман, кўзи сўяман, керак бўлса, қўчқор сўяман, барибир ўзим жўрабоши бўламан!” – деб кўкрагига уриб юрганмиш.

## Ит


Олмош ярим кечаси уйғониб кетиб, очиқ деразадан қоп-қора, катта ит хона ичкарасига мўралаётганини кўриб, миясига қон гупиллаб урилди. У ўрнидан аста турди-да, оёқ учида юриб ҳовлига чиққач, айвон устунига суяб қўйилган белкуракни қўлига олди. Кейин у нафас олмасдан оёқ учида юриб, деразага яқинлашгач, қулочкашлаб туриб, кучининг борича, итнинг бошига белкурак билан туширган эди... ангиллаш ўрнига ҳовлини темирнинг жаранглаши-ю, тарақ-туруқ тутиб кетди. Тарақ-туруқдан чўчиб уйғонган хотин, аввалига “Аба-а-а!” деб бақириб, сўнг тилдан қолгандай жиммиб қолди.

Олмош чироқни ёқиб, кўзига ит бўлиб кўринган нарса, хотинининг қора панбархат халати ёпилган сепаратор эканини кўриб, алам билан “Падарингга лаънат!” деб, қўлидаги белкуракни ҳовли томонга улоқтирди. Хотин, ётган жойида аранг тилга кириб:

– Бой бўғур, нима бўлди-и-и?! – деди йиғламсираб.

Олмош айвон билан бир бўлиб, сочилиб ётган сепаратор анжомларига ижирганиб қараб:

– Тур-е, масов, сочилиб ётган ... итни йиғиштириб ол! – деди алам билан.





# Осмонга қараб шеър ўқиган аёл

*ёки Белла Аҳмадулинани ижод йўлига назар*

*Белла Аҳмадулина номи рус шеърлятида ўчмас из қолдирган. Дилбар ва жозибали сатрлар етиб бормаган кўнгиллар йўқ эди, десак адашмаймиз. У кўплаб эсселари билан ҳам адабиёт хазинасига катта ҳисса қўшган. У шахсан ўзи таниш бўлган ижод вакиллари Владимир Набоков, Анна Ахматова, Марина Цветаева ва бошқалар ҳақида ўз хотираларини битиб қолдирган. Айтиш керакки, Аҳмадулина йигирманчи асрнинг серқирра ижодкори эди: шоира, адиба, таржимон. Бугунги сонимизда ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўлига назар соламиз.*

## *Болалик йиллари*

Изабелла Ахатовна Аҳмадулина 1937 йилнинг апрел ойида Москва шаҳрида зиёли ва ўзига тўқ оилада дунёга келди. Белланинг отаси министр ўринбосари, онаси бўлса таржимон бўлиб ишларди. Унга Изабелла исмини бувиси қўйган. Бунга сабаб 30 йилларда совет давлатида Испания ва унга боғлиқ номлар анча оммалашганди. Испанча исм олган рус қизи кейинчалик ўз асарлари сўнгига қисқача Белла деб ёзадиган бўлди.

Белланинг қон томирларида турли миллатлар қони оқарди: татар, рус, итальян. Унинг тарбияси билан асосан бувиси (она тарафдан) шуғулланар, сабаби ота-онаси

жуда банд кишилар эди. Айнан Надежда буви унда мутолаа ва классик адабиётга бўлган муҳаббатни шакллантирди. У набирасига Гогол ва Пушкин асарларини тез-тез ўқиб берарди.

## *Сарсон даврлар*

Уруш йилларида Белланинг отаси фронтга жўнади. Қизчани эса Қозонга, нариги (ота тарафдан) бувисига топширишди. Афсуски, Белла бу ерда бувисининг эътиборсизлиги туфайли соғлиғини йўқотди, ўлим тўшагида ётганда онаси етиб келди. Вақтида берилган ёрдам туфайли Белла яшаб кетди. Уруш тугаши билан Белла онаси билан пойтахтга қайтди ва мактабга чиқа бошлади. Белла дарсларни кўп қолдирар, фақат адабиёт фанини сира ўтказиб юбормасди. У ёшига нисбатан ижодга эрта кириб келди ва кичиклигидаёқ ҳеч қандай имловий хатоларсиз иншолар ёза бошлади.

## *Шеърляти қадамлар*

Унинг илк шеърлари айнан мактаб даврида, пионерлар уйида туғилди. 15 ёшида ўз услубига эга шоира мақомига эришган эди. Биринчи марта 18 ёшида адабий журналларда шеърлари босилди. Икки йил ўтиб “Комсомольская правда” газетасида унинг шеърляти танқид

қилинди. Сатрлари ўта эскича экани, совет руҳияти етишмаслиги таъкидланди.

Белланинг ота-онасига унинг адабиёт йўлидан кетиши маъқул келмади – улар қизини журналист бўлишини орзу қилишарди. Катталар раъйига қараган қиз журналистика факультетига хужжат топширди. Бахтига имтиҳонлардан йиқилди. Шунга қарамай ота-онасининг иродаси билан “Метростроевец” газетасига ишга кирди. У ерда нафақат мақолалари, балки шеърларини ҳам чоп этарди.

## *Талабалик бахти*

Келаси йили эса ўзи орзу қилган Адабиёт институтига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Аммо 1959 йилда у айрим сабабларга кўра ўқишдан ҳайдалди, Белла “Литературная газета” нашрида фаолиятини давом эттира бошлади. Тез орада бош муҳаррир Белладаги иқтидорни кўриб уни институтдаги ўқишини тиклашига ёрдам берди. Аҳмадулина 1960 йилда диплом олди.

## *Кетма кет чоп этилган китоблар*

Орадан икки йил ўтиб Белланинг илк шеърлий тўплами “Струна” Соз дунё юзини кўрди ва кўп ўтмай мақтовларга кўмилди. Энди қизни

хам ижодий учрашувларга таклиф эта бошлашди. Унинг энгил, тиниқ, шаффоф сатрлари юракларни эгаллади. 1968 йилда иккинчи шеърый тўплами “Озноб” (Титроқ) чоп этилди. Бир йил ўтиб эса “Уроки музика” (Муסיқа дарслари) нашрдан чиқди. “Метель”, “Бўрон”, “Стихи” (Шеърлар), “Свеча” “Шам” шеърый тўплamlари кетма кетликни давом эттирди.

70 йилларда Белла Аҳмадулина Грузияда бўлди. Бу мамлакат унда катта таассурот қолдирди. Натижада “Сны о Грузии” номли шеърый тўплами яратилди. Шунингдек, у Галактион Табидзе, Николай Бараташвили, Симон Чиковани каби грузин шоирларининг шеърларини русчага таржима қилди.

### *Кино ва шеърый*

Аҳмадулина иккита фильмда суратга тушган – “Шундай йигит мавжуд” ва “Спорт, спорт, спорт”. Биринчи фильмда у 22 ёшида журналист қиз ролини ўйнаб чиққан. Иккинчи картинада эса ўз шеърларини спортчиларга ўқиб берган. Атиги икки марта кинода кўриниш берган бўлса-да, унинг романтик шеърлари ва кўшиқлари турли фильмларда тез-тез янграб турарди. Масалан, “Тақдир ҳазили ёки кушдек энгил бўлинг” фильмида Белла Аҳмадулина шеърларидан фойдаланилган, уни Алла Пугачёва ижро этган. “Ишдаги ишқ” фильмида ҳам Белланинг шеърый тўплами режиссёрга асқотган. Шоира кўплаб халқаро адабий фестивалларда иштирок этган.

### *Биринчи муҳаббат*

Ўн саккиз ёшли дилбар шоирага ошиқлар кўп эди. Улар орасида таниқли шоир, ёзувчи, киносценарист ва актёр Евгений Евтушенко ҳам бўлиб, у Беллани бир кўришдаёқ севиб қолганди. Евгений ўз хотираларида уни биринчи муҳаббати сифатида таърифлар ва гўё қиз болага эмас, санъат асарига боққандек қараганини эсларди. Уларнинг севги қиссаси бир роман бўлгулик эди. Тез тез тортишар ва дарҳол

ярашиб олардилар. Евтушенко унга атаб шеър битишдан тинмасди. Уларни тез-тез Москва кўчаларида сайр қилган ҳолда учратардилар.

Жуфтлик 1955 йилда турмуш қурди. Белла суйганидан фарзанд кўришни жуда истарди. Бироқ Евтушенко бошқа шоирлар сингари болалар ижод қилишга ҳалал беради ва эркинликдан маҳрум этади, деб ҳисобларди. Аёлнинг кўнгли синди. Евгений бу истакни рад этиб, суюмли рафиқасининг меҳридан ҳам айрилаётганини ўша пайт билмас, кейинчалик эса афсус чекканди. Ўртада жиддий келишмовчиликлар чиқмади, аммо севги сўнди. Евгений Белланинг муҳаббатини қайта қозонолмади. Уч йиллик турмуш ниҳоясига етди. Кейинчалик болажон Белла етимлар уйдан қизча асраб олди. Турмушга чиқиб, ниҳоят азалий орзусига ҳам етди: қизли бўлди. Бироқ у фарзандларини азалий муҳаббати Евгений билан тарбиялашни жуда истаган эди.

### *Уир толида*

Шоира ҳаётининг сўнгги йиллари оғир ўтди. У хасталаниб қолди. Белла пайпасланиб базўр юрар, сабаби бутунлай кўз нуридан айрилганди. Шеър ҳам ёзолмай қолди. Жарроҳлик амалиётидан тўрт кун ўтиб, 2010 йил 29 ноябрда Изабелла ҳаётдан кўз юмди. Афсонавий ижодкор билан видолашиш маро-



сими пойтахтда, Марказий адабиёт уйида камтарона тарзда бўлиб ўтди. Унга фақат яқинлари ташриф буюришди. Белланинг асранди қизи Анна полиграфия йўналишида таълим олиб, китоб босмаҳонасида фаолият юритади. Ўзининг қизи Елизавета эса онасининг изидан бориб Адабиёт институтини тамомлади.

### *Шеър – уир мазмуни*

Ҳамиша қора либос киядиган, ингичка бармоғига узук тақишни канда қилмайдиган шоира осмонга тикилиб майин овозда шеър ўқишни яхши кўрарди. Аҳмадулинанинг шеърыйати ўзига хос, очиқ-ойдин бўлиб, ички оламни ташқи олам буюмлари: янги ихтиролар (магнитофон, самолёт, светофор) ва эскича буюмлар (шам, ҳовли) билан боғлаб ёзарди. Шеърыйат – унинг бор-йўғи эди, йўл-йўлакай учраган арзимас ҳолатлардан ҳам фантазиясини ишга солиб янги образлар ярата оларди. Ҳамиша сўз бойлигини ошириш пайида бўларди. Аҳмадулина шеърларидаги ритмда динамика муҳим роль ўйнайди. 2013 йил 9 февралда Россия федерацияси президенти В.Путин Аҳмадулинанинг шеърларини адабиёт дарсликларида киритиш ҳақида фармон берди.

### *Ўзбек тилида*

Шоиранинг бир қатор шеърлари моҳир таржимонлар меҳнати билан ўзбек мухлисларига етиб келган. Жумладан, “XX аср рус шеърыйати” абадий-бадий нашридан (Мирпўлат Мирзо таржималари) ўн беш нафар забардаст рус шоирлари қаторида Белла Аҳмадулинанинг ҳам шеърлари жой олган. Аҳмадулинанинг “Гунглик”, “Хайрлашув”, “Ойпарастлар”, “Гуржи аёлларин исмлари”, “Шеърыйат куни”, “Меҳр”, “Апрель”, “Бўрон”, “Куз”, “Манзара” каби шеърлари ўзбек тилида ҳам дилбар ва тиниқ янгради, ўз мухлисларига эга бўлди.

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**  
таржимаси.

# Майк Тайсоннинг 75 нафар ходими



*ёхуд таниқли инсонлар  
ҳақида қизиқарли маълумотлар*

*Меҳнатнинг нони ширин*

\* Бобурий подшоҳлардан бири Аврангзеб фақат ўз меҳнати билан, эгаллаган касб-хунари эвазига кун кечирган. Давлат хазинасидан бир танга ҳам ҳақ олмаган. Холбуки, Ҳиндистон ўша даврда дунёдаги энг бой давлат эди.

*Жомадонсоз уста  
Менделеев*

\* Буюк олим Менделеев илмий ишлардан бўш вақтларида жомадон ясаб сотар, шу йўл билан рўзғор тебратар экан. У ўзини: “Жомадонсоз уста Менделеев” деб аташларини ёқтирган.

*Каромат*

\* Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан муридлари бирор каромат кўрсатишни сўрашди. Ҳазрат ўринларидан турдилар-да, енгил-енгил беш-олти кадам юриб, яна жойларига чўкдилар. Муридлар ҳайрон бўлиб қарашди. Ҳазрати Нақшбанд дедилар:

- Икки елкамда тоғдай-тоғдай гуноҳларни кўтариб, қушдай енгил юришимнинг ўзи каромат эмасми?!

*Буни такрорлашга  
уринман!*

\* Эрнест Хемингуэй моҳир мерган бўлган. У баҳс бойлашиб, бир одамнинг лабида тутаб турган сигаретани отиб туширган.

\* Америкалик Пит Руфф эса, ўзининг бошидаги олмани бумеранг билан уриб тушира олган. (Бумеранг – улоқтиргандан сўнг яна эгасига қайтиб келувчи “Г” шаклидаги қурол).

*Ҳотамитойлик – миллат танламайди.*

\* Миллиардер Жон Рокфеллер 550 миллион доллардан кўпроқ маблағини турли хайрия жамғармаларига ўтказган. Ҳозирги ҳисобга айлантирганда, бу жуда катта – кўп миллиардларни ташкил қилади.

Бугун ҳам унинг бадавлат издошлари Америкада анча-мунча. Масалан, дунёдаги энг бой одамлардан бири Билл Гейтс, ўз бойлигининг асосий қисмини хайрия мақсадларига сарфлашини маълум қилган. Таққослаш учун: Билл Гейтс ҳар дақиқада тахминан 6 659 доллар ишлайди. Дунёнинг фақат 18 та мамлакати Билл Гейтсдан бойроқдир.

*Ҳар бири ўзига хос*

\* АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон ўзининг боғида наша етиштирган.

\* Президент Бенжамин Франклин эса, курка – Американинг “миллий паррандаси” бўлиши учун кўп ҳаракат қилган.

\* АҚШнинг 17-президенти Эндрю Жонсон, ўзига-ўзи кийим тиккан ягона президент ҳисобланади.

\* Президент Эндрю Жексон, Ер баркашдек ясси эканлигига ишонган.

\* 1849 йили АҚШ президенти этиб сайланган сенатор Дэвид Атчисон бу лавозимда атиги 1 кун ишлаган. Шунда ҳам, куннинг асосий қисмини... ухлаб ўтказган.

*Сўз ва суврат*

\* Шоир ва ёзувчиларнинг кўпчилиги расм чизишни ҳам яхши уддалашади. Алишер Навоий ҳазратлари “Занжирбанд шер” номли сурач чизганлар.

\* Фафур Фулом ажойиб рассом ҳам эди. Карикатурани “жонлантириб” чизиш билан бирга, бодринг, қовоқ, хандалак каби “материаллар”дан ҳамкасбларининг қиёфаларини яшашга ҳам уста бўлган. Дутор чалганда юракларни сел қилар, тожик, татар, қозоқ, озар тилларида бемалол гаплашар эди.

\* Атоқли ёзувчи Саид Аҳмад ҳам яхшигина рассом эди.

*”Аниқ мўлжал” санъати*

\* Ральф ва Кэролин Камминслар оиласида 1952-1966 йилларда туғилган 5 нафар болаларининг ҳаммаси бир санада – 20 февралда дунёга келган

*Ҳаммага иш етади!*

\* Машҳур боксчи Майк Тайсоннинг айна “гуриллаган” даврида 75 нафар ходими бўлган. Яъни, менежер, промоутер, бухгалтер, врач,

массажи, психолог, юрист, ошпазлари, хайдовчи, боғбон, энага... хуллас, жами 75 та жон, биргина “Темир Майк”нинг ортидан тирикчилик қилади, деган гап. Майк Тайсон ҳам “ўз иши”ни, яъни муштлашишни яхши билган.

### *Ҳан бўйда эмас*

\* АҚШ президентлари ичида Жеймс Мэдисон энг бўйи паст (1,62 м), Абраам Линкольн эса энг дарози (1,93 м) саналади.

\* Россия императори Пётр I нинг бўйи 2 метр бўлгани ҳолда, пойабзали атиги 38-ўлчамда бўлган.

### *Ақллилик қилма!*

\* Пётр I, 1708 йилнинг 9 декабрида “Раҳбариятга муносабат тўғрисида” Фармон чиқарган. Унда жумладан, шундай дейилган: “ўзининг ақллилиги билан раҳбарнинг ғашига тегмаслик учун, ходим унинг ҳузурида аҳмоқона қиёфада туриши шарт”.

### *“Африка, сен менин кучоғимдасан!”*

\* Юлий Цезарь Африкага юриш қилганида, аввал бошданок омадсизликка учраган. Ўрта Ер денгизидаги кучли тўлқинлар кемаларини тўзатиб юборган, оқибатда Африка қирғоғига атиги битта легион билан етиб келади. Кемадан тушаётганда... қоқилиб, ерга юзтубан йиқилади. Иримчи аскарлар учун бу ўта беҳосият аломат эди. Аммо, Цезарь жуда зукко эди. Ётган куйи кучоғини кенг ёзиб, шундай ҳайқиради: “О, Африка, сен менин кучоғимдасан!” Бундан аскарлари руҳланиб, қийқиришади.

Сўнгра Цезарь Мисрни забт этди.

### *Шамдек куйса ҳам...*

\* Элис Чейс исмли врач, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи ҳақида кўп китоблар ёзган. Ўзи эса... очликдан ўлган.

Радийни кашф этгани учун Нобел мукофотида сазовор бўлган Мария Склодовская-Кюри нурланиш касаллигидан вафот этган.

\* Marlboro компаниясининг биринчи хўжайини ўпка саратонидан ўлган.

### *Сайқ юрсани...*

\* Кунларнинг бирида Бетховен дайди сифатида ҳибсга олинган.

\* Бастакор Моцарт 35 йил давомида 600 дан зиёд асарлар ёзган. Ижоди энг гуллаб-яшнаган даврида бир концерти учун 500 гульден ҳақ олар ва бу пулларнинг ҳаммасини бильярд ўйинига сарфларди. Ўлимидан сўнг қабристондан алоҳида жой олишга ҳам пул топилмаган.

### *Ақл ёшида эмас!*

\* Моцарт уч ёшиданок мусиқалар ёза бошлаган.

\* Феликс Мендельсон 17 ёшида “Ёз тунидаги уйку” мусиқасини ёзган. Бу унинг ҳаётидаги энг машҳур асари бўлиб қолган.

Актриса Ширли Хендерсон “Гарри Поттер” фильмида 13-ёшли мактаб ўқувчиси Плаксу Миртл ролини ижро этган. Бу пайтда Ширли 40 ёшга кирганди.

\* Сара Бернар 70 ёшида 13 яшар Жульетта ролини ўйнаган.



### *Ўнға бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса – қилми...*

\* Авлодлари энг кўп тарқалган инсон сифатида Чингизхонга етадигани йўқ. Дунёдаги ҳар икки юзинчи кишининг генеологик илдизи Чингизхонга бориб тақалади. Ҳозир ер юзида тахминан, ўттиз беш миллион нафар... “чингизийлар” яшашяпти!

\* Бастакор Иоганн Себастьян Бахнинг авлодлари ичида 100 нафардан кўпроғи созанда (органист) бўлишган.

### *Астойдил сабй-ҳаракат қилсанг...*

Бир донишманд шундай деган: “Уч нарса бизни кундан-кун хароб этаверади: булар – ўзинг хушламаган таомни ейиш, севмаган инсон билан яшаш, ўзингга ёқмаган иш билан шуғулланиш”.

Бу гапда шубҳасиз, жон бор. Лекин, тақдир ҳаммага ва ҳар дам ўзи истаган нарсасини беравермайди-ку? Не қилмоқ керак? Файласуф Б.Фуллер шундай дейди: “Умримиз кўпинча бир хил, зерикарли ва толиқтирувчи ҳаёт маромидан иборатдир (“Яшашни чидаганга чиқарган!”). Аммо, айнан зерикарли ва толиқтирувчи ишларда сабр-бардош кўрсатиш туфайлигина инсон ҳаётда олға ҳаракат қила олади. Агар мушкулотлардан безиб, буюк ишлар учун илҳом ва қулай вақт келишини кутсангиз, ўша жойда қолиб кетасиз. Умр эса ёнингиздан шиддат билан ўтиб кетаверади!”

Бу ҳикмат ҳам ҳаётда беҳисоб марта ўз исботини топган.

Л. По исмли ҳайкалтарош, тўлиқ кўр бўлишига қарамай, фақат пайпаслаб “кўриш” орқали юздан зиёд ажойиб асарлар яратган.

Томас Эдисоннинг электр лампочкани ихтиро қилиши осон кечмаган. Бунинг учун у, 11 мингдан зиёд тажриба ўтказган, 40 минг саҳифадан кўпроқ қоғоз қоралаган.

Гунг-соқовлик – оғир дард. Бунинг устига кўр ҳам бўлса, одам бамисоли тирик мурда, деган гап. Скороходова деган аёл, ана шундай аҳволда ўрта ва олий маълумот олиш, руҳшунослик бўйича диссертация ёқлаш ва китоб ёзишга муваффақ бўлган.

Буюк нотик сифатида танилгунга қадар, Демосфен жуда тортинчоқ бўлган. Бунинг устига, овози жуда кучсиз, нутқи нуқсонли бўлган.


Буюк физик Э. Резерфорд, ҳатто, катта маърузалар чоғида ҳам у ёки бу формулани ҳадеганда эслай олмасди.

### Телба императорлар

\* Қадимги Рим императорлари орасида ўта телбалиги билан ном таратганлари ҳам анча бўлган. Масалан, император Нерон ўзининг Ицидат лақабли отини консул этиб тайинламоқчи бўлган. “Кўнгил ёзиш” учун Рим шаҳрига ўт қўйиб, томоша қилган. Шаҳватпарастликда эркак-аёлнинг фарқи бормаган. Хотин ва канизаклари қаторида, ўз опа-сингиллари билан ҳам ишрат қилаверган. Ўта тўкин-сочин зиёфатлар уюштирган. Меҳмонлар бўкиб қолишган, хизматкорлар тарқатган махсус дорини ичиб, еганларини қайт қилишган. Сўнгра... зиёфат яна янгидан бошланган!

Коммод исмли император эса, бутун Рим Империясидаги паканалар ва майиб-мажруҳларни йиғиб, Колизейда жанглари уюштирган.

Балки, шунинг учун римликлар Яратганнинг қаҳрига учрашгандир?



### Адоват


Оливер Кромвелл вафот этгандан икки йил ўтгач дорга осилиб, кейин боши танасидан жудо қилинган.

\* 1778 йилда вафот этган Вольтернинг жасади қабридан ўғирлаб кетилган. Ўғирлик 1864 йилда аниқланган, аммо жасад топилмаган.

\* 19 асрда яшаган Лагариджо исмли тореадор (буқа билан олишувчи) 4867 та буқани ўлдирган.

Мутахассислар фикрича, бугунги римликлар – итальянларнинг Қадимги Рим аҳолисига алоқаси йўқ.

\* Хитой императори Цяньлун, ғамгин шеър ёзган шоирларни дарҳол қатл эттирган.



### Инжиқ ёзувчилар

\* “Маугли”ни ёзган Редьярд Киплинг агар сиёҳи қора рангли бўлмаса, бир қатор ҳам ёза олмаган.

\* Ёзувчи Чарльз Диккенс юзини шимолга ўгирган ҳолдагина ижод қилган. Ухлаганда ҳам бошини доимо шимолга қаратиб ётган.

### Яна, айрим маълумотлар...

\* Машҳур Немис физик олими Альберт Эйнштейн ўлаётган чоғида ҳам қандайдир буюк ғоялар, ҳаётий хулосаларини баён қилишга уринган. Афсуски, олимнинг сўнгги сўзлари ўзи билан кетган. Чунки, унинг ёнидаги ҳамшира немисчани тушунмаган.

\* “ZZ Top” эстрада гуруҳи аъзоларининг фақат биттаси соқол кўймаган. Лекин, исми – Beard, инглизчадан таржима қилганда, “соқол” деган маънони англатади.

\* Бетховен ўзининг машҳур “Тўққизинчи симфония”сини ёзганида, қулоғи том битган (кар) бўлган.



### Бальзак кун ва тунни билмаган!

Ёзувчи Оноре де Бальзакнинг ғалати одатлари ҳақида у ҳаётлик чоғидаёқ кўп гаплар юрган. Масалан, ҳар сафар янги асар ёзишдан олдин у бир-икки ой муддатга ўз хонасида қамалиб олар экан. Ёзувчи пардаларни ёруғлик кирмайдиган даражада маҳкам ёпиб олар ва уй халати-га бурканиб олиб, шам ёруғида ишларкан. Бальзак кунига 18 соат ёзар, бу вақт давомида унга кун ва туннинг фарқини билмаслик муҳим эди.

\* Бальзак бўйинбоғ (галстук) га бағишлаб... бутун бошли китоб ёзган.

\* Француз файласуфи Вольтернинг 80 та ҳассаси бўлган. Замондоши Жан Жак Руссода эса 40 та.



\* Наполеон Бонапарт – тарихий шахслар орасидан кино саҳнасига энг кўп олиб чиқилган шахс ҳисобланади.

# ЭССЕ



**Чори АВАЗ**

Муҳаррир бўлиб ишлай бошлаганимнинг олтинчими, еттинчи ойи эди. Катта ёзувчиларимиздан бирининг қўлёмасини тайёрлаш менинг зиммамга юклатилди. Муаллифни бир-икки бор кўрганимни эсладим. Бирда Ёзувчилар уюшмасининг расмий йиғинида, иккинчи бор бекатда кўрган эканман. Ўшанда таассуротлар қандай бўлганини эслолмадим.

Қўлёмани ўқиб, қабул ёзгач, муаллиф билан боғланиб: “Баъзи бир жойларига қалам уришга тўғри келяпти, қандай маслаҳат берасиз?”, дея сўрадим.

– Яхши. Мен розиман. Билганингизни қилинг. Хайр, – деди-ю дастакни қўйди муаллиф.

– Унинг исми шарифимни сўрамагани, ҳатто қўлёмасининг тақдири билан қизиқмагани мени таажжубга солди. Аслида, катталар билан баҳслашиб ўтиришга менинг ҳам ҳушим йўқ. Қачондир биттаси билан гаплашганимда роса калонди-моғлик қилган эди. Шу-шу улардан ўзимни олиб қочардим.

– Қўлёмани ишлаб бўлдим. Табиийки, мен ёш муҳаррир, ўзимни кўрсатиш, адабиётга жон куйдиришимни билдириб қўйиш учун ҳалол, тер тўкиб ишладим. Асар яратиш жараёнида ёзувчи ўзини унутиб қўйишларини, кейинчалик ҳам шу таъсирдан қутулолмасликларини,

чалғишлару ўз-ўзини алдашлар муаллифга панд беришини ҳисобга олдим. Сўзми ё иборага қалам ураётганимда, садақадан муаллиф қараб тургандай бўлаверди гоҳ-гоҳ, шунда иккиланар, қўлларим беихтиёр сигаретга чўзиларди. Аммо нима қилаётганимни яхши билар, ўзимга ишонмай қолганимда керакли сўз учун, унинг муқобилларини битта-битта топиб ёзардим-да, уларга тикилардим. Қайси бири мос ва чиройли кўринса, ўшани танлардим. Кўп ҳолда бу муқобиллару тикилишлар самарасиз яқунланарди.

Кўнғироқ қилиб, ишни тугатганимни муаллифга айтдим.

– Фалон соатда ташлаб ўтинг, кўриб қўяман, – деди-да, сўнг адресни ёздирди.

– “Хўп”, дедиму ўзимни хўрланаётгандай, таҳқирланаётган ҳис қилдим. “Нима, мен муҳаррирманми ёки унинг югурдаги? Қўлёмани ўлиб-тирилиб ишласам-у, бир оғиз яхши гапиришни билмасам. Бунинг устига, қўшқўллаб олиб бориб, олиб келишим қолувди ўзи! Бир оғиз кимсан, ҳолинг қандай, деб сўрама-диям-а. Ким ўзи у? Намунча?”.

Ишдан сўнг муаллиф эшигидаги кўнғироқ тугмачасини босдим. Ҳарчанд ўзимни босишга ҳаракат қилмай, ҳаяжон қурғур тинчлик бермайди денг. Совуқроқ, вазминроқ бўлиш керак, балки адабиёту нашри-

ёт ишлари тўғрисида сўраб қолар, деган ўйларга бордим.

Эшик очилиб, чеҳраси одамни ўзига тортадиган, оппоқ сочли, қарашларидан мулойимлиги, ғамхўрлиги сезилиб турган 60 ёшлардаги киши кўринди.

– Ассалому алайкум!

– Салом, салом, – дея қўлларини узатди Катта ёзувчи.

Нимагадир бир дам тарадудланиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлдим шекилли. Сенга таниш, аммо биринчи бор кўришаётган кишидан ҳол-аҳвол сўрашишга истиҳола қиларкансан. Балки ҳол-аҳвол деганимиз бир-икки дақиқада ҳал бўладиган нарса эмасдир. Хуллас, тарадуд ноаёнлигича қолди.

– Қўлёмани олиб келгандим.

– Муҳаррирингизман, денг? Сиз Чори Ашир ўғлисиз, адашмадимми? Шеърларингизни ўқиб тураман. Яхшилари ёқади. Файрат қилаверинг. Қани, уйга кирамиз.

Мен гап оҳангидан, кўпроқ унинг айтилишидан Катта ёзувчининг вақти узоқлигини пайқадиму қўлёмани узатдим.

– Мабодо кўпроқ қалам урилган бўлса, аввалдан узр сўрайман.

– Айбни қаламга тўнкармоқчимисиз-да-а. Ҳа, ҳозирги ёшлар чатоқ. Майли-да. Нима ҳам дердик. Уйга кирмайсизми? Бир пиёла чойимиз бор эди.

– Раҳмат. Мен борай.

– Биласизми, мен табиатан танбалроқ муаллифман. Энди бир-икки кунга сабр қиласиз-да. Ўзим хабар қиламан. Аммо бу гал бирон соат вақтни ғамлаб келинг. Бахузур гаплашамиз.

Мен хайрлашиб йўлга тушдим. Ёзувчи яхши таассурот қолдирди. Шошиб турганига қарамасдан, суҳбатдошининг ҳурматини жойига қўяр экан. Бирон соат вақт ғамлаб келинг, – дея гаплашиш истагини билдирди. Бекорга катта ёзувчи бўлмаган экан, деб ўртадаги суҳбатни таҳлил этиб борардим кета кетгунча. Таҳлилдан ёзувчининг ҳар бир ҳаракатини ўтказишга уриндим. Ҳатто, арзимасдек туюладиган нарса – эшикни унинг ўзи очгани ҳам назаримдан четда қолмади. Қўлёзмани ишлаш жараёнида иккиланган ўринларимга тегмагандим. Учрашувдан кейин ўзимнинг шубҳачилигимдан пушаймон қилдим. Бир неча кун аввал ўзимни хўрлангандек ҳис қилганимни эслаб, ўзимдан уялдим. Муаллиф билан бўлган бу учрашув руҳимга аллақандай бир энгиллик, оқим олиб киргандики, булар кўнглимда қўр тўкиб ётган нохуш ўйларни ювиб кетди. Мен энди ўзгаришларим муаллифга маъқул келишига ишонар, балки бундан буён бирга ишлаш таклиф этар, деган ўйларга бордим.

Бир неча кунни ана шундай ширин хаёлу орзулар оғушида ўтказдим. Ишимга меҳрим ортди. Ҳатто уч-тўртта шеърлар ёздим. Илгарилари ишхонада нималардандир норозидек юрадиган одам, энди кўнглида кири йўқ, қўлини қаёққа чўзса етадиган шахзодалардек юришини бир тасаввур қилинг. Ҳамкасбларим менда қандайдир ўзгариш бўлганини сезишар, билишга қизиқишар, аммо мен лом-мим деёлмасдим. Баъзилари қизиқиши зўрлигидан: “Бўлди, билдим, китобинг чиқаётган бўлса керак”, деса, бошқаси: “Яшираман деб овора бўлма, кўзларинг айтиб турибди, севиб қолгансан”, дейишарди. Уларни фикридан қайтаргим келмас, ҳаммасига жилмайиб, бош ирғаб қўярдим. Аслида бошқа иложим йўқ эди.



Негаки, уларга ҳақиқатни очгудек бўлсам, устимдан кулишлари тайин эди. Улар менинг китобим чиқмаганини ҳам, бўйдоқлигимни ҳам яхши билишарди, энг ёмони ўз гапларининг ростлигига, бировнинг кўзига қараб кўнглидагини уқа олишларига шубҳаланмасдилар.

Орадан бир ҳафталар ўтгач, муаллиф кўнглироқ қилиб, “Вақтингиз бўлса, кириб ўтинг”, деди. Мен рози бўлдим.

Мана, яна ўша эшик рўпарасида турибман. Мен ўзимни бир соатлик суҳбатга тайёр сезар, гарчанд мавзунинг қоронғилигини билсам-да, ўзимча тайёрланиб келгандим.

Эшик очилиб, 16–17 ёшлардаги кўҳликкина қизча кўринди ва одоб билан салом берди. У кўзимга фариштадек кўриниб кетди. Катта ёзувчиларнинг қизлари шунақа бўлар экан-да, – деган ўй ўтди хаёлимдан. Ўзимни танитгач, дадангизга келганимни айтсангиз, дедим.

– Кираверинг. Дадам сизни кутяптилар, – мулозамат қилди у ва мени ёзувчининг ижодхонасига бошлади.

Саломлашгач, ёзувчи мени курсига таклиф қилди. Мен хонани кўздан кечира бошладим. Аммо бу бир дақиқагина давом этди холос, негаки, муаллифим дабдурустдан гап бошлаб қолди.

– Сен, ҳалиги, Чори Ашир ўғлимидинг?

Гаптада зарда мени бир ҳафта мобайнида парвоз этган осмонимдан шунчалар тез юлқиб олдики, ҳатто каловланиб қолдим.

– Қаерда ўқигансан?

– ТошДУнинг ўзбек филологияси бўлимида.

– Маълимнинг ким эди?

Мен, илмий раҳбаримни сўраётган бўлса керак деб ўйладим. У машхур, қаҳри қаттиқ, танқидда отасини ҳам аямайдиган киши эди.

– Ўзимам ўшанинг шотири бўлсанг керак деб ўйловдим.

Зарблар аёвсиз, устига кетма-кет тушаётганди. Мен нима бўлса бўлар, дея туриб беришга қарор қилдим. Ўзимни йўқотиб, ҳақорат қилиб юбормасам бас. Уёғи уккасининг қорнига. Мени лапашанг хаёл қиляпти чоғи...

– Нашриёт сени қаердан топган?

– Келинг, қўлёзма ҳақида гаплашайлик, буёғи менинг шахсий ишларим.

– Нима, нима? Ҳали шахсий ишларинг ҳам борми? Эй, муҳаррирвачча, кўзларингни каттароқ оч, йўқса кўрсатиб қўяман сенга шахсий ишингни. Ким билан ўйнашаётганингни биласанми ўзи? Мени фалонча дейдилар. Етти иқлимга номим кетган. Мен ёзишни бошлаган пайтлар сен отангинг белида эдинг. Қўлёзмани дабдала қилибсан-ку! Қара, қара!– дея ўзим жуда зўр ишлов бердим деб ўйлаган саҳифаларни олиб, силкита бошлади. – Ким, ким сенга ҳуқуқ берди бундай қилишга? Мен сени ҳам, сени ишга олганларниям судга бераман. Ёзувчини назар-писанд қилмаслик, ҳақоратлашнинг оқибатини ҳар бир нашриёт ходими билиб қўйиши керак. Мана, қўлёзманг, бир ҳафтадан



сўнг аввалги ҳолида қайтариб келтириб кўрсатасан. Агар битта вергул ўзгарган бўлса ҳам, ўзингдан кўр. Бор, энди жўна!

Орага жимлик чўқди. Ёзувчи ҳансирар, мен миқ этмай ўтирардим. Ниҳоят ўрнимдан кўзгалдим-да, кўл-лўзмага узала туриб:

– Майли, айтганингиздек қилман, лекин...

– Яна қандай “лекин” бўлиши мумкин, дея тагин сиёсат қила бошлади ёзувчи. – Наҳотки шунча гапдан хулоса чиқариб ололмаган бўлсанг. Сениям, баъзи дўхтирларга ўхшаб бошингдан кўра, қўлинг тезроқ ишлайдими дейман. Ундайларнинг шўри қурийдими, ў бола! Мен билан бекинмачоқ ўйнамоқчи эмасмисан ишқилиб? Гапир, гапириб қол!

– Лекин китобингизга муҳаррирлик қилмайман.

– Э, ҳа! Кўнгиллари озор чекибди-да. Аввало, сиз кўл-лўзмани айтганимдай қилиб, келиб кўрсатинг. Кейин иддао қиласиз. Ўргилдим сендақа муҳаррирдан. Бор, йўқол энди!

Мен унга қараб тишимни гижирлатдимми ёки ўқрайиб қарадимми, аниқ эслолмайман. У ўрнимдан сапчиб турди-да, йўлимни тўсди.

– Гижинма, бола, изингни шундай қуриб юбораманки, ҳатто Шерлок Холмс ҳам биронта ис тополмайди, – деди-ю, кўлтигимдан ушлаб, эшикдан чиқарди-да йўлакка томон суриб юбормоқчи бўлди. Аммо мен унинг қўлидан бир силтаниб ўзимни халос этиб, жўнаб қолдим.

У мени “кузатиб” қўяётганида ҳалиги фаришта қарама-қарши хонадан сирғалиб чиқиб, қаёққадир ўтиб кетди. Мен уни кўз қирим билан кўриб қолдим. У ҳам мени кўрган бўлиши керак. Бу манзара дард устига чипқон бўлди.

Кўчага чиқдим. Сигарет тутатиб, босиб-босиб тортдим. Ҳеч нарса ни ўйлагим келмас, гўллим учун ўзимни сўкардим. Йўл-йўлакай самолётсозлар саройи рўпарасидаги майдончага кирдим-да, ўзимни босиб олдим.

Ижарадор кампир кечга қолганимнинг сабабини сўради. Унга:

“Ишим чиқиб қолди”, дедиму, ўзимни хонага урдим.

Бошим қотди. Аслида бошни қотириб ўйлайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Балки анави – чехрасидан ғамхўрлиги билиниб турадиган ёзувчи кесатгандай қўлдан кўра кўпроқ бошни ишлатиш керакдир. Аммо уни эслаганимдан, вужудимда аллақандай ваҳший куч уйғониб, ўзимни қўярга жой тополмай қолардим.

Ўрин солиб, ухламоқчи бўлдим. Уйқу қаёқда? Гоҳ уёққа, гоҳ буёққа ағдариламан. Бир маҳал кампир келиб: “Сенга бир нарса бўлганга ўхшайди, болам. Чой ҳам ичмадинг. Тобинг йўқми?” – деб меҳрибонлик қилди. Мен эшик очилганини сезганимдан, ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Кампир бир оз ўтирди-да, чиқиб кета қолди. “Менга нима бўлди ўзи?” деб ўйлай бошладим. Наҳотки мен шунчалар гўл, фаҳм-фаросатсиз бўлсам. Унда қандай қилиб Катта ёзувчининг кўл-лўзмасига қалам уришга журъат этдим. Йўқ, бу ерда аллақандай мени йўлдан оздирган нимадир бор. Фариштамикин ёки унинг саломи? У бечоранинг эшикни очиб кутиб олганидан бошқа гуноҳи йўқ-ку. Балки мен ёзувчидан дўстона муносабат ёки мақтов кутгандирман. Менинг ана шу худбинлигим унинг жаҳлини чиқаргандир эҳтимол. Унда бир худбин билан жанжаллашиб ўтириш ақлдан эмаслигини ёзувчи яхши билиши керак-ку. Масалан, ўзим бундай қилмаган бўлардим. Ёзувчи эса менга энг катта рақибига ташлангандай таассурот уйғотди. Балки ўзгартишлар унинг бирорта ярасига тегиб кетгандир? Бир мишиқининг кўл-лўзмасига ўзгартиш киритганига чиқолмагандир? Э, йўқ! Асарларидан чиқолмайдиган одамга ўхшамайди. Йўқса, у ё лаганбардор бўлиб кетарди, ё Катта ёзувчи бўлолмасди. Кошки, бу калаванинг учини топиб бўлса...

Эрталаб туриб, апил-тапил чой ичдим кўл-лўзмани кўлтиққа уриб, ишга жўнадим. Йўлда Бош муҳаррирга айтадиган гапларимни ўйлаб олдим.

Кўл-лўзмани кўтариб Бош муҳаррирнинг хонасига кирдим. Саломлашиб, курсига ўтиргач, ёзувчининг уйидан олган кечаги “таассурот”ларни гапириб бердим. Сўнг: “Сиздан илтимос, бир иложини қилинг, меҳнатим куймасин”, дедим.

Бош муҳаррир: “Майли, бораверинг, мен бир кўрай, муаллиф билан ҳам гаплашаман”, деди.

Орадан ўн кун ўтгач, мени Бош муҳаррир чақиртирди. Бордим.

– Ўтиринг. Кайфият яхшими, ишқилиб?

– Бир нав. Юрибмиз нима бўлди экан, деб.

– Муаллифнинг зўрини топган экансиз-да ўзиям. Ишни бошлашдан олдин мендан бир оғиз маслаҳат сўрамайсизми, сизга унинг муҳаррир билан ишлашлари ҳақида гапириб берардим.

– Кўл-лўзманинг “Қабул”ини ўқиб, имзо чекканингиздан кейин, менга айтадиган гаплари йўқ экан, деган ўйга боргандим.

– Ҳар хил ўйларга бораверасиз-у, асосий нарсани унутасиз. Энди бизни муаллиф судга берса нима қиламиз. Давлат мукофотининг лауреати, депутат бўлса.

– Нима, сиз ҳам унинг тарафида-мисиз дейман. Бировни судга бериши учун лауреат бўлмагандир ахир. Ё ўз ихтиёрим билан...

– Э, шошманг-да, нашриётни шундай одамнинг дағдағасига гирифтор қилиб, ўзингиз қуён бўлмоқчимисиз?

– Мен Бош муҳаррирнинг иш юритиш услубига қойил қолдим. Совуққон, вазмин, озгина пичинг аралаш, аммо топиб гапирётган эди у.

– Унда ўша маслаҳатингизни айтинг.

– Энди кеч бўлмадимми?

– Нима, муаллиф ўзгартишларнинг ҳаммасини рад этдимми?

– Афсуски, сизни қувонтира олмайман. “Ўша уйдаги гап”, деди. Аммо қизишиб кетганини айтиб, менинг номимдан узр сўраб қўйинг, деб илтимос қилди. Муаллифингизнинг айтишича, сиз бўладиган бола эмишсиз. Сизга ёрдам беришимизни ҳам сўрадилар.

– Демак, масхара нишонига айлантирибдилар-да.

– Яна ўйламай гапиряпсиз.

Аччифингиз тарқамаган шекилли. Аслида, муаллиф гаплари самимий бўлиб чиқиши ҳам мумкин-ку. Сиз уни аввало еру кўкка ишонмагансиз, мана энди эса...

– Келинг, ярамга туз сепманг.

– Тузни аллақачон ўзингиз сеппиб кўйгансиз. Майли бу гапларни кўйиб турайлик. Мен кўлёмза билан танишдим. Ўзгартишларингизнинг кўпига кўшилдим. Яхши муҳаррирлигингизни, ҳалол ишлашингизни биламан. Аммо Катта ёзувчилар кўлёмзасига хушёр бўлиш керак. Худа-беҳуда қалам урмаслик керак. Қаранг: “У юпун, ҳилвираб қолган гавдасини аранг кўтарди” гапини, сиз: “Бемор ҳилвираб қолган гавдасини аранг кўтарди” қилиб ўзгартиргансиз. Менимча, бу ерга тегмасангиз ҳам бўларди. Ёки: “Баданидаги чизиқлар калтак изларига ўхшаса ҳам у ўзини калтакка тутиб берадиган киши эмаслиги кўриниб турарди. Доктор унинг бошига бирор иш тушган, деган ўйга борди” деган гапларини, “Баданидаги чизиқлар изларига ўхшаса-да, у ўзини савалашларига кўйиб берадиган жабрдийдалардан эмаслигини сезган доктор, тақдир шу кўйга солибди, деган ўйга борди” қабилида ўзгартиргансиз. Ҳар тўрт-беш саҳифадан сўнг шунақа ўзгартишларга дуч келавериш, тўғриси, менга ҳам оғир ботади. Хуллас, сизга қандай ёрдам беришга ҳайронман. Муаллифингиз икки оёғини бир этикка тикиб олган. Балки уни тушунишимизга тўғри келар.

– Сиз ҳам “уйдаги гап” демоқчисиз-да.

– Биласиз, касбимиз кўпроқ ўзимизнинг эмас, муаллифнинг хоҳишини ҳисобга олишни тақозо этади. Айниқса, сизнинг муаллифингизга ўхшаганлар дуч келса. Агар йўқ, десангиз, редсоветга кўйиб масалани бир ёқли қилишимиз мумкин.

– Редсовет ҳақида мен ҳам ўйлаб кўргандим, унда тақриздаги баъзи кўрсатмаларга суяниш мумкинлигини ҳам ҳисобга олдим. Фақат совет

аъзоларига унчалик ишонмаганим учун бу фикримни айтмагандим. Сизнинг гапингиздан сўнг ўша таасуротлар ҳар қанча нордон бўлмасин, муаллиф билан гаплашиб олиш керак, деб ўйлаяпман.

– Юзма-юзми?

– Юзма-юз бўлса, юзма-юз-да.

– Тағин Шерлок Холмсга муҳтожлик сезиб қолмайлик.

– Аввало, иш бунгача бориб етмас, кейин мен ўзгартишларимнинг эллик фоизи юзимни ерга қаратмаслигига ишонаман. Қолган баъзи бирлари ҳақида ҳам пичоққа илинадиган гаплар айтишимиз мумкин. Фақат кўлёмзани яна бир сидра кўриб чиқишим керак. Редсоветга кўймайдиган бўлсак, албатта. Аслида ўзгартишлар муаллиф ваҳима қилган даражада кўп эмас. Мен унинг саҳифалардан қараб турган кўзларига тикила-тикила ишлаганман. Меҳнатимнинг, ҳеч бўлмаганда, ярми ҳисобга олиниши керак.

– Ана можаро. Қиссамиз ҳам трагедияга айланиб кетмасайди, – дея жилмайди Бош муҳаррир.

– Қиссадаги трагедия унсурлари пухта пардаланган. Мен бир ўқувчи сифатида бу пардани сал кўтариб саҳнага мўраладим холос. Фожиага дуч келаман деб ўйлагандим, аммо адашибман, мен ҳам ҳазил аралаш жавоб қилдим.

– Эй, яшанг! Бу ҳақиқий муҳаррирнинг гапи бўлди. Энди сизни муаллифингиз билан яраштириб кўйганим бўлсин.

– Сиз жиддий гапиряпсизми?

– Нима, кўрқяпсизми?

– Кўрқишга-ку кўрқмаяпман-а.

Аммо шундай катта жанжалдан сўнг биз ярашадиган бўлсак, Давлат мукофотининг лауреати, депутат билан борди-келдига тўғри келади, деган хавотирдаман-да.

– Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, сизни яраштириб кўя олган одамнинг кўлидан уриштириб кўйиш ҳам келади, – дея яна жилмайди Бош муҳаррир. – Майли, менга омад тиланг-да, ҳозирча бошқа кўлёмзани ишлайверинг.

– Омадингиз чопганга ўхшайди, жўра, – дея тушдан кейин хонамга

кириб келди Бош муҳаррирнинг ўзи. – Муаллифингиз билан гаплашдим. Шанба куни соат учларда кутадиган ва ишни бир ёқли қиладиган бўлдик.

– Сизни ҳам таклиф қилдиларми, шунча оворга қилганим етмагандай...

– Ҳечқиси йўқ ёки ёғлироқ гап чиқиб қолса, насибангиз яримта бўлишидан чўчияпсизми?

– Айтганингиз келса қани эди. Насибамнинг ҳаммасини сизга бахш этардим, ёғли нарсаларга унча хушим йўқ.

– Бўпти, гапдан қайтиш йўқ, келишдикми?

– Қайси гапдан?

– Уйдаги гапдан-да.

– Нимага бунча ишонапсиз, ҳайронман, ё муаллиф бирон нарсага шама қилдими?

– Таваккалчилик баъзан қўл келиши мумкин, дейлик, эзгу ишларга қўл урганингизда.

– Шубҳаларингизни кўйинг, дўстим. Ишнинг битарини кўрайлик. Хуллас, гап шу. Кўлёмзани ўзингиз олволасиз. Сизникига шанба куни икки яримларда ўзим бораман. Трамвайга осилиб юриш жонингизга ҳам тегиб кетгандир. Маъқулми?

– Сизнинг гапингизни қачон икки қилгандиму энди бўйин товласам.

– Мана энди очилияпсиз. Тағин, кўлёмзанинг устидан бир сидра кўриб чиқишни нутманг. Иккимиз ҳам шарманда бўлиб ўтирмайлик, дейман-да.

Шанба куни Бош муҳаррир айтган вақтида етиб келди. Мен кўлёмзани кўлтиққа урдиму унга пешвоз чиқдим ва саломлашгач, даврингизда бир яйраб қолайлик, дея олд ўриндиққа жойлашиб олдим.

– Сизда инсоф борми? – кулимсиради Бош муҳаррир машинани юргизаркан. – Уйингизга таклиф ҳам қилмайсиз.

– Барибир уйда тишга босадиган ҳеч вақо йўқ, хомтама бўлманг. Ўзим ҳам тушлик қилмай сизни пойлаб ўтиргандим.

– Ёғли нарсаларга хушингиз йўқ эди шекилли?

– Сиз ўша, қурумсоқ муаллифдан қон чиқишига ростдан ишонасизми?

Икки марта борганимдаям олдимга бир пиёла чой кўйгани йўқ у.

– Мен сизнинг шу гапингизни у кишига айтсам, бир пиёлагина чойнинг эмас, бутун бошли чойнакнинг баҳридан ўтиб қоладилар.

– Урадилар ҳамми?

– Нима, эшитмаганмисиз?

– Э, унда зўр эканлар! Биз ҳам қараб турмаймиз.

– Нега биз деб гапиряпсиз?

Мени нимага тортаётганингизни биласизми?

– Унда сиз кўчада машинангиз эшигини очиб, кўённинг расмини чизиб турасиз. Мен ишни бир ёқли қиламану...

– Ўзингиз бир ёқли бўлиб қолсангиз-чи?

– Э, нафасингизни иссиқроқ қилинг, оғирим ўзингизга тушади-я.

– Ҳали шу юрак билан у кишига ёлғиз ўзингиз рўпара бўлмоқчимисиз?

– Сиз оёқ тираб тургач, иложим қанча.

Гап билан бўлиб, манзилга етганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Машинани четроққа кўйиб, эшикларини қулфлагач, йўлга тушдик.

– Қани, бошланг.

– Э, йўқ, ўзларидан.

Ҳазилнинг охири зил бўлмасин, деб эшик олдида турибман.

Эшикни Катта ёзувчининг ўзи очди-да, Бош муҳаррир билан:

– Э, сенмидинг, биродар, – дея қуюқ сўрашди. – Мен кечроқ келсанг керак деб ўйлаб ўтирган эдим. Сўнг худди биринчи бор кўраётгандек менга ҳам илтифот билан қўл узатди. Мен: “Ассалому алайкум!” – деб қўлларини олдим. Ёзувчи: – Бу киши ким? – деб Бош муҳаррирдан сўради.

– Танимаяпсизми, устоз?

– Кўз қурғур баъзан панд беради-да. Овозларидан танишга ўхшашаптилар-у... Қани, аввал уйга кирайлик-чи, ўша ерда таништириб қўясиз.

Катта ёзувчининг “Э, биродар, сенмидинг!” деб қуюқ сўрагани-ю, Бош муҳаррирнинг “Устоз” лаб хурматлагани мени ҳайрон қолдирди. “Насиба”-ю, “ёғли гаплар” ҳақидаги пичинглар ростга ўхшаб туюлди. Ёзувчининг мен билан гўё орамиздан ҳеч нарса

ўтмагандай муомала қилгани ҳам қизиқ бўлди.

Катта ёзувчи бизни ижодхонасига эмас, дастурхон тузалган меҳмонхонасига бошлади. Меҳмонхонага кўзим тушди-ю, юрагим типирчилай кетди.

Стулларга ўтиришгач, ёзувчининг ўзи: “Қани, омин, қадам етди, бало етмасин”, – дея фотиҳа ҳам қилди. Биз унга қўшилдик. Кейин у: “Қизим, бу ёққа бир қараб юбор”, деди.

Юрагим бир хавфни сезгандек, қаттиқроқ ура бошлади. Мен бу ўша фаришта бўлса керак, уйларида шарманда чиқиб кетганимни кўрганди, яна менга кўзи тушиб, қандай ўйларга бораркин, дея ич-этимни еб ўтирибман.

Айтганимдек, ўша фариштанинг худди ўзи меҳмонхонага оҳистагина кириб келди-ю, аввал Бош муҳаррирга, кейин менга илгаригидек одоб билан салом берди. Сўнг: “Келинлар, хуш кўрдик”, деди ёқимли овоз билан.

– Кел, қизим, ўтир. Оиламизга бугун янги меҳмон ташриф буюрди. Сен эса бу кишини энди бизникига қадам ҳам босмайди, деб айтгандинг. Хўш, мен нима деган эдим. Ана, кўрдингми, келганлари учун кечирим сўрагандек ўтиришларини...

Аввалига гап мен ҳақимда бораётганини яхши пайқамадим. Пайқагач эса бўларим бўлди. Жонимга фариштанинг маънодор “Дада!” деб кўйгани оро кирди.

– Хўп-хўп, оппоқ қизим! Қарияларнинг эзмалигиям бор бўлсин, – дея гапини давом эттирди ёзувчи. – Хуллас, биродарлар, шоир айтганидай: “Уртада бегона йўқ”. Айтгандай, сен бегонасан-ку, қизим.

– Нега мен бегона бўларканман?

– Унда ўзингни таништир-да.

Кулишдик.

– Насиба.

– Раҳмат. Мен ўша – бадарга қилинган муҳаррирман, – дедим жилмайиб.

– Мана, танишиб ҳам олдик.

Сезган бўлсангиз керак, иним, – дея менга мурожаат этди ёзувчи. – Биз бегоналарга жуда қаттиқ қараймиз.

Ёзувчи негадир бугун ўзини самимий тутар, ҳар бир гапи билан бизни жилмайишга мажбур этарди.

Насиба: “Э, эсим курсин, чой келтирмабман-ку”, дея чиқиб кетди.

Бош муҳаррир менга қараб кўз қисиб қўйди. Мен кўрмаганга олиб, бошимни эгдим. Ёзувчи: “Узр, дўстим”, – дея мени ўзига қаратди. – Сизга ўхшаган ҳалол, уятчан одамларни учратсам, тилла топган камбағалдек ҳаддимдан ошиб кетаман. Хафа бўлмайсиз, ҳазилни бироз ошириб юбордим. Роса сўкиб юргандирсиз ўзиям-а. Аммо зўр экансиз, яшанг, таслим бўлмадингиз. Мен мана шу акангиздан сўнг бирорта муҳаррирга ёлчимагандим. Сизнинг ишингиз билан танишдим-у, ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Аммо баъзи ўринларда мендан ҳадиксираганингиз таъбимни хира қилди. Ўзгартишларингизни ҳисобга олиб, қўлёмани қайтадан машинкалатдим-да, сизни чақирдим. Қарасам, остонада худди менинг югурдагимга ўхшаб одоб икром билан яна хурсанд ўтирибсиз. Аввалига қоним қайнади, сўнг бир комедия кўйсаммикин деган шум ният хаёлимни чулғади-да, эшикка Насибани рўбарў қилдим. Муаллифингизни бу ўзбошимчалиги учун маъзур тута-сиз энди, иним.

Мен нима деяримни билмас, етти ухлаб тушимга кирмаган гапларни эшитаётганимдан ҳам хурсанд, ҳам аллақандай ғалати бўлиб ўтирардим.

Шу пайт Бош муҳаррир мийиғида жилмайди-да: – Э, устоз, сиз бу кишини бекорга мақтаб юбордингиз. Сиз ҳақингизда менга айтган гапларини эшитсангиз, ҳозироқ иккимизни ҳам ҳайдаб юборасиз. Бу жуда ёмон бола, – деб қолди.

– Ёмон бола, деб астароқ айтасизми. Қани эди бу кишига ўхшаган ёмон болаларимиз кўпроқ бўлса. Мени шу ёмон болага йўлиқтирганингиз учун сизга минг бор қўллуқ қиламан. Йўқса, калтак билан қамчинни фарқлолмайдиган ёзувчи деган ном орттиришим турган гап эди қариган чоғимда.

Уёқ-буёқдан суҳбатлашиб кунни кеч қилдик. Кетар чоғимизда ёзувчи қўлёманинг янги нусхасини бизга узатар экан: – Йўқ бўлиб кетманглар, ўз уйлариңг, – дея қуюқ хайрлашиб қолди.



Озод МЎЪМИН ХЎЖА

# Қасос

Фантастик ҳикоя

Ҳозирги замонда нима кўп, одамларнинг бир-бирларидан қарздорликлари кўп. Айтайлик, бир йигит тижоратчи. Унга кимдир тўсатдан арзон нарҳда харидоргир маҳсулот таклиф қилади. “Тез сотиб ол, эртага бўлмайди. Бугун нақд тўлаб, уни қўлга киритсанг, эртага икки баробар қимматига пуллайсан – зўр фойда қиласан! Эгасига пул зарур экан...”, дейди. Хаттоки, ўша маҳсулотни кўрсатади. Аммо бу тижоратчи йигитда маблағ йўқ. Ҳаммасини бошқа ишларга сарфлаб қўйган. Шунда, у катта фойдадан куруқ қолмаслик умидида, зир югуриб, ўзидан пулдорроқ дўсти олдига зинғиллаб боради. “Оғайни, менга палон миллион сўм бериб тур! Нар и борса уч кунда қайтараман! Мени қандайлигимни биласан, ҳеч қачон ҳеч кимни алдамаганман. Сўзим – сўз! Гапим – гап!..” Воқеанинг бу ёғини тушунгандирсиз. Тижоратчи қарз олиб, пулни ваъдабознинг қўлига тутқизади. Шундан сўнг, на маҳсулотни, на унинг ўзини топади. Оқибатда ўзи катта қарздорга айланади. Яқин оғайнисининг душманига айланади.

Ёки бошқа ҳолатни олайлик. Бу ҳозирги замон айрим дўкон-

дорларига хос. Улар ишлаб чиқарувчидан, шартнома тузиб, маҳсулот олишади. Кейин: “Менинг нақд ҳаражатларим кўп, ҳали ўт ўчирувчилар, ҳали ҳуқуқ посбонлари, ҳали санитария ходимлари – хуллас уларнинг ҳаммасини рози қилмаса бўлмайди, шунинг учун бир партия маҳсулотни нақдга беринг, сотилгач, пулингизни бераман!” – дейди. Ишлаб чиқарувчида худди шундай муаммолар мавжуд. У дарҳол айтилганни бажо келтиради. Уч-тўрт марта шундай ишлангандан сўнг, дўкондор қилиқ чиқаради. “Ана молингиз турибди, ҳаммаси сотилмади, таниш харидор келганди, пули камроқ экан, насияга бериб юбордим!” ва ҳақозо баҳоналар чексиз вақт тўқиб борилаверади. Корхона эгаси уни судга беролмайди – сабаби маълум. Шундай қилиб, у бир партия маҳсулотга “аъзо” бўлади. Дўкондор эса бу пайтда бошқа ишлаб чиқарувчи билан худди шундай мулоқотга киришган бўлади. Ҳозир ким кўп – ишлаб чиқарувчи кўп!

Яна бир турдаги дўкондорлар мавжуд. Улар асосан харидорларни чув тушириш билан шуғулланишади. Улар сифатсиз ва арзон маҳсулотларни мақтаб-мақтаб

қимматга сотадилар, нарх-наволардан хабарлари йўқ одамларни лақиллатиб, бир сўмлик молни юз сўмга пуллайдилар. Ўзимизда чиқарилган маҳсулотларга бошқа этикетка ёпиштириб, чет элдан келтирилган, сифатига гап йўқ, деб, катта фойда оладилар.

Шунинг учун, шундай хилдаги дўкондорлар янги-янги машиналарда юришади. Янги уй-жойлар қуришади. Лекин, шундай “бизнес”нинг оқибати ҳақида улар ўйлаб кўрганмилар? Билмайдиларки, менинг ташкилотим ходимлари улар ҳақида барча маълумотга эгалар ва ҳар дақиқада жазолашга тайёр турадилар. Менинг биргина ишорам бўлса, кифоя.

Ҳа, менинг махсус ва махвий ташкилотим худди шундай ўзгаларнинг ҳақини алдов ва товламачилик йўллари билан ўзлаштирувчи дўкондорлар билан шуғилланади. Ҳа, фақат дўкондорлар билан! Бошқа турли хилдаги товламачи ва фирибгарлар бошқа ташкилот томонидан кузатилади ва вақт келганда қақшатқич зарба оладилар. Менинг, бу шаҳарда қанча бозор бўлса, ўшанча ходимим бор. Дарвоқе, ўзимни яхшилаб таништирай,



тагин бу одам ўзини ким деб фараз қилаяпти, деб, бошимда ёнғоқ чақиб юрманг!

Мен на милиция, на прокуратура ва на бошқа ҳуқуқ идораларига бўйсунмайман. Чунки, мен ва ташкилотим ходимлари ўзга сайёраликмиз. Биз бу ишни яширин тадқиқот сифатида олиб

бормоқдамиз. Биз истаган қиёфага кира оламиз, хоҳласак, кўринмас бўлиб ҳам юра оламиз. Биз ҳамма одамларни кўрамиз, бизнинг мавжудлигимизни ҳеч ким сезмайди. “Унда, Ер юзидаги одамларни қилмишлари учун жазолашга нима ҳаққингиз бор? Ўз тадқиқотингизни ўтказинг-да,

сайёрангизга жўнаб қолинг!”, дейишингиз мумкин. Ва-ха-ха... Ахир, ҳеч ким бу олғирларнинг мушугини пишт демаса, аксинча, улар ўз пулини сўраб борган одам устидан милицияга тўхматона арз қилиб, қаматиб юбораётган бўлсалар, натижада бечора жабрдийданинг ҳаёти

синаётган бўлса, кимдир уларни жазолаши керакми, йўқми? Хуллас, менинг мантиқим шундай. Биласизми, қасос жуда фойдали нарса. Айниқса, ҳар ким бировга қилган жабри учун қасос олиниши муқаррарлигини билса, ўта фойдали. Кимга фойдали?.. Жамият ривожланиши учун-да! Мен ҳам онгли мавжудотман, менда ҳам қалб бор. Менда ҳам ҳақиқат сари интилиш бор. Мен ҳам чорасиз қолганларга ачинаман. Ва улар учун ўч олишни севаман. Ёмонларни жазолаш имкониятим бор экан, нега бундай ишдан бўйин товлай?..

Энди, сизга бир воқеани айтиб бераман. Диққат билан тингланг.

Ҳар куни кечқурун ўтказиладиган хулосавий йиғилишимизда ходимларимнинг бири ўз бозори худудидаги бир инсоният вакили тўғрисида маълумот берди.

– Командор! Бир одам бор. Олғирларнинг олғири! Пасткашларнинг пасткаши! Уни зудлик билан жазоламасак бўлмайди!

– деди у.

– Сабаб? – сўрадим мен. – Одатда, биз арқонни узун ташлаймиз-ку!

– Уни нафақат жазолаш, балки ундан қасос олиш даркор! – хитоб қилди у.

– Нега, ахир? – саволимни қайтардим мен. – Сабабини билишим шарт!

– Ўзингизга маълумки, биз иложи борица қасос олишни кечиктираемиз. Аввал, унинг тушига кириб огоҳлантираемиз. Шунда ҳам эс-хушини йиғиб олмаса, боласига касаллик юқтираемиз. Бу восита таъсир қилмаса, дўконига очкўз текширувчиларни юборишни ташкиллаштираемиз, токи улар унинг бор-йўғини шилиб олсинлар ва у чуқур ўйга тўлсин, қилмишларини таҳлил қилсин деб.

– Ўша одамнинг бу босқичлардан ўтдими?

– Ҳа, аллақачон ўтган.

– Нима, барибир, ўз қора ишларини бекам-у кўст бажариб юрибдими?

– Ҳа! У ёшлигидан шунақа. Мана, янгилари. Бир неча ой илгари ёшлиқда бирга ўсган оғайнисини ҳамкорликка чорлади. Бирга савдо корхонаси очайлик, сен қонун-қоидаларни яхши биласан, мен раҳбар бўлсам ҳам барча ишни ўзинг юритасан, фойдани қоқ ўртасидан бўлиб ишлаймиз, деб таклиф қилди. Дўсти ишониб, рози бўлди. У барча мураккаб ишларни оғайнисига топшириб, ўзи фақат тушган пулларни тақсимлаш мажбуриятини олди. Очкўзлигидан, хаттоки, солиқ кодексининг қонун-қоидаларига бўйсунмай, маблағларни чўнтакка ура бошлади. Шеригига-ю онда-сонда, мана сани улушинг деб, озроқ пул ташлаб қўя бошлади. Ҳаммадан эътиборлиси, биз уларнинг корхонасига текширувчилар юборганимизда кўзга кўринди. Топилган камчиликлардан у дарҳол бўйин товлади ва корхонамнинг иш юритувчиси мана бу йигит, мен номигагина директорман, унинг чизган чизигидан чиқмайман деб, барча гуноҳни дўстининг бўйнига юклаб, ўзи четга чиқиб, индамай тураберди. Яхши ҳамки, мен бош текширувчининг онгига таъсир кўрсатиб, бегуноҳ одамни жабрдан қутқариб қолдим.

– Нега менадан рухсат сўрамадинг?

– Ўзингиз айтгансиз, унар-унмасга безовта қилаберманглар деб! Шароит тақозо қилди, мен руҳий кучимни ишлатдим.

– Унда, майли. Хўш, кейин-чи?

– Кейин, у бошқа бир, таниш-билишлари кўп оғайнисига Дўконларни текшириш департаментида таъсирли одам топилса, ўз бизнесини у орқали ҳимоя қилиш нияти борлигини айтди. Оғайни эса дарҳол ўшандай кишига рўпара қилди. Янги таъсирли одам ёрдам бериб туришга тайёрлигини айтди. Ва вақт келганда, ўз хизматлари тақдирланиши лозимлигини эслатди.

– Хўш, у пул беришни истамагандир. Бировга муллажиринг

узатгунча, жони чиқиб кетган бўлса керак-а?

– Ҳа, худди айтганингиздек бўлди. У шартта юқорироқ идорага ариза ёзиб, ўзидан пора талаб қилинаётганлигини хабар қилди. Ва ўзига ёрдам берган одамни қаматиб юборди.

– Қойил! У жуда ноёб нусха экан!

– Бунинг устига, яқинда яна бир ошнасини чув туширди.

– Йўғ-е, яна қандай усул қўлади? Ўша ошна ҳам аввал унга ёрдам қўлини чўзгандир-а?

– Командор! Сиз ерликларни жуда яхши ўрганибсиз! У ўқишга хафсаласи йўқ ўғлини ўқишга киритишни истаб қолди. Фарзанди ўз кучи билан дорилфунунга киролмасди. У буни яхши биларди. Шунинг учун, ўша ошнага бориб, сени дорилфунунларда таниш-билишларинг мўл, ўғлимга ёрдам бер, ўқишга кирсин, “соққа”сини албатта бераман деб ваъда қилди. Ошна эса керакли одамларни топиб, унинг фарзандини ўқишга киритди. Пул беришга келганда, у: “Ошна! Ёнингда бўлса, бериб юбор, мен ҳозир қийналиб турибман, кейинги ой етказиб келаман!” деб, келишилган маблағни эмас, фақат бир қоп ваъда берди... Командор! Бу кетишда, у кўпчиликни қақшатади. Айтганларим хамир учидан патир холос! Зудлик билан чора кўринг!

Мен ўйга толдим. Унга қандай жазо берсак экан?.. Автоавария уюштираемизми? Балки, севимли фарзандини ўсал қилиб ётқизиб кўярмиз? Нима қилсак муносиб иш бўлади? Мен ходимларимга боқдим.

– Мана, ўзингиз эшитдингиз. Бу нусхага нисбатан, жабрдийдалар номидан, қандай қасос қўллаш ўринли? Милиция ёки бошқа ҳуқуқ ташкилотлари қўлига топширишдан фойда йўқ. Улар қонун томондан ҳеч нарса қила олмайдилар. Кимда қандай таклиф бор?

Ходимларим бирин-кетин фикрларини баён қила бошлашди.

– Безори, ишқалчи, ҳеч кимдан тап тортмайдиган одамларга

рўпара қилиб, яхшилаб урдириш лозим. Улар унинг бошлаб пўстагини қоқишсин!

– Яна бир шунга ўхшаш нусхани топиб, иккаласининг машинасини бир-бирига урдириб, мажақлатиб, уларни майиб қилиб, касалхонага туширилса, қандай бўларкин?

– Уйига ўғри тушириш керак! Барча топган пулларида ажралсин!

– Бултур узатган қизини эрининг хонадонидан ҳайдата қолайлик! Қизи бахтини йўқотсин!

– Балки, шол қилиб, инвалидлар аравачасига ўтқазиб қўйган яхшироқдир?!

– Уйига ўт туширсак, муносиб қасос бўлар, нима дейсиз?

Бу таклифларнинг барчаси жўяли эди. Бу айтилган қасослар кўп марта ишлатилганди. Лекин, бу сафар мен жуда бир оригинал, илгари қўлланилмаган қасос усулини топмоқчи эдим.

– Йўқ, – дедим мен, – буларнинг барчаси жуда оддий қасослар. Биз шундай усул топишимиз керакки, у қийналиб-қийналиб, дардларига даво тополмай, бу дунё мени нега азоблаяпти, деган фикрлар билан, ўз уйида, хотин – бола-чақасининг орасида эмас, кўчада, бегона одамлар орасида ўлиб кетсин. Ва уни ҳеч ким танимасин. Бу ердаги жамият ушбу нусхадан тозалангани учун фақат шукур қилиб, енгил тортади. Хўш, нима дейсизлар?

Йиғилишда ғала-ғовур бошланди. Ҳар ким атрофдагиларнинг сўзларини эшитмай ўз фикрини баён қиларди.

– Бўлди, тўхтанглар! Галма-гал гапиринглар! – қичқирдим мен.

Биринчи бўлиб, ўша таклиф киритган ходимим фикрини айтди.

– Тўппа-тўғри! Мен шу ғоя тарафдориман. Фақат унга қандай бедаво дард берамиз?

– Инфаркт! – хитоб қилди бошқа бир ходим. – У яхшигина оғриқ беради. Инсон роса азоб чекади.

– Йўқ, бўлмади, – дедим мен. – Бу касаллик ҳозир яхши даволанаяпти. Ўзини асраган кимса узоқ яшаяпти.

– У ҳолда, инсультни таклиф қиламан! – деди у жавобан. – Кучли инсультни даволаш жуда мушкул.

– Йўқ, бу вариант ҳам бўлмайди. Бемор комага тушиб, азоб чекаётганини яхши ҳис қилмайди.

Биринчи ходимим қўл кўтарди. – Хўш, ўзингга нима фикр келди? – сўрадим мен.

– Унинг вужудида, менимча, рак, яъни саратон касаллиги пайдо қилган маъқул. Сабаби, бундай бемор то ўлгунча оғриқдан азоб чекади, аксарият ҳолларда дори-дармон ҳам, жарроҳлик операцияси ҳам фойда бермайди. Биз тез ривожланувчи рак варианты танласак, у ярим йил – бир йил давомида азобланиб ўлади ва қилмишларини эслайди, бошқаларни алдаб, чув тушириб топиб, босиб ётган пуллари кўзига ҳам кўринмайди. Уларнинг ҳаммасини дорилар ва муолажаларга сарфлайди. Етмаганига машинасини сотади. Вафотидан олдин унга бир оз енгиллик берамиз ва у ўзини яхши ҳис қила бошлагач, қаергадир, бирон сафарга жўнатамиз. Бегона шаҳарда, бегона одамлар орасида, кўчада тўсатдан вафот этади. Унинг кимлигини аниқлашга анча кунлар кетади. Танаси сасиб кетади. Ҳаром пулга катта бўлган фарзандлари эса оталарининг мурдасини ўзга юртдан олиб келиш учун қариндош-уруғдан ёки таниш-билишлардан пул қидиришади, овора-ю сарсон бўлишади.

– Ким рози?! – сўрадим мен йиғилиш аҳлига қараб.

– Барчамиз! – ҳамма бир овоздан жавоб берди.

– Унда мажлис тамом. Ушбу қарорни амалга оширишни ушбу иш учун маъсул бўлган ходимимизга топшираман. У вазифа бажарилгунча, бизга вақти-вақти билан, яъни ҳар ҳафта маълумот бериб туради. Гап тамом – вассалом!

Айтилган кимсадан, ўн ойлик чидаб бўлмас оғриқли азоб-уқубатларга дучор этиб, барча жабрдийдалар номидан қасос олдик. Унинг руҳи янада азоблироқ оловли дунёга равона бўлди.

Шундан бир ойча ўтгач, мен унинг бирон фарзанди, айтайлик, қизи билан суҳбатлашиб кўришга қарор қилдим. Минг қилса ҳам, тадқиқотчиман-да. Қани, ерликлар бутун умр ифлослик билан шуғулланган оталари ҳақида нима дейишаркин?

Мен ўша нусханинг таниши, онда-сонда уйларида бориб, учрашиб турадиган қариндош суратига кирдим-да, йирик савдо мажмуаси ичида айланиб юрган киши бўлиб “тасодифан” унинг қизи билан учрашиб қолдим. У мени таниди ва салом берди.

– Ва алайкум ассалом. Қалай соғлиқларинг яхшими? Хафа бўлмай юрибсанми?

– Амаки, нима ҳам қилардик. Дунёнинг ишлари шунақа экан... Кўп умр кўрмадилар.

– Ҳа, тўғри айтасан. Ҳаёт жуда бешафқат.

– Ҳали яшасалар бўларди. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаганлар. Қўй оғзидан чўп ҳам олмасдилар. Одамларга жуда меҳрибон эдилар. Барча дўстларини севардилар...

– Майли, сизларга сабр тилайман, – дедим мен қийинлик билан ҳайратимни яшириб, ва шошилиб турганимни баҳона қилиб, нари кетдим.

Таажжуб! Жуда таажжуб! Бизнинг сайёрада оқни оқ, қорани қора дейишади. Шунинг учунми, биздаги тараққиёт бутун Сомон Йўлида энг илғорлардан ҳисобланади. Сизларда эса... Таажжуб! Лекин, барибир, биз бор эканмиз, тараққиётингиз олға бораверади. Мен бунга ишонаман ва бунинг учун, ёмонлардан қасос олишлар орқали, ўз ҳиссамни қўшавераман...



**Меҳмет ТОШТЕМИР,**  
Турк адиби

# Ёввойи мушукнинг муҳаббати

ҲИКОЯ

Ҳеч ким тушдаги рўёлар ичра яшашни истамас зотан. Синиқ, паришон тушлар ўлимга ўхшаган алла-нечук совуқ ҳислар уйғотади қалбда. Томдан тараша тушгандай нега сизга бундан гап бошладим, билмайман.

Сиз ўйлаганингизчалик эркатой, бебош эмасман. Сиз мени инсон каби мулоқот қилаётганимга қараманг. Аслида бир тайин-туруғи йўқ, кўчадан паноҳ топган дайди, ёввойи мушукман. Кўча менга пушти паноҳ бўлганига ҳам беш йил бўлди. Жажжигина мушук боласи бўлганимда неқадар бахтли эдим. Онам зотдор уй мушуги эди. Биз яшайдиган хонадон бекаси Ҳижрон хоним ниҳоятда лобар аёл эди. Ҳатто қоп-қоронғу тунда ҳам ҳусни ярқираб, кўзни қамаштирар, ранг баранг либослар билан ороланганида эса ҳаммани сархуш қиладиган гўзал жонон эди. Онам ҳам гўзалликда ундан қолишмасди. Оппоқ, момиқ туклари кўз қувнатарди. Ҳаракатлари назокатли, гўзал эди. У ёғини сўрасангиз ҳамма мушуклар ҳам гўзалдирлар. Ахмоқларгина мушукларни камситади, ялқовликда айблади ва уларнинг гўзаллигини кўролмайди. Аслида мушукларнинг дангасалик бўлиб кўринган юввошлиги ортида чаққонлик ётади. Туғилганидан одобли, фаросатлидир мушуклар. Улардаги назокат одобининг тожи

ҳисобланади. Ўрни келганда айтиб кўяй, мушукларни нонкўр дейдилар. Агар бирор мушук кимгадир нонкўрликка ўхшаган муносабат қилган бўлса, ўша кимса қилғилигига яраша жавоб олибди! Мушукнинг кўрнамалиги— ўзига нисбатан ҳақорат ва камситишга берилган жавобдир.

Ҳижрон хоним онамни ҳеч масхара қилмасди. Бирор марта онамнинг бошига туртмади. Ахир онам зотдор мушук эди-да! Онам хонимини шу қадар севардики, бу муҳаббат уни соҳибасининг севимли аксессуарига даражасига кўтарди. Яъни Ҳижрон хоним қаерга бормасин онамни кучоғида кўтариб кетарди.



Ҳар ҳафта онам билан Ҳижрон хоним сартарошга боришарди. Тунда бирга ётардилар. Бу ҳол менга ёмон таъсир қилса-да, билинтирмасликка ҳаракат қилардим. Тўғрисиям-да, Ҳижрон хоним онамни кучиб ётиши ортиқча эди энди. Она дегани боласи билан ётмасми?! Ўзимни етимдай ҳис қилардим. Онамнинг Ҳижрон хоним билан ухлаганини ўйлаб туни билан йиғлаб чиқардим, устида ётганим — тўшанчиқ ҳўл бўларди кўз ёшларимдан. Тушларимда онамни кўрардим. Кўзларимни очиб онам томонга чопардим. Ҳижрон хоним сепган ифтор ҳиди анқиб турган онамни кучардим. Сўнг Ҳижрон хоним мени кўтариб тўшанчигим устига олиб келиб кўярди. Мен ҳам улар билан ётсам нима қиларди? Билмадим, онамга ҳеч бу ҳақида сўз очмагандим. Баъзан Ҳижрон хоним жуда ғазабга тўларди. Кўлига нима тушса отқилаб, асабийлашиб эрини кутарди. Шу ҳолида ҳам бир кўли билан онамнинг бошини силарди. Онам унинг аҳволига эътибор бермагандек, жимгина ўтирарди.

Ҳижроннинг эри ҳар доим хотинидан кейин ётоққа кирарди. Уятсиз, демасангиз айтаман: улар узоқ ўпишишарди. Ҳижрон нозланишни бошлаган сари мен уларни пойлашга тушардим. Онам кўйиб берса-ку, бунақа пайтда югуриб бориб ўртала-



рига кириб олардим. Нима қилардилар мени? Нари борса оёқларимдан ушлаб ётоқдан улоқтирардилар. Лекин ҳеч бу ишга жасорат қилолмадим-да.

Ҳар кеча бу манзара такрорларди.

Бир оқшом ҳеч кимга билдирмай уйдан қочиб чиқдим. Зекикиб, сиқилиб кетгандим шу уйда. Аммо юрагимда ғазаб, араз бўлмаса, роҳатли уйни, иссиқ тўшанчиғимни, онамни, меҳрли қўлларни ташлаб ўзимни ишончсизликка тўла охири-боши йўқ кўчаларга, очликка, кичик пешонамга ёпишган тузалмас яра каби бахтсизликларга ташлармидим? Исён— жуда қиммат тақинчоқдир. Кўчани ўзларига макон қилганлар ўлимни чўнтақларидаги билетдай ўзлари билан бирга олиб юрадилар. Кўча— ўлимдай йўқотишлар маконидир. Билмаганлар учун йўқотиш, кўчада яшайдиганлар учун эса ҳақиқий трагедик асарнинг ўзгинаси! Кўчада вақт жуда узун кечади. Ёввойи мушук учун вақт фақат очликдан иборатдир. Аммо совуқни қандай унутаман мени? Онамникига ўхшаган кўзни қамаштирадиган тукларим қисқа пайтда эчкининг жунига ўхшаб қолди. Юрагимда дард, азоб, хавотир кўтариб юргандим. Қаерга қарамай, охири ўлим билан тугаши муқаррар тузоқ кўринарди.

Уйни жуда соғинардим. Аммо энди у ерга қайтолмасдим. Онам менинг дардимда ўлиб кетганди. Ҳижрон хоним ўзига бошқа бир мушук топиб олганди. Қайси бир мушук эди у? Жуда қизиқардим Ҳижрон хонимнинг янги мушугини кўришга. Онам каби гўзалмикан уям? Ҳижрон хоним гўзаллик шайдоси эди. Шунинг учун ҳам дуч келган мушукни уйига киргизавермасди. Агар уникига борсам, онамга ўхшаганим учун балки мени қабул этармиди? Аввал мени ҳаммомга туширади, сўнг вужудимдан кўча изларини йўқотарди... Аммо... руҳимга кўча қусурлари сингиб кетган-ку!

Уйдан қочганимдан бери Ҳижрон хонимни ўйламаган, уни соғинмаган куним бўлмади. У мени беш йилдан бери бирор марта ҳам кўрмади. Ле-

кин мен уни ҳар куни кўраман. У ҳатто менинг уни кўришимни хаёлига ҳам келтирмайди. Худди ҳозиргидек. Ана яна ёмғир бошлади. Ҳижрон хоним пушти соябонини очди. Устига ярашиқли палто кийган. Сочлари қоп-қора, текис, узун. Қув кўзлари атрофга ўйинқароқлик ва шўхлик билан боқади. О, Танграм, бу қадар гўзаллик?! Бир зумда қаршисидан чиқиб унга бўлган туйғуларимни изҳор этгиларим келади. Орадан қанча йил ўтди. Мени танимаса ҳам керак ҳаттоки. Балки мени бир тепиб йўлида давом этар? Аммо бунчалик деб ўйламайман. Ҳижрон хоним бу қадар дағал эмасди. Фақат кўнглимни ўртаган бир савол бор; шу пайтга қадар унга туйғуларини очган бирор мушук бўлдимикан? Энг яхши йўл — унинг ортидан тушиб, кузатиш!

Мана, соябонини йиғиштирди. Боғ эшигидан ичкарига кирди. Энди кўролмамайман уни. Отга кўшилган арава эшигининг қарс этиб ёпилган овози эшитилди. Орадан бироз пайт ўтиб яна қайтиб чиқди. Девор тагида биқиниб уни кузата бошладим. Балки сартарошга бормоқчидир? Юзида мамнунлик табассуми зоҳир эди. Театр йўлини тутди. Ҳа, демек тахминим янглиш чиқмади. Бу ёмғирли ҳавода эшик олдида кутиш жонимни ҳиқилдоғимга келтиради. Аммо Ҳижрон хоним кўз олдимда экан, ҳеч қандай машаққат писанд эмас. Нам суяк-суягимдан ўтиб кетса ҳам ғам емайман.

Бир пайт ортига ўгирилиб менга қаради Ҳижрон. Мени кўрди деб ўйладим. Юрагим тўхтаб қолгандек бўлди.

Уйдан қочмасайдим Ҳижроннинг қучоғида бўлардим, унинг ичимни титратган тафтини ҳис қилардим ҳозир. Балки ҳеч нимадан беҳабар, бахтиёр табассум билан ухлаб ётган бўлармидим? Ҳатто тушларимда ҳам Ҳижроннинг қўллари бошимни силарди. Аммо энди буларнинг бари — хаёл! Умрининг беш йилини кўчада ўтказган мушукни ким ҳам уйига чорларди?! Табақаланиш ҳаёт йўлларини айрича этади. Инсонлар табақаланишни осонликча қабул этмайдилар. Одамзод ўзига ўхшаган

мушукни ўзиники қилади. Мушук эгасига ўхшасагина хурматга эришади. Фалати парадокс; уй мушуклари кўчани орзу қиладилар. Гўёки кўчада уларга эркинлик берилади, уйда эса бир буюм каби ҳис этадилар ўзларини. Кўчадан айри яшаш мушукларни ғамгин этади. Аммо уй ҳаловат бўлса, кўча донишмандликдир мушук учун. Менимча ҳар бир мушук қалбида инсон сийрати ётади.

Ҳа, майли, бу гаплар ўз йўлига. Кошки шу он Ҳижронининг овозини эшитардим. Овози ўзгарганмикан? Балки ўша-ўшадир. Унинг ширин сасини эшитсам, ўзимдан кетиб қолсам керак. Унинг борлигини ўйласам ақл-қушимдан жудо бўламан. Бу телбаликнинг оти— ишқдир.

Гўзаллик салонида сартарош Ҳижроннинг сочларини тараяпти. Ҳижрон ҳар доимгидек сулув бўлиб ойнага қараяпти. Ундан ажиб ифор таралади. Ҳидини туяпман шу онда. Аҳд қилдим — Ҳижрон гўзаллик салонидан чиққан захоти қаршисига чиқаман. У кўча мушугининг севгисини жиддий қабул қилмаслигини, ҳатто мени мазах қилишини-да биламан. Нимадан кўрқишим керак? Биз ёввойи мушуклар инсонларга ўхшаймиз. Айрим инсонлар “қилт” этмай жиноят қила оладилар. Севгисини изҳор қилиш жиноят эмас-ку? Аксинча, ишқига иқрорлик қаҳрамонликдир! Менга нима ҳам бўларди? Шундоғам кўчада доим ўлим билан қучоқлашиб ётаман. Ҳижронга “сизга ошиқман” деганим билан мени ўлдирадими? Беш йил ичида шу икки сўзни айтиш учун ўзимда журъат топмадим-е! Кўча мушуги бўлсам-да, томирларимда одамийлик фазилатлари бор. Севиш учун жасоратга эҳтиёж бўлмайди, аммо ишқни ошкор этиш учун журъат лозим! Суҳбат мавзусидан узоқлашсам-да, айтиб қўяй, қаҳрамонлик кўпинча ожизлар оғзида сафсатага айланади. Шунинг учун “ўзидан қаҳрамон ясаптимиз” дея мени хўрламанг, илтимос. Зотан шу кунларда ҳаттоки энг ёмон кишиларнинг ҳам шафқатига муҳтожман. Кўча эмас, рад этилиш кўркуви ёлғизлигимни баттароқ ваҳимали қилади.

Сартарош қиз Ҳижрон хонимнинг сочларини турмаклаб қўйди. Бироздан кейин чиқади. Ҳануз кўрмаяптими мени? Бироз юргач унга севгимни изҳор қиламан. Ёмғир ҳам тинмади-я! Ҳеч қачон ҳозиргидек титраб-қалтирамагандим.

Ниҳоят сартарошхонада иши битди. Сартарош қиз Ҳижронга пальтосини тутиб, сумкасини узатди. Ҳижрон хоним худди эртақдаги парилардек гўзал бўлиб қолди. Юрагимни ғариб бир оғриқ кемиради хуснига термулганимда. Ярадор юрак гўёки тубсиз жарлик кабидир. Юрагида яраси борларнинг овози худди жарликка тушиб кетиб, ундан қандай чиқиш йўлларини билолмётган чорасиз кишиларнинг товушидай дардли, изтиробли чиқади. Ҳозир икки-уч қадам юрганимиздан

сўнг мен ҳам ана шундай ожизона ва ғариб овозда унга ишқимни изҳор этаман.

Ҳижрон хонимнинг ортидан юра бошладим. Орамиздаги масофа беш метр ҳам келмайди. Бир зум тўхтади, ўгирилиб қаради. Кўзларимиз тўқнашди. Юрагим танамдан чиқиб кетгулик бўлиб потирляпти. Кулимсираб қўйди менга. Эгилиб орқамни, лой, кир бошимни силади. Ажабо, мени танидимикан? Шахдим кесилди. Айтмоқчи бўлган ҳамма гапимни унутдим. Паришон ва кир ҳолимда мендан ирганмай қучоғига олди. Балки бугундан бошлаб изтиробларим тугаб-битар?

Уйга келдик. Ҳеч ким йўқ одатдагидек. Мени хонасига олиб кирди. Бир пайтлар менга азобли

орзулар берган тунларни хотирладим. Муаттар ифорли сувларда чўмилганларим кўз олдимга келди. Қорним тўйди, исиндим. Беш йилдан сўнг илк бора оқшомни хузурланиб қаршилаётгандим.

Тунда Ҳижрон уйқуга кетди. Менинг эса кўзларимга уйку келмасди. Ҳижроннинг бошига бориб юзига тикилдим. Уй тор қафас каби руҳимни сиқа бошлади. Шаҳд билан кўчага отилдим.

Ҳижрон ҳануз уйқуда. Ер лой, нам. Бир бурчакка тикилиб Ҳижронни ўйладим. Мен ёввойи мушукман. Руҳим кўчага мансуб. Хаёлларим устига паға-паға қор тушмоқда. Ҳурпайиб увишиб ётибман...

Турк тилидан  
**Умида АДIZОВА** таржимаси

## Ақл ёшда эмас!

\* \* \*

Ибн Сино 4 ёшида Қуръонни тўла ёд олган.

\* \* \*

Алишер Навоий 6 ёшидан шеърлар ёза бошлаган ва Фариддин Атторнинг машҳур йирик асари “Қуш тили” (“Мантиқ ут-тайр”)ни тўла ёд билган.

\* \* \*

Буюк Соҳибқирон Амир Темур жуда ёшлигиданоқ феъл-атворида ҳукмдорлик белгилари зоҳир бўла бошлаган.

\* \* \*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида подшо бўлган.

\* \* \*

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини 27 ёшида ёзиб тугатган.

\* \* \*

Усмон Носирнинг биринчи китоби 20 ёшида чиққан.

\* \* \*

Абдулла Қодирий 28 ёшида “Ўткан кунлар”ни ёзиб, эълон қилган.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон 35 ёшида ҳалок бўлган. Лекин шу ёшга қадар унинг номи мангуликка ёзилди.

\* \* \*

Чингиз Айтматов 5 ёшида таржимонлик қилиб, ҳақ олган.

\* \* \*

Атоқли немис шоири Гёте 9 ёшида немис, лотин ва юнон тилларида шеърлар ёзган.

\* \* \*

Рус ёзувчиси Лев Толстой 11 ёшида Москва Кремли тўғрисида биринчи очеркини ижод қилган.

\* \* \*

Атоқли бастакор Моцарт ўзининг биринчи мусиқий асарини 3 яшарлигида, илк операсини эса 12 ёшида басталаган.

\* \* \*

Рус мўйқалам даҳолари Иля Репин, Валентин Серовлар ижодларини 4 ёшдаёқ бошлашган.

\* \* \*

Александр Пушкин “Руслан ва Людмила” номли машҳур поэмасини 17 ёшида ёзиб тугатган. Фридрих Шиллер эса шу ёшга ҳам етмай дунёга машҳур “Қароқчилар” пьесасини ёзган.

\* \* \*

Михаил Шолохов ўзини дунёга танитган “Тинч Дон” романининг биринчи жилдини ёзиб тугатганида 23 ёшга тўлмаган эди.

**Бобурбек ҲАЙДАРОВ** тўплади.

# Юрагимда уйғонди баҳор



Ашурали БОЙМУРОД

## Янги кошона

Ой етаклаб юлдузларини  
Ерга қўнди, эмас афсона.  
Ердан топди илдизларини,  
Қутлуғ бўлсин янги кошона.

Юксаклик ҳам англади пойин,  
Илму адаб шундан нишона.  
Ой-юлдузлар топди ўз жойин,  
Қутлуғ бўлсин янги кошона.

\*\*\*

Ҳеч ким мендек ёнолмас зинҳор,  
Гул сатримга сатрин бўйламас.  
Шеър – илоҳий, бошқаси бекор,  
Ҳеч ким мендек ёниб қуйламас.

Ўзгалардан олмадим туйғу,  
Бировларга асло ҳушим йўқ.  
Илҳом қайнар, қочади уйқу,  
Шеър ёзмоқдин бошқа ишим йўқ.

## Энг ғиройли гул

Юрагимда уйғонди баҳор,  
Сизни дея меҳрим гуллади.  
Бу дунёда энг гўзал гул бор,  
Бу аслида юрак гуллари,

Юрагимда уйғонди баҳор,  
Ишқ хавоси айлаган масрур.  
Гул косага тўлган бир ашўр,  
Тебранади бир туп атиргул.

Юрагимда уйғонди баҳор,  
Ҳар сатримда бурро тиллари.  
Севги васфин айлайди такрор,  
Ёнаётган юрак гуллари...

Юрагимда уйғонди баҳор,  
Бир чаманки, турфа хиллари.  
Менинг севгим қабул эт, дилдор,  
Бу аслида юрак гуллари.

\*\*\*

Юрагингни кенг қил, азизам  
Тор айласанг, қийин ўзингга  
Сен дунёни борича севсанг,  
Ой-қуёшни сиғдир кўзингга.

Сиғдиради дарё, уммонни,  
Ўхшар гўё чексиз йўлакка.  
Сиғдирса-да бутун осмонни,  
Баъзан қил ҳам сиғмас юракка.

Юрак ўзи турфа бир ҳолат,  
Ўзгарувчан инсон наслида.  
Тор келганда қилгаймиз тоқат,  
Чексизлик ҳам юрак аслида.

Кўтаролмас гоҳида гапни,  
Ҳар ишгаки, қодир, керагим.  
Тоғдайин зил улкан бир дардни  
Кўтармоқда муштдек юрагим!



**Ҳабиб СИДДИҚ**

# Амриқолик

## қўшнилари

Ҳажвия

Ишдан қайтсам хотиним гап топиб қўйибди: ёнимиздаги ҳовлига янги қўшнилар кўчиб келаётган эмиш. Яна қаердан, денг. Нақ Амриқодан.

– Қўйсанг-чи, қаердаги гапларни топасан-а?

– Ишонаверинг, аллақандай уюшмами, жамиятнинг йўлланмаси билан урф-одатларимизни ўргангани келаётган эмишлар.

– Ана, энди қўшнилар билан ҳам таржимон орқали гаплашамизми? Ё имо-ишора билан тиллашармикинми?

– Ким билади, дейсиз, дадаси. Унча-мунча инглизчаниям ўрғаниб юрардингиз, шекилли-я?

– Э-э, ҳарбийдан қайтгач, бир кизиқувдим. Коммерцияга илашгандан кейин ҳаммаси қоп кетди.

– Дом культурадаям чет тилини ўргатадиган курс очилган, деб эшитгандим. Мен ҳам қатнаб турганимда бўларкан-а?

– Ке, кўп бошимни қотирма. Бир гап бўлар. Амриқодан келган одамларни сен билан валақлашиб ўтиргани вақтиям бўлмайди.

– Ҳар қалай, амриқолик қўшнилариимиз савдо ишлари билан Дубайга қатнайдиغان тижоратчининг хотини инглиз тилиниям

билмас экан, деб кулишмасин, дейман-да. Бўлмаса, сизга текканимдан бери телевизорнинг программасидан бошқа нарса ўқиганим йўғ-а.

– Бўладиганидан гаплашайлик. Уй-пуй, ҳовли-повли, кўча-қўйни супуриб-сидириб уборка қип қўйинглар.

– Бўпти, бўпти. Барибир кўнглим ғаш-да. Улар-ку, хўпу-хўп, биз билан дарров гаплашгани вақтлари бўлмас. Лекин уларни кўчириб келаётган ўзимизникилар қўшниларииниям бир провер-ка қип қўййлик, деб қолишса-чи? “Катта мачитнинг ҳовузи”ни инглизчасига нима дейди, деб қолишса, қандай жавоб бераман? Бўтақорада шоли кўп экилади, “гуруч”ни инглизчасига нима дейилади деса-чи? Ўлай агар, ҳеч нарса билмайман. Ўзиям сизга текканимдан кейин жуда отсталий бўп кетдим-да.

– Бўлди энди. Ўзи илгари ҳам оғзинг қани, деса қулоғингни кўрсатардинг.

Хотинларнинг миш-мишидир-да, бизнинг қишлоқда амриқоликка нима бор, деб ўйлагандим. Йўқ, хотинимнинг гапи чиппа-чин бўлиб чиқди.

Эртасига тушликни уйда қилақолай деб келсам, дарвозамиз олдида юзлари ҳам, сочлари ҳам сап-сариқ, бошига дўппи қўндирган болакай ўғлим билан копток ўйнапти. Узун лозим, атлас кўйлак кийган, малла сочлари рўмоли четидан кўриниб турган аёл қўшни дарвоза олдини супурар, ўзига қўйиб қўйгандай ўхшаш ўзбекона кийинган қизчаси елим челақда водопроводдан сув олиб сепаетган экан.

Машинадан тушиб икки қадам юришим билан кутилмаган ҳол юз берди. Дунёнинг нариги бурчагидан келган аёлнинг она тилимизда назокат ила саломлашувидан сезилар-сезилмас энти-киб кетдим. Уйга кириб суюнчили хабарни айтай десам, хотиним аллақачон янги қўшни билан танишиб олиб, хурсанд бўлиб ўтирган экан.

Икки кун ўтгач, ишхонада телефонга чақиринди. Туманга боғланадиган телефон бошқа хонада бўлганлиги учун “Тинчликмикин?” деб ўйлаб ҳаллослаб чиқсам, гўшақдан хотинимнинг овози эшитилди:

– Алло, дадаси... Ану янги қўшнилариимиз сизни қаерда, деб

сўрашапти. Ҳеч тушунтира олмаяпман... “Дежурство”ни ўзбекчасига нима дейди?.. “Навбатчилик” Ҳа, бўлди. Хайр.

Орадан ҳеч қанча ўтмай талаффузидаги жиндай сезилар-сезилмас ғализликни демаса, соф ўзбек тилида гапирадиган назокатли, хушсухан амриқолик аёлни қишлоғимизда деярли ҳамма танийдиган бўп кетди. Эри бўлса маҳалланинг тўйдан ҳам, маъракадан ҳам қолмайди. Бир маросимда офтоба билан чилочинни олиб, оқсоқолларнинг қўлига сув қуйиб қолса бўладими...

– Баракалла, ўғлим, – деди оқсоқоллардан бири ҳайрон бўлиброқ қараб. – Танимайроқ турибман, сен қайси маҳалладансан, болам?

– Чикагодан.

– А-а?.. Бизда унақа маҳалла йўқ эди-ю?

Ана шунда янги қўшним келишининг сабаби-ю, дастлабки таассуротларини ўзбекона лутф билан баён қилиб оқсоқолларнинг ҳам дуосини олди.

Уч-тўрт кундан кейин хотиним яна бир гап топди:

– Тўтихонлар маҳаллага ош бермоқчи эмиш.

– Тўтихонинг ким?

– Анави янги қўшнилари-миз-да. Ўзларигаям, болаларигаям аллақачон ўзбекча исм қўйиб олишган. Эри сиз билан маслаҳатлашмоқчи. Детсаддан келаётсам, поворотта турган экан.

– Кимларни таклиф қилганимиз маъқул? – деди қўшни кечки пайт бизникига кириб. – Ҳар қалай, сиз бу ернинг паст-баландини биласиз...

– Биз одатда хув анави перекресткадан банянинг олдиғача айтамыз.

Қўшним ҳеч нарса тушунмади.

– Ҳаммомнинг денг, – эслатди хотиним. Дарров гапимни ўнгладим.

– Чорраҳадан ҳаммомгача.

Шундагина гапимни англаган Маллавоининг юз-кўзида табасум зоҳир бўлди.

– Учаскавойниям айтиб қўйинг, – дедим.

– Кимвой, – ҳайрон бўлиб сўради у. Яна тилимни тишладим.

– Ҳа, анови нозиримизни айтаман-да.

Бунақа ҳоллар тез-тез такрорланадиган бўп қолди. Ўз юртида соф ўзбек тилини ихлос билан ўрганган қўшнилари-миз учун четдан кириб қолган сўзлар гуручдан чиққан тошдек ғашга тегарли таъсир қиларди. Сал ўйлаброқ гаплашмасак, бўлмай-диган ўхшайди. Ҳар гал гапимни англантишга қийналганимда ҳижолатдан тер босади. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда бундай қоришиқ сўзлар билан гаплашишга кўникиб кетганимизни вақт ўтиши билан тушуниб ҳам қолишди. Лекин жилмайиб туриб беозоргина танбеҳ бериб гапимни тузатиб қўйганларида ичдан зил кетаман. Рус мактабида ўқиган, кўп қаватли уйда ўсган хотинимни-ку, асти қўяверасиз.

– Қанақа одамлар ўзи, а? “Обед” десанг тушунмаса. “Дом-культура”ни билмаса. “Оптом”и нимаси, деганига ўлайми?.. Нақ давлениям кўтарилиб кетади-да!

– Қўй, қизишма, аяси. Ахир, айб ўзимизда-ку. Мен ҳам аввалига шу келгиндилардан танбеҳ эшитаманми, деб ғашим келди. Аммо сал ўзимни босиб ўйлаб кўрсам, улар икки юз процент... э, йўғ-э, фоиз ҳақ экан. Тилимизга бўлган ҳурмати боис уларга ихлосим бениҳоя ортиб кетди.

– Тўғри айтасиз, – дейди хотиним сал ҳовуридан тушиб. – Баҳонада унча-мунча нарсани ўрганиб ҳам олаяпман. “Сквородка”нинг ўзбекчаси “това” эканлиги тушумга ҳам кирмаган эди. “Соска”нинг сўрғич, “билет”нинг чипта эканлигиниям энди билдим. Бир жиҳатдан шу қўшнилари-мизни келганиям яхши бўлдим, деб ўйлаб қоляпман, дадаси.

– Нимасини айтасан, аяси, – дейман мен ҳам кулиб. – Амриқолик қўшнилари-миз биздан урф-одатларимизни, биз иккаламиз эса, улардан тилимизни ўрганишимиз...





**Рухшона АШУРОВА**

## Сен сўзларга қанот бер!

\*\*\*

Хурман...  
Этагимдан ушла сен мени,  
Атиргулнинг ўйларидаман.  
Сен билмайсан, ҳар кеча, ҳар кун  
Оймомонинг тушларидаман.

Овозим мусиқа бўлар булбулга,  
Сочларим шамолнинг севган бўйлари.  
Бир ўпиб ҳаёт бахш этаман гулга,  
О, нега хотиржам турар ўйларинг.

Осмонга нигоҳинг қадайсан узоқ,  
Юлдузни чиройли дейсан-а ҳануз.  
Қўй, ахир, кўзларим бўлади тузоқ,  
Ҳозир кипригимга илинар юлдуз.

Уддасидан чиқдинг бепарволикни,  
Бўлди бас! Сабримнинг ниҳояси бор,  
Мени сев! Қўйсанг-чи бенаволикни,  
Сен агар севмасанг хурлигим бекор.

Хурман...  
Қўлларимдан тутгин сен мени...  
Атиргулнинг ўйларидаман.  
Сен билмайсан, ҳар кеча, ҳар кун  
Оймомонинг тушларидаман.

\*\*\*

Назарим ўткирдир, Эй ҳайкалтарош,  
Нигоҳим тошларни тарошлари бор.  
Фақат ховотирим кўзим тегмасин,  
Бир сенга бошқача қарашларим бор.

Сангзорлар гулзорга айланар экан,  
Эшитдим азалий таърифларингни,  
Лек сенинг юрагинг тарошланмаган,  
Минг йилки, кутаман ташрифларингни.

Озорим, бу қадоқ қўлларингни бер,  
Тошга сингиб кетган одамсимонсан,  
Одамни севардинг, эҳтимол, сен бир  
Келиб кўз ёшимга покланиб олсанг.

Ё Раббий, бу одам бўлмади нечун?!  
Минг шукр, омондир бу тандаги жон,  
Лек унинг қўлида гулламоқ учун,  
Мен тошга айланиб қолай, Художон.

\*\*\*

Сен Сўзларга қанот бер,  
Ишонавер,  
улар учишни билади,  
Ҳа, учади, кўнгилга қадар учиб боради.  
Бугун ерда айтган Сўзларинг  
Ерда қолиб кетмайди,  
Аввал Ҳаққа,  
кейин Халққа етиб боради.  
Сен Сўзларга қанот бер...

\*\*\*

Қайдан келдинг...  
Қайлардан келдинг,  
Эй, қуёшнинг эрка фарзанди!  
Юрагимга нур элаб келиб,  
Кулдириб юбординг чунон,  
Кулгичимга ошиқ бўлган ишқ.



Сен кўнғироқ деддинг жилмайиб,  
Кўнғироқдай хиром айладим.  
Номи борми бул ёнишларнинг,  
Овозимга ошиқ бўлган ишқ?!

Сўнг эса ўзгардинг,  
шундай туюлди.  
Қизиқтирмай кўйди хонишларим ҳам,  
О, нега кулдириб юрадинг мудом,  
Аразимга ошиқ бўлган ишқ?!  
Аразимга ошиқ бўлган ишқ.

\*\*\*

Кечир, узоқлашиб кетганман, синглим,  
Унутиб қўяман гоҳ борлигимни,  
Менга бот-бот эслатиб туради кўнглим,  
Бир сенинг олдингда айбдорлигимни.

Кечир, бу умримни қордим хатога,  
Шоирлик-машҳурлик даъвосин қилиб.  
Фариштам, ишқилиб, йиғлаб Худога,  
Сен менинг устимдан берма арз қилиб.

Узоқлашиб кетдим сендан, қишлоқдан,  
Тушун, бу шоирликнинг биринчи шарти.  
Энди бўлса мудом кетмас қулоқдан  
"Келасизми?" деган қизчанинг дарди.

Энди шеър ёзмайман, мақтовлар учун,  
Сен мени ўзингга ўхшатиб бергин,  
Синглим-а, бу инжиқ шоир опангга,  
Келиб нон ёпишни ўргатиб кўйгин.

Узоқлашиб кетдим, кечиргин, синглим,  
Унутиб қўяман гоҳ борлигимни,  
Менга тинмай эслатиб туради кўнглим,  
Мен унинг олдида айбдорлигимни.

\*\*\*

О, Петербург, пешонамга неларни битар,  
Учраштирди бизларни яна,  
Бу хушбичим куйлагинг билан  
Рақс тушмайсан нега, Татьяна?!

Мана, келдим, бутунлай келдим,  
Саёҳатда юрмайман ортиқ,  
Бу киборли хонимлар ичра  
Бир табассум этсайдинг тортиқ.

Сен муз узра сайр этасан,  
Муздай синиб кетар қобирғам,  
Ёзиғимга нелар битасан,  
Нечун бунча бошим узра ғам?!

Ҳа, серташвиш кўринди Ҳаёт,  
Энди ҳолим шундайин абгор.  
Бу бўронли, қорли бир кунда  
Кўзларингда баҳор ранги бор.

Мулзам турма, бу Оҳларингга  
Чидаёлмам, бирор сўз дегин,  
Мусичадай нигоҳларингга,  
Тўкилиблар кетар Онегин.

О, Петербург,  
Учраштирди бизларни яна,  
Бу хушбичим куйлагинг билан  
Рақс тушмайсан нега, Татьяна?!

\*\*\*

Яна тиланчидай бошимни эгиб,  
Ҳузурингга сўраб келдим ўзимни,  
Сен жонимдан мени олдинг суғуриб,  
Ўзимни берсанг-чи...

Кунларнинг юзини тирнаб ташладим,  
Яширмоқ истади тирналган юзин.  
Паранжигга ёпиниб олишди кунлар,  
Мен яна зулматнинг бағрида қолдим.  
Келсанг-чи...

Нелардандир олишиб андоз,  
Ҳижрон илдиз отяпти қара,  
Дунёйим бепардоз,  
Ўзим бепарвоз,  
Осмоним пояндоз қилдим,  
Келсанг-чи...

## Мақсуд Шайхзода Бир куни...

\* \* \*

Урушдан кейинги қийинчилик йиллари ҳозирги Сайилгоҳ кўчасининг хиёбонига яқин жойида бир гадоё ўтирарди. Ҳазрат Шайхзода домла хиёбоннинг нариги томонидаги Ёзувчилар уюшмасига борадиган бўлса, шу бечорага уч-тўрт сўм берай деб, атайин кўчанинг ўша гадоё ўтирган томондан юрарди. Бу одат бўлиб кетиб, гадоё ҳам шунга ўрганиб қолган экан.

Бир куни домла ўша жойга яқин қолганда чўнтакка қўл солса, пул йўқ – костюмини алмаштирганида пул аввалги кийимида қолибди. Сир бой бермай “Салом” деб ўта бошлабди.

“Эй, биродар”, деб қолибди шунда гадоё. Домла мақсадга тушуниб: “Пулим йўқ” деса, “Ишлаш керак!”, дебди гадоё.

\* \* \*

Шайхзода ҳазилни, шоирона ташбеҳларни яхши кўрарди. Бир куни телефон жириглаб қолди. Мен унинг салмоқдор овозини эшитдим:

– Биласанми, мен қаердан гапиряпман?

– Биламан, Тошкентнинг 9 январь кўчасидан, 18-уйнинг тўртинчи қаватидан.

– Й-ў-ўқ, яна билмадинг. Мен Мовароуннаҳрдан гапиряпман.

– Наҳотки!

– Ҳа, тушунмадинг-а! Уч дарё ўртасидаги уй, десак, Мовароуннаҳрдан-да, ҳа, ҳа, ҳа...– Жарангдор кулгудан сўнг “Мовароуннаҳр”га тушундим. Биз яшаб турган уй уч анҳор ўртасида жойлашганидан домла ўзларича шундай ташбеҳ қилган эдилар.

**Эътибор Охунова**

\* \* \*

Газета-журналлар чиқарадиган босмаҳонамизнинг олд томонидаги йўлакда матбаа маҳсулотлари сотадиган дўконча бўларди. Бир куни эрталаб шу ердан ўтиб кетаётганимда Шайхзода домлани кўриб қолдим. Ёмғир яхшигина савалаб турарди. Домла дўкончанинг ён томонида, ёмғирни писанд қилмай, газетани кенг очиб ниманидир ўқирди. Яқин бориб, салом бердим. Алик олиб:

– Йўл бўлсин! Жаббор ўғли қаёққа кетаётибдилар? – деди.

Саволга жавоб ўрнига мен:

– Юринг, панароқ жойга ўтайлик, ёмғир кучаяётибди, – дедим.

Босмаҳонага кирадиган дарвозанинг соябони тагига ўтирдик.



Билсам, домла боя ўзининг шу бугунги газетада босилган шеърларини ўқиётган экан.

– Ёмғирда ўқиш шартмиди? – деса, у киши:

– Бирорта шеърни ёзиб тугатсангиз, худди янги фарзанд кўргандек бўласиз. Шу шеърингиз газетадами, журналдами босилиб чиққанда уни ўқисангиз, худди ўша фарзандингиз бошини силагандек ҳузур қиласиз, – дедилар-да, кейин: – Бундай ҳузурни ҳеч ким, ҳатто ёмғир ҳам буза олмайди, – деб қўшиб қўйдилар.

\* \* \*

Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод уйи-боғида дам олаётган Мақсуд Шайхзода бир кун таомга қовурилган товуқ гўшти тортилганини кўриб, чеҳраси ёришиб, ёнидаги ҳамдастурхонларига:

– Товуқни еганлар раҳматини бизга айтишсин, – дебди.

Бу гапнинг маъносини баъзилар тушунибди, баъзилар тушунмай ҳайрон бўлишибди. Гапнинг тагида гап бор эди. Бундан бир неча кун бурун эрталабки нонуштага уст-устига тухум берганларида, Шайх ака тухумни егиси келмай, ўтирган ерида ўчоқ бошидаги хизматчи аёлларга қарата:

– Ахир бунинг мамашасидан ҳам бўладими? – деган экан.

– Мамашаси ҳам бўлиб қолади, лекин ҳозир товуқлар жўжа очишяпти, – деб аёллар ҳазилга ҳазил билан жавоб беришибди.